

АМРУЛЛО КАРИМ

УЛГУРАЙЛИК  
РАҲМАТ ДЕМОҚҚА

3)



СН0000032279

АМУРҲЛО ҚАРИМ

Улуғрайлик  
рахмат демокқа...



Тошкент  
“Muharrir” нашриёти  
2012 йил

УДК: 821  
ББК 84(5Ў)6  
К25

**Каримов, Амрулло**

Улгуруйлик раҳмат демоққа... [Text] : шеърлар /  
А.Каримов. - Т.: "Muharrir" nashriyoti, 2011. - 156 б.

**ББК 84(5Ў)6**


*Ушбу китобга инсон ва замон, орзу ва армон, одам ва олам, муҳаббат ва ҳижрон, ҳаёт ва табиат каби мавзуларидаги теран фалсафий шеърлар жамланди. Муаллиф ҳамиша ёруғлик, некбинлик қутбида туриб сўз айтади. Сохта зўриқиш, қуруқ ҳайқириқ, ясама жимжимадорлик унга ёт. Кўнгилда борини самимий изҳор қилади. Дилидаги ёлқин - аланганинг тафтидан ўқувчини ҳам иситгиси, баҳраманд этгиси келади.*

*Ўқинг, фикр қилинг, завқланинг, азиз китобхон.*

*Тақризчи ва сўз боши муаллифи:*

**Дилшод Ражаб**

филология фанлар доктори



925658

ISBN 978-9943-25-029-1

© «Muharrir nashriyoti»,  
Toshkent, 2012

## "ШИРИНГИНА БИР ИЗҲОР" ЁКИ ЮРАККА ҚАЙТИШ

Бундан ўн беш йилча бурун Амруллонинг илк китоби - "Толе чироғи" қўлёзмасини ўқигандим. Ўшанда шеърлари орасида "йилт..." этган сатрларни, "ярқ..." этган бадий топилмаларни кўриб, унинг келажагига умид боғлагандим. Бугун шу умидлар рўёбини, бир пайтлар нозиккина шуъла сочган тетапоя шеъриятнинг анчайин ёрқин, порлоқ жамоли ва камолини кўриб суюндим. Ҳа, ўтган йиллар ёш ижодкор учун чинакам ўқиш-изланиш, ўсиш-ўзгариш даври бўлибди. Шоирнинг юраги орқали ўтиб, қоғозга тушган, ўқиганинг ҳамоно яна юрагингга ўрнашиб оладиган дилбар шеърлар, қуйма сатрлар бунинг яққол исботидир:

*Очилганда боғда гул лоланг,  
Кулиб турса қаршингда боланг,  
Тирик бўлса дуоғўй онанг,  
Шу эмасми бахтнинг борлиги...  
...Атроф тўла дўсту ёр бўлса,  
Уйда кимдир интизор бўлса,  
Ширингина бир изҳор бўлса,  
Шу эмасми бахтнинг борлиги..*

Шоир бахтни тўкин турмушу, беҳисоб мол-давлат, мансабу шон-шухратлардан изламайди. Оддий ҳаёт тарзидан, яқинларнинг нафасидан, меҳр тўла диллару кўзлардан, самимий сўзлардан қидиради ва шунда кўради бахтни.

. Умуман Амрулло ҳаётдаги оддий воқеа-муносабатларни жиддий ва ҳаққоний ёритади. Улар замиридаги бир қарашда аҳамиятсиз лекин моҳиятан жуда муҳим, сермазмун бўлган жиҳатларга эътибор қаратади:

*Кувват олар одамдан одам,  
Муҳаббатга ташна бу олам,  
Яхшиликка фурсат жуда кам,  
Улгурайлик раҳмат демоққа.*

Шу тўртгина сатрда инсон ҳаётининг теран мазмун-моҳияти ихчам ифода топган.

Амрулло ҳамиша ёруғлик, неқбинлик кутбида туриб сўз айтади. Сохта зўриқиш, қуруқ ҳайқирик, ясама жимжимадорлик унга ёт. Кўнгилда борини самимий изҳор қилади. Дилидаги ёлқин - аланганинг тафтидан ўқувчини ҳам исит-



гиси, баҳраманд этгиси келади. "Одамнинг одамга меҳр том-чиси, Шундан бошланади боқий муҳаббат" деб билган шоир бир олам меҳр билан мурожаат қилади:

*Бир-бирин ардоқлаб, даврон сурганлар  
Шужрона айтмоқда, қутлуғ тонларга.  
Сен мени қадрла, мен эса сени...  
Жоним фидо бўлсин, қадрдонларга.*

Бу фидолик, фидойиликда ҳеч қандай ёлғон, сохталик йўқ. Юракдан чиққан бу наволар ҳеч бир тўсиқсиз ўқувчи қалбига ҳам кириб бориб, акс-садо беради.

Китобдаги шеърларнинг яна бир жиҳати шундаки, уларда содда ва айни пайтда равон, қуйма сатрлар худди серо-ханг куйдек оқиб келади:

*Ҳаёт бунча гўзал экан,  
Битсанг шеърү ғазал экан.  
Ҳар оннда муҳаббат бор,  
Ҳар онингни безар экан.*

**Ёки:**

*Ухлаяпти мен севган санам,  
Кутаяпти меҳрибон онам...*

**Яна:**

*Кўчада қор ёғар майдалаб,  
Ёр мени излайди қайдалаб,  
Сен эса бир қўшиқ айтасан,  
Барибир юракка қайтасан.*

... Хуллас, бу тахлит шеърлар сизни ҳам бир қадар юракка қайтариб, ўз кўнглингизга қулоқ солишга ундайди. Хусусан, болалик хотиралари билан боғлиқ қатор шеърлар қалбингизни туб-тубидаги беғубор туйғуларни яхши маънода бир силкитиб, титратиб қўядики, юрагингиз қаерда жойлашганини ногоҳ "сезасиз". Ёш шоир ҳаётда биз кичик, майда деб билган оддий ҳолат-ҳодисотлардаги катта инсоний қадр ва қадриятларни ба-дийий кашф эта биледи ва уларни англашга даъват қилади.

Амуруллонинг ўз ибораси билан айтганда бу тўплам "Ширингина бир изҳор" бўлибди. Биз унга жон қулогини тутиб, яна янги дил садоларини кутиб қоламиз.

**Дилшод Ражаб,**

*филология фанлари номзоди, Ўзбекистон ёзувчилар уюш-маси аъзоси, VI Олтин қалам Миллий мукофоти совриндори*



Қайда қолди маънавий қудрат?  
Оҳ урарди Қодирий, Фитрат.  
Ҳақни ҳақ деб талашмоқ учун,  
Йўқолганди мардона фикрат.

Омборларга айлантирдилар,  
Темурийлар қурган саройни.  
Алмашдилар Мадонналарга  
Тумарисдан ўтган чиройни.

Гоҳ эргашдик, истаб-истамай  
Хўжайин деб, бошни қилдик хам.  
Қадамжолар олдида беун,  
Дуо қилдик, асра деб Эгам.

Биноларда Фарбнинг сояси,  
Унутдилар андозаларни.  
Шляпага айланди дўппи,  
Бекор билдик жанозаларни.

Қўл ишдаю кўнгил Эгамда,  
Гард юқмади жойнамозига.  
Яшириниб борди халойиқ,  
Баҳоуддин қадамжосига.

Бухорийнинг ҳадисларини,  
Ибрат дерди Ислом олами.  
Фахрланиб айтолмадик сўз,  
Ўзбек ўзи бардош одами.

Далаларда белни кўтармай,  
Пахта терди аёл неча кун.  
Бирозгина бошлиқдан чўчиб,  
Пахта кўмди кўрпаси учун.

Бир замонлар ўтдия э воҳ,  
Ҳаммасига гувоҳ чархи дун.  
Куёш бўлиб порлади бошда,  
Алангага айланди учкун.

Бу аланга тафти-нуридан,  
Барқ уради яшнаб гул ҳаёт.  
Бугун миллат тараққиётда,  
Улғаймоқда баркамол авлод.

### МИЛЛАТ КАЙФИЯТИ

Эзгу сўз, эзгу иш, эзгу амаллар...  
Халқимнинг чехраси шу билан ёруғ.  
Эзгулик йўғрилган савобдан бўлак,  
Миллат кайфияти неларга боғлиқ?

Курса истаганча, кўркам иморат,  
Кўркам бинолардан олиб андоза.  
Ҳар келган меҳмоннинг ортса ҳаваси,  
Ана, ўзбекона улкан дарвоза.

Ош берса, тўй қилса мардона, мағрур  
Жонни аямаса дастурхонидан.  
Маҳаллада минг хил дув-дув гап билан,  
Ўтолса халқининг имтиҳонидан.

Жаннатнинг гўзаллик отлиғ боғидай  
Ер берсанг заминни айласа обод.  
Ҳар унган ниҳолга меҳрини кўшиб,  
Парвариш этолса, ниҳоятда шод.

Етим бошин силаш, ёшни авайлаш,  
Кексалар олдида сақламоқ одоб.  
Қадимдан ардоғда сув келтирганлар,  
Йўл қурмоқ дунёда энг катта савоб.

Андиша, ор-номус, ўзбекона лутф  
Халқим кўксидаги буюк қадрият.  
Лафзи ҳалоллигу бағри бутунлик,  
Миллатга улашар юксак кайфият.

Ўзбекда туморсиз бешик бўлмасди,  
Наҳот унутилди одатларимиз?  
Меҳмон кутмайдиган эшик бўлмасди,  
Наҳот кесилмоқда қанотларимиз?

Тунни ҳадя қилиб капалакларга,  
Шарпалар тонггача тушсалар рақс.  
Дилни зардобларга етаклаган куч,  
Ҳаёт томчисими, ё очқўз нафс.

Узун соч ҳаёнинг либоси эди,  
Барини бирма-бир юлиб отдилар.  
Қўлдан қўлга ўтиб, эзгиланди "гул",  
Парвонанинг беун болин тотдилар.

Дастурхон бошида каттадан олдин,  
Таомга қўл чўзмоқ, бизда йўқ эди.  
Бувим инсоф сўраб дуоларида,  
Боламга ҳақ йўлни кўрсатгин деди.

Ўзи нима десам замонавийлик,  
Э воҳ мини юбка, калта шим экан.  
Кўчага чиққанда шайтон либоси,  
Болам, сенинг отанг асли ким экан.

Сен Шарқнинг меваси, ўзбек қаноти,  
Фурур ва номусдан яралган ҳаёт.  
Бугун тақлид қилиб ҳою ҳавасга,  
Миллат номусини топтама, ҳайҳот!

Боланг қайда деса: - Дискотекада,  
У тинглар қўшиқдан кўнглим тўлмайди.  
Аллани унутган юраксизларга  
Миллат эртасини бериб бўлмайди...

\* \* \*

Суқин солиб ҳар жойга,  
Бека чиқиб саройга.  
Кутилмаган ҳодисот,  
Даҳшатлиси тиконнинг,  
Гул ўрнида қолгани.

Шод кунда энса қотса,  
Ташвишда оёқ тортса.  
Бу қандай мунофиқлик...  
Энг ёмони кўнгилнинг,  
Чўл ўрнида қолгани.

Борингда қўлинг ушлаб,  
Ошнам дея йўл бошлаб.  
Йўғингдачи аламли,  
Бундай "ноёб" дўстликнинг,  
Қил ўрнида қолгани.

Ёмғир ерга жон берди,  
Хирмон тўла дон берди.  
Мени ўйга толдирди,  
Майин ёққан ёмғирнинг,  
Сел ўрнида қолгани.

Ўйимиз мол-давлатда,  
Кайф-сафо, маишатда.  
Разолатку, дўстгинам,  
Ҳеч эримас музларнинг,  
Дил ўрнида қолгани.

Шайтон билан фаришта,  
Ҳамроҳ эрур ҳар ишда.  
(Ботинингга кулоқ тут)  
Шунча яхши азизим,  
Ҳар не истак амалнинг  
Ўз ўрнида бўлгани.

## БОЛАЛИК ОСМОНЛАРИ

Шамол менга сирини айтди,  
Болаликдан бир садо қайтди.  
Кум кўчада ўйнаб тўймадим,  
Давронларни соғиндим, Она.

Болалигим - қувонч бир кучоқ,  
Қуриб берди Отам арғимчоқ.  
Устунларга маҳкам бойланган  
Арқонларни соғиндим, Она.

Синглим, умр нима дегани,  
Юр чиқамиз, қоқи егани.  
Қадамларни томга бошловчи,  
Нарвонларни соғиндим, Она.

Катта-кичик китобларни деб,  
Жавон қурдим, бериб пича зеб.  
Бугун ўша эски, бежирим  
Жавонларни соғиндим, Она.

Сигир-бузоқ, қўй-қўзи бари  
Узоқлашиб кетдику нари.  
Қоп орқалаб, ўт терган дала  
Ёбонларни соғиндим, Она.

Ўтар экан умр карвондай,  
Тўс-тўполон, гоҳи тўфондай.  
Оёқ яланг чопдик чангитиб,  
Тўзонларни соғиндим, Она.

Ана боғда анор ва узум,  
Анжиридан яшнайти кўзим.  
Ҳар неъматда мингта хосият,  
Ошёнларни соғиндим, Она.

Наврӯз келди.  
Ундир деб буғдой,  
Сумалакка тайёрланди жой.  
Ниятларни ватан айлаган,  
Айёмларни соғиндим, Она

Ободликни солган кўнглига,  
Тухум барак "қозон тўлди"га.  
Одатлари дурдай тизилган,  
Маржонларни соғиндим, Она.

Оҳ, ёшлигим, беғуборлигим,  
Куёш балққан бахтиёрлигим.  
Лочинлигим менинг, сорлигим,  
Осмонларни соғиндим, Она,

Кўй қичқирма, ўйнама демам,  
Болаларим шодумон бирам.  
Ҳар гал улар тўполонида,  
Ёшлик мени тергайди, ОНАМ.

### РАМАЗОНДА ЁЗИАГАН ШЕЪР

Рамазонда пок ният-ла,  
Ҳар нарсадан савоб қидир.  
Ҳақ йўлида нима қилдинг,  
Ўзинг учун жавоб қидир.

Бир косада қаймоқ тутгин,  
Ота-онанг раҳмат дейди.  
Бир ялайди қаймоғингдан,  
Қолганини боланг ейди.



## УСТОЗЛАРГА

Очсак донишларнинг китобларини,  
Бизни қарши олар неча ўн матал.  
Ҳаётда неларга эришган бўлсак,  
Таъзим этмоқ керак устозга аввал.

Бизнинг кўчадаги байрамлар бари,  
Энг аввал уларнинг чеккан заҳмати.  
Алифбо сабоғи, ҳар бир соат дарс  
Устознинг чинакам оғир меҳнати.

Ниҳолга ўхшайди ҳар битта инсон,  
Қанча фурсат керак бўлгунча дарахт.  
Йиллар қувиб ўтар йилларни аста,  
Йиллар суронида минг бир машаққат.

Ҳар бекат неларни, инъом эгар жим,  
Қўллар устозларнинг ўғит, дуоси.  
Қўллар кўксимизда, этайлик таъзим,  
Устоз сабоғининг йўқдир баҳоси.

\* \* \*

Жунжикса жунжиксин совуқдан этим,  
Виждон азобидан жунжикмасин дил.  
Давлат келганида ҳовлиқма дўстим,  
Ҳаммадан қолади бу дунё савил.

\* \* \*

Йўл билан сирлашсанг,  
Дил билан сирлаш.  
Агар у йўл каби,  
Бир жойда турса,  
Бир сўзда турса.



## ҲАЁТ

Ҳаёт бунча гўзал экан,  
Битсанг шеъру ғазал экан.  
Ҳар ониди муҳаббат бор,  
Ҳар онингни безар экан.

Ташвишларга қўл силтасанг,  
Неъматини ёзар экан.  
Кўз учириб, қош қоққанга,  
Ишқ расмини чизар экан.

Кўп ўйласанг, қайгулари  
Тўрт ёнингдан эзар экан.  
Ким иморат тиклайдию,  
Яна кимлар бузар экан.

Қалб дегани хатоларни,  
Гоҳ сезмай, гоҳ сезар экан.  
Ким улоқда чопағону,  
Ким ҳаётдан ўзар экан.

Айтганларим бу ҳаётга,  
Кўнгил деган,  
Тор хужрадан назар экан.  
Ҳаддан ошиб кетганларни,  
Ҳаёт ўзи,  
Қулоғидан чўзар экан.



## КЕЙИНГИ ГАЛ...

Либосларнинг зўрини олиб,  
Кийдиради доим аёлга.  
"Тилла билан кўмиб ташлайман",  
Берилади шундай хаёлга.

Онасига зирак олмоққа,  
Нимагадир етмайди қурби.  
Кейинги гал навбат сизга деб,  
Энди ваъда бериб ҳам қўйди.

Кейинги гал аёл дер аста:  
- Йиртилибди ўғлим туфлиси.  
Нима қилсин, қай бири муҳим,  
Ўчиб кетар эркак уйқуси.

Яна кун санайди ноилож,  
Ўзи учун тайёр жавоби.  
Кейинги гал эса тўсатдан,  
Қочиб қолар қизининг тоби.

- Она, бўлинг кийининг тезроқ,  
Кўрсатаман шаҳарни сизга.  
Деганида, телефон билан  
Чақирарлар яна мажлисга.

Она дейди: - Борақол ўғлим,  
Ишингни қил, қочмайди шаҳар.  
Айланамиз бирга полвоним,  
Вақт топганда қиларсан хабар.

Тушунгувчи ёлғиз оналар,  
Умидворлар кейинги галдан.  
Бир онанинг кўнглин олишчун,  
Топилмайди имкон азалдан.

Юмушларга чалғима дўстим,  
Уфурмоқда ҳаёт нафаси.  
Она учун кейинги галга,  
Вақт қолдирма, келди хонаси.

## ҚАДРДОНЛАРГА...

Қадринг билганларга осмонингни бер,  
Ҳадяга ҳар икки жаҳонингни бер.  
Куйинма унга деб кетган онингдан,  
У учун ҳаттоки кечгин жонингдан.

Қадринг билганларни қадрла сен ҳам,  
Ҳар лаҳза унингчун, камарбаста бўл.  
Қадрдон қалбларнинг марҳаматига,  
Раҳна сололмасин, на бўрон, на сел.

Қадрлаш азалий қадриятларнинг,  
Бошида тургувчи энг олий неъмат.  
Одамнинг одамга меҳр томчиси,  
Шундан бошланади боқий муҳаббат.

Бир-бирин ардоқлаб, даврон сурганлар  
Шукрона айтмоқда, қутлуғ тонгларга.  
Сен мени қадрла, мен эса сени...  
Жоним фидо бўлсин, қадрдонларга.

\* \* \*

Сен кўзлаган қизларни,  
Тақдир юлиб кетаркан.  
Худо берган бойлик ҳам,  
Бир келиб, бир кетаркан.

Инъом билма давлатни,  
У синов бандасига.  
Гўзаллик ҳам меҳмондир,  
Чеҳрамиз саҳнасига.

Мушакларда тўлишган,  
Куч-қувват ҳам омонат,  
Эртанинг ўз иши бор,  
Бугун бизга ганимат.

Улғурайлик фарсал демокка...

Амрумо Карим

\* \* \*

Тиламайди мансаб ва таъма,  
Бор йўғингни қилмайди шаъма.  
Айб қидирмас каму кўст учун.  
Жонлар ҳалак яхши дўст учун.

Дастурхонга борин кўяди,  
Меҳмонини жондан тўяди.  
Кулиб чиққан очиқ юз учун,  
Жонлар ҳалак яхши дўст учун.

Кўриқлайди миллат орини,  
Ташлаб кетмас дилбар ёрини,  
Жон тикади ўғил-қиз учун,  
Жонлар ҳалак яхши дўст учун.

Бизни кутар нурли истиқбол,  
Болам дейди, ўтказар ниҳол.  
Сиз қолдирган нурли из учун,  
Жонлар ҳалак яхши дўст учун.

Йиққанлари фақат бўлди бол,  
Ҳар ютгани луқмаи ҳалол.  
Шукур дейди ризку-рўз учун,  
Жонлар ҳалак яхши дўст учун.

\* \* \*

Тўкилади баргларнинг бари,  
Куз келмай туриб.  
Ўрадилар наридан бери,  
Севгидан бир оғиз...  
Сас келмай туриб...  
Жавоби йўқ мен айтган байтнинг,  
Ҳар қатраси ёлғон бу қайднинг...  
Замонанинг зайли шу,  
Бари имкон сеники.  
Икки қўлим осмонда...  
Жаннатларга йўл очган,  
Жаҳон эса меники.

\* \* \*

Зебо, севар эдим кўзларингизни,  
Ширин ва бетакрор сўзларингизни,  
Йиғлаб излагум йўқ изларингизни,  
Бефурсат келдингиз, демайман, аммо,  
Бефурсат кетяпсиз, мендан айрилиб.

Азал битиб қўйган эртақларимни,  
Тилиб парча қилмам юракларимни,  
Бугун кўкка айтдим тилақларимни,  
Бефурсат келдингиз, демайман, аммо,  
Бефурсат кетяпсиз, мендан айрилиб.

Севги қазо бўлиб, жон ҳам ўлдими,  
Ё сизнинг қалбингиз ғамга тўлдими,  
Дилдаги илинжни тақдир юлдими,  
Бефурсат келдингиз, демайман, аммо,  
Бефурсат кетяпсиз, мендан айрилиб.

Жилмайиб кулмади ҳатто шу олам,  
Аллоҳ яратди чин, сиз-ла мени ҳам,  
Паноҳим илинжи айлади карам,  
Бефурсат келдингиз, демайман, аммо,  
Бефурсат кетяпсиз, мендан айрилиб.

\* \* \*

Сафо сенинг қўлингдан тутиб,  
Кетмоқдаман яна қаёққа?  
Мен маҳбуснинг қўлини боғла,  
Ва танамни туггин таёққа.  
Кўчам азоб,  
Кўзларим сўқир.  
Юрган йўлим, кичкина сўқмоқ.  
(Тобутда ҳам кетмоқдаман тик)  
Ҳар қадамда бошимда тўқмоқ.  
Мени замин кўтарганига,  
Шубҳам ортиб борса-да ажаб.  
Гуноҳ билан курашга чиқдим,  
Мен лабинга босмоқ учун лаб.

## УЛГУРАЙЛИК РАҲМАТ ДЕМОҚҚА...

Ортга юрмас соат миллари,  
Пасту баланд ҳаёт йўллари.  
Ўтиб борар умр йиллари,  
Улгурайлик раҳмат демоққа.

Таранглашса асаблар бугун,  
Дил ранжитиб яшамоқ нечун?  
Вақт топайлик ширин сўз учун,  
Улгурайлик раҳмат демоққа.

Қувват олар одамдан одам,  
Муҳаббатга ташна бу олам.  
Яхшиликка фурсат жуда кам,  
Улгурайлик раҳмат демоққа.



Одамийлик азалдан мерос,  
Ташвишларга қўмилдик бироз.  
Бу ҳам битга баҳона холос,  
Улгурайлик раҳмат демоққа.

\* \* \*

Неча кунки безовтаман,  
Дил йстаган ҳаловат йўқ.  
Мен ҳаётга ташна бўлдим,  
Вужудимда бегона ўқ.

Вулқон бўлиб отилгум бор,  
Оғриқлардан олиб қувват.  
Танам сезган беморликни,  
Дил сезмаса, не синоат.

Хом сут эмган бандамизда,  
Ҳолимасмиз хатолардан.  
Хато қилиб Эгам деймиз  
Чарчамаймиз дуолардан.



925658

## БАХТ

### *Қизим Диёрахонга*

Очилганда боғда гул лоланг,  
Кулиб турса қаршингда боланг,  
Тирик бўлса дуогўй онанг,  
Шу эмасми бахтнинг борлиги...

Деразадан мураласа кун,  
Тонгни кўрдинг, насибанг бутун,  
Шукур этгин янги тонг учун,  
Шу эмасми бахтнинг борлиги...

Тандир тўлиб ёпилса нонинг,  
Омон бўлса озурда жонинг,  
Бутун бўлса қалбда имонинг,  
Шу эмасми бахтнинг борлиги...

Қалбга бошлар дарвозанг очиқ,  
Енгса енгсин ишқ деган оғриқ,  
Севмоқ асли Худога боғлиқ...  
Шу эмасми бахтнинг борлиги...

Айвонингда қалдирғоч ини,  
Хотиржамлик дейдилар буни,  
Ким истамас бундай туйғуни,  
Шу эмасми бахтнинг борлиги...

Атроф тўла дўсту ёр бўлса,  
Уйда кимдир интизор бўлса,  
Ширингина бир изҳор бўлса,  
Шу эмасми бахтнинг борлиги..

Бошинг узра мусаффо осмон,  
Томирингда жўшиб турса қон.  
Шукронанг айт ҲАЗРАТИ ИНСОН  
Шу эмасми бахтнинг борлиги.

*Ғлифранлийлик фарзат демокка...*

Амрулло Карим

\* \* \*

Бу ҳаёт - дилбар бирам,  
Қайданам кўрдим сани.  
Муҳаббат осмонида,  
Қучганим ҳижрон мани.

Оҳ дедим, бир тўкилдим,  
Жон деган жоним қани?  
Соғинчлар соясида,  
Эркалар армон мани.

Қўл узатдим, сен томон,  
Ким яхшию, ким ёмон.  
Шу гумонлар бир куни,  
Ўлдирар осон мани.

Дард титкилар танамни,  
Ким жўнатди санамни  
Ул санамнинг бағрида,  
Қолганим ёлғон мани.

Ғафлат босиб кўзимни,  
Баҳш этибман ўзимни.  
Сен санаган хатолар,  
Асрарми омон мани.

Қанот боғлаб учайми,  
Ё баридан кечайми.  
Кўкни қучар манзилдан,  
Ташлагай осмон мани.

Мен ҳам ожиз бир банда,  
Севгим чин Яратганга.  
Хиёнат шарпасидан,  
Асрагай имон мани.

Бу ҳаёт - дилбар бирам,  
Қайданам кўрдим сани.  
Муҳаббат осмонида,  
Кучганим ҳижрон мани.

Оҳ дедим, бир тикилдим,  
Жон дедим, жоним сани.  
Қўлингда Гулим дея,  
Ўлмоғим аён мани.

\* \* \*

Менинг нафсим ишқ дейди,  
Ақлим эса ибодат.  
Нафсни тия билишдан,  
Борми улкан саодат.

Битта ширин сўз аъло,  
Бир лаҳзалик лаззатдан.  
Шайтон рақсин кузатдим,  
Ёқа ушлаб ҳайратдан.

Бойлик - душман, бойлик - дўст,  
Бошга тушар минг савдо.  
Давлатни ҳам жойида,  
Ишлатмоқда кўп маъно.

Тортиб кетар давлатни,  
Зино отли рутубат.  
Топганларинг соврилиб,  
Қарши олар уқубат.

Меҳнат қилиб бол йиғсанг,  
Ўтирсанг ибодатга.  
Эгам ўзи йўллайди,  
Ҳақ йўлга, ҳидоятга.

## ҚИЗИМ МОҲИНАБОНУГА

Кимдир кимни юракдан севса,  
Ўшар эмиш фарзанди унга.  
Менинг эса жажжи маликам,  
Хўп ўхшайди мунаввар кунга.

Бошларига боғлайди рўмол,  
Кулибгина аяжон дейди.  
Онам эса юзидан ўпиб,  
Кўнглим тўла ҳаяжон дейди.

Она, сизни яхши кўраман,  
Оппоқ кунга ўшар кўзингиз.  
Яратганга шукрона айтиб,  
Тонгни қаршилайсиз ўзингиз.

Субҳидамда қизим юзига,  
Меҳрла босаман юзимни.  
У онамга ўхшайди дея,  
Табриклайман Дилафрўзимни.

## ТУШУНИШ

Чорладим...  
Юрак гупурмайди.  
Англадим.  
Ҳар кескин айтилган жавобдан.  
(телефон)  
Рақамлар...  
Уларни термайман.  
Қийналдим.  
Дил гарчи умидвор саробдан...

## ЁШЛИК

Ёшлик бизга омонат, жўра,  
Ғанимат бил, ҳар бир даммини.  
Ҳар лаҳзанинг қадри бўлакча,  
Меҳнат билан тўлдир камини.

Ким тўп тепди, ким эса яна  
Қадаҳларда майни тўлдирди.  
Ёшлик бизга омонат дея,  
Санамлардан сафо қидирди.

Ким илмда чўққи излади,  
Оқшомларни ўтказди бедор.  
Ким бетиним яхшилик қилди,  
Ўз жонига етса-да озор.

Аё дўстлар, ҳар не ғанимат,  
Ким Ҳақ дейди, ким мансаб сўрар.  
Ким нафсига қул бўлиб бунда,  
Гул ёшликни гуноҳга қўмар.

## ҲАЁТ ДАРСААРИ

Ҳаёт катта мактаб ўзинг,  
Уққан уқди дарсларингни.  
Ҳар қўнғироқ жарангида,  
Эслатарсан дардларингни.

Ким бозорда толиб бўлиб,  
Давлат тўплар тарозидан.  
Ҳалол дейди, қўнғироқнинг,  
Чўчимайди овозидан.

Қўлни қўл танир эмиш,  
Бу ҳам битта дарс экан.  
Ақлинг қишни ёз деса,  
У чиндан ҳам ёз экан.

Кеча кийган ковуш баъзан,  
Тор келаркан оёғингга.  
Даллол келиб, шу ковушни  
Пуллаб кетар ўртоғингга.

Ким аълони орзу қилди,  
Ким қоникди баҳосидан.  
Ўзлаштириб бўлармикин,  
Сўраб кўринг даҳосидан.

Бу даҳри дун мактаб аро  
Шаҳодат бер, ким ғолибинг?  
Уқмоқ учун дарсларингни,  
Интилмоқда шу толибинг.

\* \* \*

Интернетдан дўст топдим дея,  
Мақтанади ошнам чунонам.  
Хат ёзишиб "Агент" орқали,  
Ишонаман дейди хотиржам.

Ўтирармиш мавзу талашиб,  
Интернетнинг "чойхона"сида.  
Ундан-бундан эшитганларни,  
Ёзишармиш росманасига.

"...Классник"да кўпмиш танишлар,  
Агентда ҳам неча ўн ўртоқ.  
Менга эса шу танишимнинг,  
Мақтангани ёқмайди бироқ.

Кўз-кўзга тушмагач орадан,  
Кўтарилар хаё пардаси.  
Эътирозим эшитиб бироз,  
Қайнаб кетди ошнам зардаси.

Нима дейсиз, гапларимга дўст  
Бу суҳбатлар бари бекорга.  
Дўст топмоқлик оғир ҳаётда,  
Ҳеч қайсиси етмас дийдорга.

\* \* \*

Орамиздан гап ўтди жиндай,  
Осилади бўйнимга қизим,  
Хафа бўлманг асло, дадажон,  
Мен сиз билан ухлайман ўзим.

Ўғлим қатнар ёстиқ кўтариб,  
Онасига кўзи қиймайди,  
Ётай деса онаси билан,  
Ота қадрни бирдай қийнайди.

Билсанг бу ҳам кичик фалсафа,  
Яқинларнинг муҳаббатидир.  
Фарзандларнинг зарра меҳри ҳам,  
Ота-она саодатидир.

#### АЗИЗИМ Д.ГА

Қийнадингиз қийналдик ёмон,  
Балолардан бошимиз омон,  
Ишқнинг юки эмаскан осон,  
Қалбингизга бекман, тўраман,  
Мен барибир сизни яхши кўраман.

Узоқ экан осмонингиз ёр,  
Ишқ азоби қийнайди такрор,  
Қалбингиз кўп кўрса-да озор,  
Қалбингизга бекман, тўраман,  
Мен барибир сизни яхши кўраман.

Қизғанаман гулдан, сабодан,  
Тун шуъласи моҳилиқодан,  
Номингиз ҳеч тушмас дуодан,  
Сизга умр тилаб худодан  
Қалбингизга бекман, тўраман,  
Мен барибир сизни яхши кўраман.

## ХУЛОСА

Ойим мени хафа қилди,  
Жовдирайди кўзчалари.  
Коптогимни олиб қўйди,  
Намиқибди юзчалари.

Копток эмас, энди болам,  
Қўлга китоб олиш керак.  
Ойижоннинг айтганларин,  
Билсанг, сўзсиз қилиш керак.

Йиллар ўтди, копток қолди,  
Китоб бўлди менга ҳамроҳ.  
Илм излаб узоқ кетдим,  
Онам қолди чекиб оҳ-воҳ.

Мана бугун телефонда,  
Ҳол сўрадим омонмисиз.  
Онам эса яхшиман дер,  
Аммо мени...  
Қамраб олди қандайдир ҳис.

Ким ойимни хафа қилди.  
Овозлари бунча хомуш.  
Ўйлаб-ўйлаб ухлаб қолдим,  
Наҳорда ҳам дил фаромуш.

Китоб ўқиб узоқларда,  
Тўплаганим ақл экан.  
Борида ҳол сўролмасам,  
Тўп тепганим маъкул экан.



## ЁШЛИК НАВОСИ

Кўчада қор ёғар майдалаб,  
Ёр мени излайди "қайда"лаб,  
Сен эса бир кўшиқ айтасан,  
Барибир юракка қайтасан.

Дардимга жўровоз навоси,  
Эҳ, бирам ёқимли ҳавоси.  
Тушимда кўлимдан тутасан,  
Барибир юракка қайтасан.

\* \* \*

Оқшом туманга тўлди.  
Дил чунон саҳройидир.  
Гул фасли хазон ўлди,  
Дерлар у савдойидир...

Сир айтиб капалакка,  
Термулиб камалакка,  
Андуҳларга суюнган,  
Гуллари анвойидир.

Суқир машшоқ навоси,  
Даҳри дун дилрабоси.  
Чўқишиб, фоз юришлар,  
Барчаси ҳавойидир.

Кўнгил ранждан беҳузур,  
Сўролмаимиз гоҳ узр.  
Бугун жумла жаҳонда,  
Яхшилик худойидир.

Вулқондек отилмоққа,  
Чора йўқ ёрилмоққа.  
Мен истаган айшларга,  
Кўнгил дард саройидир.

## БИРИНЧИ СЕВГИ

Ўша қизни севдим чинданам,  
Ўша қизни севдим юракдан.  
Ҳатто, усиз яшашим оғир  
Номи тушмай қолди тилакдан.

Узун тунлар ҳижрон азоби,  
Банд қиларди юракларимни.  
Мен ўзимни асраб қолардим,  
Ойга айтиб эртақларимни.

Дунё қизиқ, кўрдим кўз билан,  
Биламан, у бошқага тегди.  
Лек негадир дилни тарк этмас,  
Унутилмас биринчи севги.

## САВОЛ

Ишқ бердингми...  
Рашк бердинг...  
Кошонамга гишт бердинг...  
Қурай десам, ўнг қўл йўқ...  
Қўл ўрнига  
Ва яна,  
Отгин дея тош бердинг...  
Калла дейми ё қовоқ...  
Мия десам,  
Ҳурпайган...  
Сочга қўшиб  
Бош бердинг...  
Бош берибсан.  
Бошни ҳам.  
Бошидан уйла андак,  
Ишламаган бош билан,  
Йўлни топарми тентак...

\* \* \*

Курашларга бел боғладим,  
Рақиблардан ўзмоқ учун.  
Чоғланмадим бир ҳамлада,  
Чумолидек эзмоқ учун.

Кеккаймадим қўли узун  
Акалардан паноҳ истаб.  
Бош урмадим мунофиққа,  
Озор билан қуруқ "сиз"лаб.

Гар мақтансам, умид ила,  
Топганимни шеърга солдим.  
Дўстлар сафи оргганини,  
Ҳар қадамда тилга олдим.

Кимлар тундан уйқу кутди,  
Кимлар китоб титкилади.  
Ён-веримдан кимлар ўтди,  
Яна кимлар тепкилади.

Оғриқлари сезилса-да,  
Чўққиларни кўзлайвердим.  
Сиртимдан ҳеч парво қилмай,  
Ич-ичимдан музлайвердим.

Қўй, тўкилсин гуноҳларим,  
Қалқон бўлма қамчисига.  
Кулиб чиқдим иккиланмай,  
Мунофиқлар қаршисига.

Менинг ҳамлам ўз-ўзимни,  
Англамоққа вақтим етди.  
Менга ҳамла қилганларнинг,  
Аробаси қуруқ кетди.

\* \* \*

Соҳилнинг у ёнида,  
Айрилиқ айвонида,  
Вой-войлаган сен бўлдинг,  
Ҳай-ҳайлаган мен бўлдим.

Азиз билдим нозингни,  
Кўрмоқ учун юзингни,  
Йўл қидирган мен бўлдим,  
Пайсаллаган сен бўлдинг.

Ишққа ватан оламни  
Кўксимдаги ноламни.  
Юлиб отган сен бўлдинг,  
Авайлаган мен бўлдим.

Кўз кимни қидиради,  
Атрофга югуради.  
Қоровулинг мен бўлдим,  
Ҳаяллаган сен бўлдинг.

Олишиб тикан билан,  
Гоҳида тубан билан.  
Тоза виждон сен бўлдинг,  
Муттаҳам жон мен бўлдим.

Қаранг маймун қадамлар,  
Қарсак чалар одамлар.  
Масхарабоз мен бўлдим,  
Томошабин сен бўлдинг.

Кеча ҳай-ҳай деганлар,  
Вой-войларга чиданглар.  
Мен-сен дедик, талашдик,  
Асаблари таранглар.  
(Ҳаёт деган кемада)  
Ғолиб борар "гаранг"лар...

## ХАЁЛ...

У билмади. Қарда у?  
Денгиздами қирғоқдами...  
"Кишан"ларнинг жарангидан  
Роҳатдами, қийноқдами...

Талотўнда қамчиннинг,  
Зарби унга малҳамдай.  
Учинчи кўз муҳаббат,  
Ундан жуда узоқдами.

Турткилайди ҳақиқат,  
Ён-веридан айланиб  
От суради. Юргандайн...  
Пойгадами, улоқдами.

Туйғуларга тамшаниб,  
Шаъма қилар шаробга.  
Шу шаробнинг шарбатидан,  
Туйғулари ардоғдами.

У ўзини йўқотиб,  
Улгурдими топишга.  
Оломонга яқиндиров,  
Ўзидан кўп йироқдами.

У билмади. Қарда у?  
Ё яқин ё йироқдами.  
Жавоб излар уйқусизлик.  
Руҳи савол сўроқдами...



\* \* \*

Ҳаёт икки эшик ораси,  
Битмас экан юрак пораси.  
Шубҳалардан халос бўлишнинг,  
Топиларми бирор чораси.

Болаларим умрим зийнати,  
Рашк аслида қалб муҳаббати.  
Қидирмасман, бахтим ёнимда,  
Чанқаганда болу шарбати.

Севги билсанг ноёб марварид,  
Биров сотиб қилолмас харид.  
Болаларим - энг ширин мева,  
Айб қидирмоқ бироз бемаварид.

\* \* \*

Бизни севган жонона ҳайрон бўламан дебди,  
Қарамаса ўзгага жонон бўламан дебди.

Кўз тутмаса йўлимга, гул тутмаса кўлимга,  
Сир айтмаса ўзимга, ёмон бўламан дебди.


Чидаб ҳижрон доғига, муҳаббат сўроғига,  
Ўзга кўнгил боғига боғбон бўламан дебди.

Севгига тўлиқ макон, орасида икки жон,  
Орзулари бир жаҳон осмон бўламан дебди.

Ёшлик бўлиб юраги, шодлик бўлиб тилаги,  
Севги бўлиб эртаги, бийрон бўламан дебди.

Бухоронинг йўлига, ёмғиру қор селига,  
Битта раъногулига, қурбон бўламан дебди.

Амуруллони қийнаган, севаман деб қўймаган,  
Хуморидан тўймаган, армон бўламан дебди.



## ХОНАДОН ТИНЧЛИГИ

Қадамларинг босмайди олдин,  
Топганларинг бўлмайди олтин.  
Севган ёринг кулиб турмаса,  
Хонадонда тинчлик бўлмаса.

Кўлинг сира бормайди ишга,  
Тобинг сира бўлмайди ошга,  
Оғриқ кирар доимо бошга,  
Хонадонда тинчлик бўлмаса.

Асабларинг чархланар мудом,  
Ололмайсан тонггача ором,  
Яратгандан кутасан инъом,  
Хонадонда тинчлик бўлмаса.

Кўринмайди дунё ташвиши,  
Касбу коринг, қилар юмушинг,  
Ортда қолар бошлаган ишинг,  
Хонадонда тинчлик бўлмаса.

Хуморингни майдан оласан,  
Аро йўлда тентак қоласан,  
Тамакига дардинг соласан,  
Хонадонда тинчлик бўлмаса.

Топганингга барака қайда,  
Тўй-тантана, томоша қайда,  
Меҳнатингдан топмайсан фойда,  
Хонадонда тинчлик бўлмаса.

Ниятим шул, эй биродарим,  
Қадамларинг боссин олдинга,  
Ва айлансин боринг олтинга.  
Гўзал ёрлар кулиб турсин,  
Ҳар хонадон нурга тўлсин.

## СИНФДОШГИНАМ

Шодликка берилиб ўтган онларни,  
Устозу мураббий меҳрибонларни,  
Эслаб ҳар лаҳзани қўмсайман шу дам,  
Мен сени соғиндим, синфдошгинам!

Севинчдан порлаган чақноқ кўзларни,  
Ишқдан сўз очилган ўшал кезларни,  
Унугиб бўлмайди ҳаттоки бир дам,  
Мен сени соғиндим, синфдошгинам!

Жонажон мактабим, илк партадошим,  
Кўзимда шашқатор қотди кўз ёшим,  
Оҳ, яна қўмсадим, ёшликни шу дам,  
Мен сени соғиндим, синфдошгинам!

Охирги қўнғироқ кузатар бизни,  
Катта ҳаёт сари бурамиз юзни.  
Жонажон мактабим, қалбимда ҳар дам,  
Мен сени соғинаман, синфдошгинам!!!



## МУҲАББАТ ҒУНЧАСИ

Муҳаббат ғунчаси менинг қўлимда  
Юрагим бош эгиб, қилар тиловат.  
Барқ урган юракда чўғланган севги,  
Оллоҳдан кутади ўзга марҳамат.

*Элмуродин Раҳмат димоқка...*

Муҳаббат ғунчаси менинг қўлимда  
Кўнгилга боғлабон кўкка учаман.  
Севгига бош эгиб, ишққа суяниб,  
Муҳаббатнинг дилхуш майин ичаман.

Муҳаббат ғунчаси менинг қўлимда  
Сўз очар шивирлаб, дилда ҳаяжон.  
Қалбимга қўл солган ўзингсан фақат,  
Қалбим карвонига ягона сарбон.

Муҳаббат ғунчаси менинг қўлимда  
Қалблар хислатининг фолин очади.  
Муҳаббат ғунчасин олсам қўлимга  
Мафтункор хаёллар олиб қочади.

## МАНЗАРА

Ана улар ким бўлди яна,  
Қиз қўлида лолақизғалдоқ.  
Атрофида йигит парвона,  
Сўзларига солмоқда қулоқ.

Ана улар ким бўлди яна,  
Шивирлашиб лолазор аро.  
Ҳеч ким билмас гўё пинҳона,  
Чин муҳаббат бермоқда оро.

Ана улар ким бўлди яна,  
Пастга қараб думалайди тош.  
Кўзларимни этдим бегона  
Гул баргига тугашиди қуёш

Амрулло Карим

## МЕН СИЗНИ СЕВАМАН

Ғофилнинг кўзини кўр қилган ҳижрон,  
Қалбларни тирнайди битмаган армон,  
Қалбларда ўчмайди муҳаббат ҳамон,  
Мен сизни севаман. Ўн саккиздаман.

Ўн тўрт ёшда севиш бола севгиси,  
Болаликнинг муҳтож, чала севгиси,  
Қалбларга кирмаган дала севгиси,  
Мен сизни севаман. Ўн саккиздаман.

Қаро тун мисоли, ёшликсиз олам,  
Севги юракларга мангудир малҳам,  
Севгисиз яшолмас дунёда одам,  
Мен сизни севаман. Ўн саккиздаман.

Севгининг мезони, висоли баҳор,  
Севган юракларнинг иқболи қарор,  
Севасизми деган саволи ҳам бор,  
Мен сизни севаман. Ўн саккиздаман.

Ўн тўрт ёшда севиш, ягона ҳавас  
Асли дунё унга келолмайди бас,  
Ўртаниб-ўртаниб инграйди у маст,  
Мен сизни севаман. Ўн саккиздаман.

\* \* \*

Гулзорда бир гул танҳо,  
Чаманда булбул танҳо.  
Сен гулсену мен булбул  
Бизнинг севгимиз танҳо.

Барчиной кўнгил берган,  
Танҳо эрур Алпомиш.  
Отабек деб жон берган  
Ягонадир ҳур Кумуш.

Гулни севмишдир булбул,  
Айни ёшлик чоғида.  
Бирга-бирга яшайлик,  
Муҳаббатнинг боғида.

\* \* \*

Мен ўзимни қулинг десам-у,  
Сени шоҳи гулим десам-у,  
Сенсиз менга ўлим десам-у,  
Сен ўзгани ёрим дебсан-ку,  
Юракдаги борим дебсан-ку.

Сени севиб баҳор деб билсам,  
Тошқингина анҳор деб билсам,  
Қалбингда бир қарор деб билсам,  
Сен ўзгани ёрим дебсан-ку,  
Юракдаги борим дебсан-ку.

Сочлари мажнунтолим десам,  
Кутган куним, висолим десам,  
Менинг бахтим, иқболим десам,  
Сен ўзгани ёрим дебсан-ку,  
Юракдаги борим дебсан-ку.

### ГУЛГИНАМ

Ўз боғини топмаган гулим,  
Шабнамларни ўпмаган гулим,  
Булбулига чопмаган гулим,  
Ким алдади, кимлар хор этди?

Шоҳгинангни синдирди кимлар,  
Ҳижронларга қолдирди кимлар,  
Тириклайин ўлдирди кимлар,  
Ким алдади, кимлар зор этди?

Узоқдаги жононанг кутар,  
Интизоринг, парвонанг кутар,  
Йўлларида девонанг кутар,  
Ким алдади, кимлар ёр этди?

Ўз боғингни топгин, гулгинам,  
Булбулингга чопгин, гулгинам,  
Бўса олиб, ўпгин гулгинам,  
Чаманзоринг, ўз боғинг кутар,  
Настарин гул, баҳоринг кутар.

## МАКТУБИМНИ ЁҶАР БЎЛСАНГ...

Мактубимни ёқар бўлсанг, жон,  
Мана, олдин сўнгги хатим ёқ.  
Аввал ўқи, суратимга боқ,  
Сўнгра эса суратимни ёқ.

Мактубимни ёқар бўлсанг, жон,  
Мана, олдин юрагимни ёқ.  
Сен-ла, бахтли бўларман деган  
Нурдай тоза тилагимни ёқ.

Мактубимни ёқар бўлсанг, жон,  
Мана олдин вужудимни ёқ.  
Йиғлат мени, титрат мени, жон,  
Энди эса мактубимни ёқ.

## КЎНГИЛ

Муҳаббатнинг чироғи кўнгил  
Ҳаётингни нурга берайди.  
Ёниб турар эртаю кеч ул  
Кўзларингга уйқу келмайди.

Муҳаббатнинг япроғи кўнгил,  
Яхшиликнинг пок кўриқчиси.  
Бўлмагайсан оламда ғофил,  
Эзгу ишлар "бузгайдир" тинчинг.

Муҳаббатнинг байроғи кўнгил,  
Бошинг узра кўтаргин уни,  
Нурли, бахтли келажак учун  
Курашларда кечсин ҳар кунинг.



\* \* \*

Юрагимни яра қилсин тош,  
Кўзларимни ожиз қилсин ёш,  
Азобларга беролмасам дош,  
Мен сизнинг қалбингиз тилган бўламан,  
Мен сизга хиёнат қилган бўламан.

Қалбингизга беролмасам бахт,  
Ўз аҳдимда туролмасам нақд,  
Айбим дейман, билинг ўша пайт,  
Мен сизнинг қалбингиз тилган бўламан,  
Мен сизга хиёнат қилган бўламан.

Нозларингиз вужудни тилса,  
Агар сиздан ўзгалар кулса,  
Бир тола соч, ерга тўкилса,  
Мен сизнинг қалбингиз тилган бўламан,  
Мен сизга хиёнат қилган бўламан.

Дард бўлса-ю, бўлмаса даво,  
Соз бўлсаю, бўлмаса сабо,  
Ёр бўлсаму, қилмасам вафо,  
Мен сизнинг қалбингиз тилган бўламан,  
Мен сизга хиёнат қилган бўламан.

### ЧЎҚҚИГА ИНТИААЁТГАН ҚИЗГА

Оёғинг тошлардан тилинсин, синглим,  
Чўққига интилгин, майли қизалоқ.  
Осмонга интилиб борганинг сари,  
Ҳаёт синовларин англайсан тезроқ.

Чўққидан бир ошсанг табассум билан,  
Яна бир чўққига илинжинг ҳам бор.  
Англайсан ўзингча бир довон мисол,  
Ҳаёт довонлари йўлингда бисёр.

## ҚИЗЛАР ДАВРАСИ

Бу даврага жам бўлмиш,  
Не бир сарви равонлар,  
Эрам боғи кам бўлмиш,  
Бу гулбоғдан, ёронлар.

Нозик-ниҳол қадлари,  
Гилос каби лаблари,  
Ширин - шарбат гаплари,  
Ўзи гулу хандонлар.

Яноқлари анор, ҳай,  
Юзлари нақш олмадай,  
Беллари-чи толмадай,  
Қабоқлари бодомлар.

Бу шундайин ажиб боғ,  
Кўриб кўнгил бўлар чоғ,  
Кўнмасин ҳеч қарға - зоғ,  
Кўрмасин ҳеч хазонлар!

## ТҮЙ ТАЪРИФИ

Тўй дегани аввали,  
Келин-қуёв бахтидир.  
Истиқболи ёғдули  
Ёшларнинг чин аҳдидир.

Икки пайваста жоннинг,  
Икки вобаста жоннинг,  
Икки бахтиёр хоннинг,  
Саодатли тахтидир.

Тўй тўладир тилакка,  
Зиё тўлар юракка,  
Ойу қуёш фалакка,  
Бирга чиққан вақтидир.

\* \* \*

Юлдузликни кўзламоқ яхши...  
Унга етмоқ машаққат, оғир.  
Ҳар инсоннинг пешонасига,  
Ёзилмишдир турлича тақдир.

Кимдир олдин, ким эса ортда,  
Ким пиёда, яна ким отда,  
Ҳаракатнинг меваси бари,  
Ўрин топмоқ қийин ҳаётда.

Нима эксанг, шуни ўрасан  
Кўзгуда ҳам шуни кўрасан.  
Ўз топганинг ўзингники дўст,  
Бошқасини нима қиласан.

Оёқ чаққон, қўл узун бўлсин,  
Ҳар даврада ўз сўзинг бўлсин,  
Диёнатни дўст бил ўзингга,  
Ҳақни кўрар чин кўзинг бўлсин.

Аканг, уканг ёру дўстинг ҳам,  
Фаниматдир, билсанг, эй ошнам.  
Ғафлат босма, ҳаракатда бўл,  
Бўлмай десанг бировлардан кам.

Юлдузликни кўзламоқ яхши,  
Унга етмоқ машаққат, оғир.  
Шу матоҳнинг ҳошиясига,  
Ёзиб қўйдим: - Қўлимда тақдир!

\* \* \*

Бир мусофир кўзларимга боқдида бир зум,  
Сўрди мендан чеҳранг очиқ намуноча дўстим,  
Унга боқиб, секин қилдим табассум  
Дедим унга... кўп сўзлатманг толганман.  
Мен баҳорда севиб қолганман.

## ДУОГА ҚЎЛИНГ ОЧ, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ҳақни кўзлаб, ҳақ деб ёнган халқ ўзи,  
Ширмой нондек юзи қизил халқ ўзи,  
Эзгуликка ирмоқдир қалб денгизи,  
Катта йўлга чиққан она карвоним,  
Дуога қўлинг оч, Ўзбекистоним!

Бошинг тошдан бўлсин, она тилаги,  
Фарзандлар бахтиёр, осмон юраги,  
Яқуни яхшилик топар эртаги,  
Бахтга бешик бўлган жону жаҳоним,  
Дуога қўлинг оч, Ўзбекистоним!

Ота-боболардан сахийлик мерос,  
Қўли очиқ зотлар, балодан халос,  
Ҳар қарич тупроғин, этайлик эъзоз,  
Мен таъзим этаман, ота маконим,  
Дуога қўлинг оч, Ўзбекистоним!

Ўзбегим бахти бор, дуоси билан,  
Фахр этар Навоий бобоси билан,  
Жаҳонни лол этар зиёси билан,  
Ҳар даврада янгроқ, субҳи забоним,  
Дуога қўлинг оч, Ўзбекистоним!

Бир ёнда Сирдарё, Амударёси,  
Бир ёнда Самарқанд, ҳам Бухороси,  
Тортиб турар доим оҳанграбоси,  
Ватан деб севаман эй, Онажоним,  
Дуога қўлинг оч, Ўзбекистоним!



## КЕЛ, БАҲОРИМ!

Сени кутиб абадият нури бўлдим,  
Кўз очмаган гунчаларга чўри бўлдим,  
Уйноқлаган шабаданинг шеъри бўлдим,  
Сени қўмсаб ёнган куним, гулбаҳорим!

Майсаларга сажда этиб ўпганимда,  
Нажот излаб, сендан дарак топганимда,  
Оппоқ замин висол гаштин тотганимда,  
Сени қўмсаб ёнган куним, гулбаҳорим!

Жилга бўлиб, анҳорларга оқиб кетдим,  
Гунча бўлиб, гул чаманга ёқиб кетдим,  
Соғинчлардан ёна-ёна қалқиб кетдим,  
Сени қўмсаб ёнган куним, гулбаҳорим!

Нигоҳларим қадаб ўтдим, лозазорга,  
Юракларда ўрин қолмас, бир ғуборга,  
Мен эсладим, тезроқ қайтгин бу диёрга,  
Сени қўмсаб ёнган куним, гулбаҳорим!  
Соғинтирма, кел баҳорим, кел баҳорим!

\* \* \*

Инжуларга эгмагин бўйин,  
Шафақларга бўйсунма дилбар.  
Ваъдаларга тўлса ҳам қўйнинг,  
Тилло бериб сочса ҳам -ки зар.

Муҳаббатни беролмас биров,  
Беролмайди ҳатто бахтингни,  
Ишончинг ҳам умидингга гов,  
Авайлагин, дўстим, қалбингни.

## ЭЛИМ

Сурув-сурув қўйлари бор,  
Ҳиммати зўр чўпонлари.  
Кийсанг агар гашти бисёр,  
Беқасам тўн чопонлари.

Базму жамшид тўйларига,  
Сарвиқомат бўйларига,  
Тан беради уйларига,  
Ҳинду хитой, японлари.

Баланд-баланд минорлари,  
Минг асрлик чинорлари,  
Ўлан, ялла, ёр-ёрлари,  
Дунё кезар дostonлари.

Оқ олтини деҳқон юзи,  
Бол шарбати боғбон сўзи,  
Кумуш, тилла бахт юлдузи,  
Марди бисёр майдонлари.

Ўзбекона лутфи билан,  
Хонатласи кўрки билан,  
Зардўзи тўн, дўппи билан,  
Ёндиради жононлари.

Алпомишдай билаклари,  
Қордай оппоқ тилаклари,  
Ботир, кўрқмас юраклари,  
Юртга содиқ ўғлонлари.

Ниятим шу юртим учун,  
Ўз гурурим кўрким учун.  
Ушалсин -е бари бутун,  
Ушалмаган армонлари.

## БУХОРОНИНГ ТҮЙЛАРИ

Ўтни ёқ-ей, жон укам,  
Чилдирмани чал дўстим.  
Бухоронинг чинакам,  
Ўланидан ол дўстим.  
Эриб кетсин бу диллар,  
Наволарнинг тафтидан.  
Яйрасин дилу жонлар  
Ёр-ёрларнинг завқидан.  
Ният қилинг бир дунё,  
Буй қўшилсин бўйига.  
Етмайди ҳеч қайсиси,  
Бухоронинг тўйига.  
Оташ берар юракка,  
Алёрлару ялласи.  
Ярашади бунчалар,  
Куёвга оқ салласи.  
Келин бошин эгибди,  
Саломидан ўргилай.  
Яхши ният тилаган,  
Некбинларга жўр бўлай.  
Ният қилинг бир дунё,  
Буй қўшилсин бўйига.  
Етмайди ҳеч қайсиси,  
Бухоронинг тўйига.

\* \* \*

Кўрк очибди дилда муҳаббат,  
Яралибди исёнкор, дилхун.  
Ҳатто гул ҳам булбули билан,  
Жуфт бўлгуси аёндир бир кун.

Ёлғиз эмас ҳаттоки зоғ ҳам,  
Севги асли мангу оловдир.  
Эртаю кеч меҳнатда толган  
Чумоли ҳам жуфти биландир.

## ОҚ ТОНГЛАР КУЙЧИСИ...

*Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг порлоқ хотирасига ва Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлган оқила қизларга бағишланади.*

Тагин боғларингда очилди гуллар,  
Камида эллик йил, яшарди баҳор.  
Ҳаёт бўлиб балки, бўлиб муҳаббат,  
Устун чиқди вафо, садоқат такрор.

Тагин нигоҳингда порлайди севги,  
Ҳаётни куйлайди чақноқ кўзларинг.  
Тагин лабларингга қўнибди ҳиллол,  
Садоқат тимсоли, ширин сўзларинг.

Балки матонатдан яралган қалбинг,  
Метиндек мустаҳкам, балки бардошинг.  
Гўзаллик яшашдир, муҳаббат мангу,  
Ўчмас садоқатга боғлиқдир бошинг.

Ҳамон кечагидай, вужудинг исён,  
Севгингга санамлар этарлар ҳавас.  
Қандай бахт азизим, мингта гул бўлиб  
Бу дунё бағрида олмоқлик нафас.

Оппоқ тонг куйчиси, оппоқ орзулар,  
Нақадар ёқимли ёшлик навоси.  
Туйғулар рангини ҳис этармикан,  
Шоир юрагидан бошқа "даҳо"си.

Булбуллар сайрига тўлмишдир баҳор,  
Муҳаббат куйчиси, бахтдан энтикар.  
Бир кучоқ анвойи атиргул мисол  
Оқ тонглаР куйчиси юртга кўз тикар.

## ҲАЗРАТ МОҲИТОБОН

(Зиёратгоҳда ёзилган шеър)

Фалакнинг гардиши сояси билан,  
Тоғларнинг кўрки ҳам қояси билан,  
Бизни ҳам Оллоҳим бахтга йўлласин,  
Ҳазрат Моҳитобон руҳи қўлласин,

Бугун хуш келдингиз, пок ният бажо,  
Ҳазратнинг руҳига этмакка дуо,  
Дилдан ният этинг: Ватан гулласин,  
Ҳазрат Моҳитобон руҳи қўлласин,

Дуога қўл очинг, мўмин мусулмон,  
Табаррук зотларга кўнгил армуғон,  
Ҳар кўнгил бир улуғ ният тиласин,  
Ҳазрат Моҳитобон руҳи қўлласин,

Руҳларин шод айланг, айланг зиёрат,  
Унинг руҳи сизга ёрдир тоабод,  
Пирлар юртидир бу айтсак сирасин,  
Ҳазрат Моҳитобон руҳи қўлласин,

Нақшбанд ҳазрат ҳам улуғ халоскор,  
Оллоҳим ёрлақа, бўлгин мададкор,  
Дуолар нур бўлиб кўкка ўрласин,  
Ҳазрат Моҳитобон руҳи қўлласин.



## ВАФО

Вафо - инсон қалбидаги нур,  
Муҳаббатни қуёш деб билсак.  
Чин севгидан олгаймиз шуур,  
Биз юракка итоат қилсак.

Вафо мисли ғунчаи моҳдир,  
Гул англасак, чин муҳаббатни.  
Ҳавас қилса, арзийди ахир  
Садоқат - ла улғайган бахтни.

Вафо сўзда жаранглаган сас,  
Юракларнинг қўшиғи висол.  
Биз у билан оламиз нафас,  
Чин вафоли муҳаббат ҳалол.

## ЎЙЛАРИМ

Ўйларимдан чексиз нима бор...  
Нима чексиз, хаёлдан бошқа.  
Ер юмалаб, осмон қулайди,  
Булут ёғар, ёрилган кеча

Ўйларимдан чексиз нима бор...  
Ҳатто ер ҳам чекли-ку ахир.  
Неча аср қилдилар хаёл,  
Бўлар экан замона охир.

Ўйларимдан чексиз нима бор...  
Ёққан ёмғир ҳаёт кўз ёши.  
Еру осмон яралган чиндан,  
У толенинг, бахтнинг қуёши.

## ОТА

Покликда тенги йўқ беҳисоб,  
Ҳаёт йўли ўзи бир китоб,  
Изларингиз пойлайди офтоб,  
Ота, сизни яхши кўраман.

Бағри Жилвон чўли каби кенг,  
Ҳар айтгани минг тиллога тенг,  
Китобимни бир очиб ўқинг,  
Ота, сизни яхши кўраман.

Дард кўрдингиз, тўй ҳам кўрдингиз,  
Ният қилиб, уйлар кўрдингиз,  
Ҳар лаҳзада юрт деб турдингиз,  
Ота, сизни яхши кўраман.

Кимдир улов олса ногаҳон,  
Дуо қилиб алқайсиз шодон,  
Юрт бойиса, бойийди жаҳон,  
Ота, сизни яхши кўраман.

Бизга ибрат ҳаёт йўлингиз,  
Бўшамайди ишдан кўлингиз,  
Ҳасадлардан йироқ дилингиз,  
Ота, сизни яхши кўраман.

Ҳар даврада орим бор дейсиз,  
Мол етмаса, жоним бор дейсиз,  
Ҳар луқмани ҳалоллаб ейсиз,  
Ота, сизни яхши кўраман.

Очилганда умр дафтари,  
Бизга мактаб ҳар бир гаплари,  
Юрак эзгу ишлар минбари,  
Ота, сизни яхши кўраман.

*Ғлифранлик фаршат демокда...*

Амрулло Карим

## ЖАННАТ СОҲИБААРИ

Агар онам бўлсанг, шафакқа туташ  
Сен улкан тоғдурсан, қуламас қоя.  
Сен танҳо меҳрибон, ягона дилкаш,  
Жаннат маликаси, бахтимга доя.

Агар момом бўлсанг, эртақлар айтиб,  
Олтин булоқлардан мадал сўрагин.  
Асотирлар айтиб, дostonлар айтиб  
Қалбимни муаттар бахтга ўрагин.

Агар ёрим бўлсанг, гулдек муаттар  
Кўкда моҳим бўлса, замин ойи бўл.  
Дарёдек тошқину, кундек мунаввар  
Юракка оқиб кир, кўнгил сойи бўл.

Агар қизи бўлсанг, дилбар замоннинг  
Таърифлай чўққидан кўринган бахт бўл.  
Севиб кўнгил қўйган барно йигитнинг,  
Қалбида туғилган муқаддас аҳд бўл.

Агар аёл бўлсанг, она эрурсан  
Аёллар жаннатнинг соҳибалари.  
Аллага сурурсан, қуёшдан нурсан,  
Бу мунис ҳаётнинг маҳбубалари.

## БАҲОР ЁМҒИРЛАРИ...

Юзларимни ювиб ўтдилар,  
Дардларимни қувиб ўтдилар,  
Баҳор ёмғирлари...

Сочларимни ҳўллаб кетдилар,  
Кўнгилларни селлаб кетдилар,  
Баҳор ёмғирлари...

Ер-заминга инжу солдилар,  
Юракларда нурдай қолдилар,  
Баҳор ёмғирлари...

## СОҒИНЧ

Яна сизни соғиндим она,  
Соғинч ила қалам ушладим.  
Дардларимни қоғозга тўкиб,  
Юрак уриб қўшиқ бошладим.

Яна ўша қум кўчаларнинг,  
Чангларига кўчди тақдирим.  
Шойи кийган у қизчаларга,  
Айтмоқ учун кўп эди сирим.

Савол бериб, ўзимга ўзим,  
Ёзиб яна ҳижронли хатлар.  
Бўшамайди қўлларим узра,  
Учиб тушар кундалик дафтар.

Севинч, шодлик, қайгу, аламини,  
Хотирлашга жасорат топиб.  
Альбомдаги сурагга боқиб,  
Болаликка қайтаман шошиб.

Айтай десам сўзлар бир жаҳон.  
Уйим томон етаклаётган...  
Бўйи осмон теракзор билан,  
Соғинаман сизни, онажон !

\* \* \*

Севги ёлгон эмас, аслида билсанг  
Менга дўст тутинма, севгидан кулсанг.  
Билсанг яшамоққа бир таскин керак,  
Яхшида кимнидир, севиб яшасак



Бу оқшомда жуда кеч қайтдим,  
Дўстлар билан ичиб сўз айтдим.  
Ухлаяпти мен севган санам,  
Кутаётган меҳрибон онам.

"Ғала - говур, аланга, тутун..."  
Туш таъбири изланар шу тун.  
Сенга нима бўлди жон болам,  
Тушида ҳам мени кўради онам.

Кинодаги "сюрприз" каби,  
Дабдурустдан бориш истаги,  
Доим бўлар билмам негадир,  
Аммо, онам...  
Мени доим интиқ кутади.

Сир айтарми, балки уларга  
Улар ётган, эски хоналар.  
Ким етказар уларга буни,  
Қандай билар буни оналар?!

Она кўнгли болада эмиш,  
Боланики далада эмиш.  
Бир косада сут бериб менга,  
Нон ёпай деб чиқар ўтинга.

Ўттиз ёшли болангман, она  
Ухланг десам, тилим куяди.  
Ўнгингда ҳам, тушда ҳам ҳатто  
Боланг сени сарсон қилади.

Бу оқшомда жуда кеч қайтдим,  
Дўстлар билан ичиб сўз айтдим.  
Ухлаяпти мен севган санам,  
Кутаяпти меҳрибон онам...

## БОШИНГНИ ҚҮЙ ОНА БАҒРИГА

Зулматларга айланса олам,  
Йўл пойласа қайғу ва алам.  
Утолмайсан ундан нарига,  
Бошингни қўй она бағрига.

Юрагингни минг бора эзиб,  
Ташвишлардан кетганда безиб,  
Чидай десанг агар барига,  
Бошингни қўй она бағрига.

Орзуларим тоғ ошсин десанг,  
Ва борини шукр деб есанг,  
Боқиб такрор дунё чархига,  
Бошингни қўй она бағрига.

Болаликни соғинсанг агар,  
Шу он қўмсаб, ёнсанг бесамар,  
Чек қўйгину турмуш заҳрига,  
Бошингни қўй она бағрига.

Фарзанд бўлса, қувват белингга,  
Ёрим десанг, нурли йўлингга,  
Онанг қайда! Тўйгин меҳрига,  
Бошингни қўй она бағрига.

Бемор бўлсанг кўргувчи онанг,  
Ҳолинг сўраб тургувчи онанг,  
Ширин сўзи малҳам дардингга,  
Бошингни қўй она бағрига.

Аччиқ сўзлар сўзламоқдан қоч,  
Қувонч инган юрагингни оч,  
Дуосин ол, етгин қадрига,  
Бошингни қўй она бағрига.

*Алғурайлик фармат демокка...*

Имрулло Карим

## ОНА ҚАДРИ

Юраклари тошга айлансин  
Орзулари ёшга айлансин,  
Бутун умри тушга айлансин,  
Ким етмаса она қадрига.

Дўзах ичра қолиб кетармиш,  
Кунлар кўрмай ўлиб кетармиш,  
Ёки бадбахт бўлиб кетармиш,  
Ким етмаса она қадрига,

Йўқотганда фарзанд изини,  
Икки қилса она сўзини,  
Қиёматда кўрар ўзини,  
Ким етмаса она қадрига.

Андуху-ғам чеккандай бўлар,  
Боши тошга теккандай бўлар,  
Бир умрга чўккандай бўлар,  
Ким етмаса она қадрига.

Узоқ йиллар даврон сурса ҳам,  
Вақт ўтганда бошин урса ҳам,  
Бой эмасдир, бойлик кўрса ҳам,  
Ким етмаса она қадрига.

Жаннат аксин олсин қалбига,  
Ҳамма етсин она қадрига,  
Аллоҳ берсин даво дардига,  
Ким етмаса она қадрига.

\* \* \*

Инсон бахт деб яшайди ҳамон,  
Бахт бўлмаса инсон ҳам тамом,  
Юрак уриб туриши керак,  
Инсон бахтли бўлиши керак.

## МУВАШШАҲ

Меҳрим қуёш бўлиб боғланди сенга,  
Орзуйим чинордек бўй чўзди қўкка.  
Ҳали сен чаманда бир гул бўласан,  
Илҳомим куйчиси бўласан якка.  
Номингни эшитиб пойнингда тоғлар  
Адирлар саломга келади бир-бир,  
Бахтинг қўчасида онанг иккимиз,  
Оппоқ орзулардан қурамыз қаср.  
Нафосат мулкида танҳолик тилай,  
Умринг узоқ бўлсин, бахтингни кўрай!

\* \* \*

Лочин бўлиш сирин аслида,  
Лочинлардан ўрганиш керак.  
Етмоқ учун севги қадрига,  
Минг бор куйиб ўртаниш керак.

Соғинч билан ҳижрон фарқини,  
Англай билмас севмаган юрак.  
Узоқ муддат дарс олиб бунда,  
Унинг сирин ўрганиш керак.

Ўртанганлар, ёнганлар қанча,  
Шаробидан қонмоқ ҳам керак.  
Йўлигамас, жонинг чиққудек  
Ҳар кун ўлиб, ўртаниш керак.

Қора хат келса-да ёрини,  
Йўлин пойлаб кутгани бўлак.  
Улуғвор севгининг қадрини,  
Шу аёлдан ўрганиш керак.

Лочин бўлиш сирин аслида,  
Лочинлардан ўрганиш керак.  
Етмоқ учун севги қадрига,  
Минг бор куйиб ўртаниш керак.

## ХАЁЛЛАРГА

*Сени осмонимга олиб кетаман...*

*М. Юсуф*

Биз томон елмишдир ажиб шамоллар,  
Шамоллар ортидан учқур хаёллар,  
Майли қурбон бўлай жайронингизга,  
Мени олиб кетинг осмонингизга.

Қалбларда бир олам орзу яшайди,  
Армонга айланган туйғу яшайди,  
Майли армон бўлай армонингизга,  
Мени олиб кетинг осмонингизга.

Сизга юрагимни айлаб бахшида,  
Битсам арзир эди ажиб қасида,  
Майли шерик этманг давронингизга,  
Мени олиб кетинг осмонингизга.

Дунё тугамайди, менда эса ўй  
Карвон кетаверар, менга ҳамроҳ куй.  
Соқчи бўлай ўзим карвонингизга,  
Мени олиб кетинг осмонингизга.

Мен томон еляпти, ажиб шамоллар  
Шамоллар ортидан учқур хаёллар.  
Ошиқман мен сизнинг жаҳонинигизга,  
Мени олиб кетинг осмонингизга.

\* \* \*

Шивирлаб сўрайди мендан дунёни,  
Аччиқми бу ҳаёт ё болдек ширин.  
Кўзимга суртаман субҳи зиёни,  
Наҳот шу муҳаббат менгадир текин.

Камондек қошингга кўнгил маҳлиё,  
Авайлаб силайман, ойдек юзингни.  
Нигоҳинг турибди, қалбим тўрида  
Соғиниб қоламан тагин ўзингни.

## ЎҒЛИМ ШАҲБОЗБЕККА

Орзулар орзуга уланар яна,  
Улар қайта куртак отаверади.  
Кўкламнинг ҳам, жажжи юраккинангда,  
Атиргули гунча очаверади.

Кузда туғилганман, баҳор баҳор-да  
Сафоси шаробдай тотимли менга.  
Барибир кўкламнинг қўшиғи дилбар,  
Бериб қўёлмайман, юракни тунга.

Ҳар тонгда чехрангда кўрай табассум,  
Ўйноқла, ўйноқла олға бос, болам.  
Кўклам гулларидай кулиб тур, ўғлон,  
Дерлар: - Бола кулса, кулармиш олам

Сенда орзуларнинг рўёбин кўриб,  
Шубҳасиз сен кулсанг, кулади онанг.  
Ҳар тонг бахтиёрлик қўшиғин куйлаб,  
Сенинг кулгунг билан кўкси тоғ отанг.

\* \* \*

Ҳаёт бўлса қанча мураккаб,  
Ширингина шарбати ҳам бор.  
Уч кунлик изғирин ортидан яна,  
Эшик қоқиб келар қирларга баҳор.

О баҳор, мен сенга етишмоқ учун,  
Қор тушган қирларнинг бағридан ўтдим.  
Тутишганда асалли чойни,  
Кулиб туриб мен заҳар ютдим.

Тутганлари оғу эмасди,  
Менинг асли тақдирим эди.  
Қаловини тополмадим ҳеч,  
Ўз тақдирим ўзимни еди.

Ўлуғвайлик расман демокка...

Амрулло Карим

## БОЛАЛИГИМ

Аёз келиб, қирга қор тушди,  
Дилга нурли бир қарор тушди,  
Ўйин-кулгу торларда қолди,  
Болалигим боғларда қолди.

Томчилар ҳам денгиз бўлдилар,  
Қизалоқлар ҳур қиз бўлдилар,  
Ўйинчоқлар йўлларда қолди,  
Болалигим йилларда қолди.

Баҳор келиб, гуллади чаман,  
Нетай: мен баҳорни севаман.  
Хаёлотим гулларда қолди,  
Болалигим дилларда қолди.

Боғларимга куз келди, ажаб  
Юрагимдан эртақлар сўраб,  
Эртақларим сўзларда қолди,  
Болалигим кўзларда қолди.

Кўзимга боқингиз, у сўзлар,  
Болалиқдан не қолди излар.  
Шўхликларим қирларда қолди,  
Болалигим шеърларда қолди.

\* \* \*

Дедингиз, суймаган жонимга,  
Суйиб мени адо қиласиз.  
Айланиб бир меҳрибонимга,  
Ишқ ўтида гадо қиласиз.

Дедингиз, ол ёноқ фариштам,  
Кўзингиз кутмайди баҳорни.  
Чалмайди, чалишни билмайди,  
Кўлингиз тутолмас бу торни.

\* \* \*

Ҳаёт, қўшиғингни тўхтатма бир пас,  
Куйла баланд парлада ёниб.  
Мен сув ичай дарёларингдан,  
Ташналикдан лийдорга қониб.

Тилаганим меҳр ва журъат,  
Яна не деб сўрама фақат.  
Қаршингдаги бир уюм нафрат,  
Кетармисан ундан ҳам тониб.

Қўлимдаги май тўла коса,  
У меҳрдан олган андоза,  
Ҳижронларга тутқазиб бўса,  
Нома ёздим тунда тўлғониб.

Ухлолмаган тунларинг ҳаққи,  
Менсиз отган тонгларинг ҳаққи,  
Менга асло қолмади фарқи,  
Яшармидим сени қизғониб.

\* \* \*

Ўзингиз вафога қилиб хиёнат,  
Яна муҳаббатдан бонг ҳам урасиз.  
Ўзингиз вафони тушунмай туриб,  
Менга муҳаббатдан сабоқ берасиз.

Баъзида ўйламай сўйлайсиз, дўстим,  
Вафо туйғусини қилиб чилпарчин.  
Вафо нелигини билмаган инсон,  
Севги тилсимини қандай ечолсин.




Бас қил энди нозиккинам,  
Ёнгинамдан йироқлама.  
Азобларга қидирма йўл,  
Дилгинамни фироқлама.

Бас қил энди, эрка моҳим  
Юр кетайлик қўлингни бер.  
Чўққиларга, осмонларга  
Юр мен билан, шамолдек ел.

Бас қил энди оппоқ бекам,  
Оҳори йўқ сўзларингни.  
Деразадан мўралаган,  
Сирини айт кўзларингни.

Бас қил энди, малаккинам  
Хўп изладим изларингдан.  
Мен қўрқаман фақат сени,  
Йўқотишдек ҳисларимдан.

Бас қил энди, бухоролик  
Қоши камон, ёй, маликам.  
Ҳижрон ўти жондан ўтди,  
Мен қайтаман, юрагингга  
Бухоролик ой маликам,  
Борми ўзи, биз учун ҳам  
Юрагингда жой маликам!



\* \* \*

Мен узоқ изладим самимиятни,  
Самимий номалар келтирдим атай.  
Табиат қонуни шумикан билмам,  
Инсон кўп баъзилар шайтонга малай.

Инсофни соққадай отарлар гоҳи,  
Либос киядилар алмашлаб пўстни.  
Шерларнинг ҳайбати эртақда қолган,  
Алмашлаб кетарлар баъзида дўстни

Кўз-кўзга тўқнашар дил кўзи беун,  
Метродан гимирлаб чиқар одамлар.  
Одами қайсию оломон қайси,  
Кимда ихлос, кимда ифлос қадамлар.

Самимият нима? Тушунарми дил.  
Виждон, инсоф деган тушунчаларни.  
Худбин туйғуларга эгганча бошни,  
Дерман...  
Ечиб бўлмас барча тугунчаларни.  
Ёлғон тўлдирилмас асло кам кўстни,  
Бизда алмашлаш йўқ йўлларда дўстни....



\* \* \*

Ёлғиз дема, ёлғиз булмайлик,  
Ёлғизликда ёлғиз қолмайлик.  
Ҳар нафас кимгадир керак бўлайлик,  
Истасанг бир дардли юрак бўлайлик.  
Ғойиб бўлиш нима дегани,  
Ғойиб бўлай қалбинг тубига.  
Қара бугун янги ҳаётинг,  
Ўраяпти оппоқ "сут"ига.  
Ғуборларни ювади бу қор,  
Унда ҳам бир сурур бор.  
Афсусланма ўтган дамидан,  
Айланайин тортган дамидан.  
Ғамларни қўй, дамлар ғанимат,  
Келгин яна, гаплашайлик жим.  
Одам олар одам тафтини,  
Қўп нарсалар демоқчи кўнглим.  
Кунинг бўлиб қолишдан қўрқдим,  
Умрим берай етса тоқатинг.  
Кераксан бил битта одамга,  
Ғар беролсанг ишқ-муҳаббатинг.



\* \* \*

Аввало нур бўлиб, ташладинг қадам...  
Мен ҳам ташна бўлдим, дийдорга узоқ.  
Энди ҳижрондаман, юракда алам,  
Қўлимда,  
Дилимда,  
Тилимда титроқ.  
Унда нега келдинг, фаришта бўлиб,  
Куйдириб, куйдириб ўлдирмоққами?  
Дардинг эшитишга мубтало бўлдим,  
Қалбимни оғриққа тўлдирмоққами?  
Мен тугаб боряпман...  
Хаёл бетайин.  
Чорласам чорловга, садо йўқ зарра.  
Энди кеч баридан кечиб кетишга,  
Мени бемор қилдинг, шукр тангрига.  
Оламингга олиб кетишга...  
Мени бир кунликка айлангирдинг жим.  
Ўзинг хат жўнатиб,  
Қийноққа солиб,  
Ҳарфлардан сўз ясаб,  
Сўзлардан жумла...  
Жумлалардан юракка кириб,  
Менга тинч хонада чиқариб ҳукм.  
Яна оламингга айладинг маҳқум.  
Бу қандай дард бўлди,  
Билмам жавобсиз.  
Аллакиминг бўлишни истадим жуда.  
Шунчалик юракни эзмоқлик учун,  
Мактуб ёзганмидинг, топиб вақт,  
журъат.  
Биринчи қадамни босган ким эди?  
Завқ билан бошланган олам "жабр"ми?  
Ўзинг мафтун қилдинг,  
Совғага эса,  
Ўзинг ҳадя қилдинг Улкан сабрни?!

Заррача афсус йўқ,  
Ҳамсуҳбат бўлганим учун.  
Сўзингга интизор,  
Ёнингда бир неча соатлар,  
Турганим учун.  
Ким эдинг, кимим бўлишга,  
Улгуриб қолганинг учун.  
Назм гирдобига  
Опкелиб...  
Чанқатиб...  
Сўлдириб... ва яна камига  
Мендан кет дея...  
Туйғулардан самимий...  
Беозор кулганинг учун.  
Менда ҳам юрак бор...  
Унинг тубидан...  
Ташаккур айтаман...  
Қимтиниб...  
Жой олганинг учун...  
Менга юборилган...  
Совуқ қурол-ла...  
Кўксимни минг лаҳта бўлакка  
Бўлганинг учун.  
Билмадим нима у...  
Совуқ декабрнинг учинчи куни...  
Бутун аъзойи баданим титраб,  
Чиқиб кетаёзди дарду тутуни.  
Даврни қайтиб ол...  
Қўлингда келса...  
Истасанг ортқилаб елкангга...  
Оламингга бошла...  
Бирга юрайлик...  
Хаёлотда дардлар измида...  
Жаннатларда сарой қурайлик.  
Саройнинг қули ҳам,  
Подшоси ҳам...  
Шоири ҳам, гадоси ҳам,  
Кўнгли ярим адоси ҳам,  
Бошга тушар савдоси ҳам

Бизга тушсин, ёшлар оқсин,  
 Томчи ёшлар юзга тушсин...  
 Эзилганча эзилайлик,  
 Қайғулардан безиллайлик...  
 Тугамасин кунларимиз,  
 Гоҳ қоврулиб, гоҳ соврулиб,  
 Ярим-ёрти...  
 Отган бўлсин тонгларимиз.  
 Кўнгли ярим,  
 Яқинингни узоқ қилма.  
 Илтимосим бир кечалик...  
 Ҳушдор каби ўртоқ қилма.  
 Мен шундай яралдим,  
 Шундай ўламан.  
 Сен бугун азобга кўмиб ташласанг...  
 Сен билан...  
 Бир кунда...  
 Бир тунда...  
 Бир онда...  
 Бир танда...  
 У қандай Ватанки,  
 Мен тонгда сўзлаган...  
 Унсиз Ва танда...  
 Саҳрода сарғайган...  
 Гулдай сўламан...  
 Сен раҳмат дермисан...  
 Сен билан гуллардай сўлганим учун...!  
 Жавоб бер, 10 кунлик севгини...  
 Тириклай қабрга қўйганинг учун...  
 Келдинг...  
 Кетаяпсан...  
 Парокандалик...  
 Бошланди-ку юракда секин...  
 Мен қайга бораман...  
 Бундай савдоларнинг кўтариб юкин...  
 Ҳеч қандай садо йўқ...  
 Ҳаловат ҳам йўқолди дилдан.  
 Буларнинг барчаси...  
 Дилнинг дардлари.  
 Омон қолганлари...  
 10 кунлик довулдан...

Бегойимни қайда десалар...  
 Денглар...  
 Изламанглар уни заминдан.  
 Аллакими олиб кетибди,  
 Тентиратиб ҳижрон доғида...  
 Қизил Атиргулнинг..  
 тиканига солиб кетибди.  
 У кутибди кутаверибди,  
 Ҳар келган мавжудот...  
 Бир ҳидлаб, сўнг ташлаб  
 Кетаверибди...  
 Ундан кечган юракнинг...  
 Фарқи нима?..  
 Фарқи жуда каттадир...  
 Юрак энди девона..  
 Кўз ёш тўкиб умри ўтаверибди.  
 Саҳродаги Шунчаки энди...  
 Изғириннинг чангу тўзон...  
 Қумларини ютаверибди.  
 Топилмас матоҳ бўлиб,  
 Сандиғида хазонранг,  
 Орзулари армон тилаб  
 Қат-қат бўлиб ётаверибди...  
 Болани алдай билган ,  
 Эртақ қандай яралган...  
 Қачонлардир десинлар...  
 Шох Султоннинг эртагин,  
 Қўплар такрор айтаверибди.  
 Ўшал ўтган кунларнинг  
 Азоблари сўнгги йўл сари,  
 Қизил тусли тобут бўлиб...  
 Ёниб,  
 куйиб,  
   сўлиб,  
 Бўронда,  
 Суронда,  
   Хазонда,  
 Юраксиз бадбахтлар қўлида,  
 "АРЗОНДАН-АРЗОНГА" кетаверибди...

## ҚЎШИҚ

*Озодбек Назарбековга*

Юрак тўхтат нолаларингни,  
Тўкма кўз ёш жолаларингни,  
Ишққа тўла аллаларингни,  
Бешигимга туморлар қадаб,  
Куйла яна мен учун атаб.

Агар шундан топсалар роҳат,  
Истаганча қилсинлар ғийбат,  
Сабрим мени энг катта қудрат,  
Меҳр билан умримни безаб,  
Кўшиқ куйла мен учун атаб.

Суянмоққа тиргак изладим,  
Гоҳ ғанимни дўст деб сизладим,  
Гоҳ дўстларни чиндан сезмадим,  
Кетмоқдаман қаршингда нураб,  
Кўшиқ куйла мен учун атаб.

Кўҳна дунё садоларини,  
Одамизод иғволарини,  
Ҳатто ақли расоларини,  
Улгурмадим қилмишин санаб,  
Кўшиқ куйла мен учун атаб.

Суришгирсам дунё ишини,  
Деб қолдилар: - Йиғсин ҳушини,  
Сувга айтсин кўрган тушини,  
Кун кўрарлар, оёқни ялаб,  
Кўшиқ куйла сен унга атаб.

Сиғинганнинг сарполари бут,  
Безовтасан, сақлайсан сукут,  
Бу гапларни мутлақо унут,  
Биз кетяпмиз қаёққа қараб,  
Кўшиқ куйла сен бизга атаб.

У ёнмаса, ёнгим келяпти,  
Дийдоридан қонгим келяпти,  
Менинг дилбар ТОНГИМ келяпти,  
Муштоқ чиқдим, муҳаббат сўраб,  
Қўшиқ кўйла, қалби уммон,  
кўкси қалқон,  
ўти жаҳон.. ИНСОНга атаб!

### ШУДА БАХТ...

Осмоннинг кафтида саодат расми,  
Юрагим наъраси эзгулик назми,  
Номалар сен учун ёзилса қат-қат,  
Бахт шу-да...  
Изингдан термулиб қолса Муҳаббат...

Мавода мавжланса, моҳимдек тўлса,  
Сени тинглагувчи оламинг бўлса.  
Ҳеч қўйса бошини сараклатса жим,  
Бахт шу-да...  
Сўзингдан эргашиб юрса муҳаббат.

Сен борган азобга маҳр бўлолса,  
Ҳар не аччиқ сўзга сабр тилолса,  
Елкадаги юкни бирга ололса,  
Бахт шу-да...  
Изингдан эргашиб юрса муҳаббат.

Майли соянг бўлсин, ҳар кун ҳар кеча,  
Майли қоянг бўлсин, истаганича,  
Майли поянг бўлсин, кўнгил майлича,  
Шуда бахт...  
Розингдан эргашиб юрса муҳаббат.

Инсонга шу бахтдан, борми катгаси  
Бошда омон бўлса бола-чақаси.  
Кетсанг арзимасми ёр садағаси,  
Шуда бахт...  
Изингдан эргашиб юрса муҳаббат.

\* \* \*

О ёлғизлик,  
Кел мен билан яша бир кун,  
Сана танам оғриқларини.  
Тарозига солайлик бир-бир,  
Гуноҳларнинг қолдиқларини.

Бўшамасин идишдаги май,  
Чигирткалар чалишмасин най.  
Кел, бир бора бўйингдан кучай,  
Эзиб ҳижрон ёстиқларини.

Мен танангга кирволиб буткул,  
Ичкарида бошлайин довул.  
Томошада бўлиб косагул,  
Эслат тақдир тортиқларини.

Гоҳ насибам узилиб элдан,  
Кутулолмай бешафқат селдан.  
Унутдикми, ёлғизлик, бироз  
Яратганнинг солиқларини.

Мартаба деб керилдик гоҳи,  
Сезилмади йўқчилик оҳи.  
Кайф-сафога берилдик чоғи,  
Буздик, Ҳақнинг ёзиқларини.

Гоҳи катта тишладик нонни,  
Омонат деб билмадик жонни.  
Энди ямаб бўларми қалбнинг,  
У дарз кетган ёриқларини.

Менга биров қилмасин ҳавас,  
Депсинганим асли тош эмас.  
Эгам,  
Синовлари бисёр дунёнинг,  
Кўксимга ур қозикларини.

Амалларни бажармадик гоҳ,  
Хотиржамлик кўнгилда мутлоқ.  
Ҳадяси деб, Ҳақнинг чинакам,  
Қабул қилдик ёрлиқларини.

О ёлғизлик,  
Кел мен билан яша бир кун,  
Сана танам оғриқларини.  
Улаш билан овора руҳим,  
Умрим узук-юлуқларини.

\* \* \*

Қўлим етмай қояларга,  
Салом бердим сояларга.  
Орзу-ҳавас ухлаб ётар,  
Далаларда жўяларда.

Ярамайди юкка асло,  
Сафарга ҳам чиқма аё.  
Сабр бергандир худойим,  
Бир ўрқачли туяларга.

Айлантириб "диски"ни,  
Қидирармиш ризқини.  
Ўзни этиб намоён,  
Худо берди куяларга.

Европанинг шамоли бу,  
Сериаллар хаёли бу.  
Калта юбка, мини шим  
Юз қолдими уяларга.

Давлат келса, уриб лоф,  
Дўстга тўлар ён-атроф.  
Кетган чоғида ҳай-ҳай,  
Дўст қолдими суянарга.

\* \* \*

Мен элнинг боласиман,  
Ҳам дарди ноласиман.  
Оёқ ерда. Юракка  
Осмон яқин турибди.

Машшоқ чалар созини,  
Воиз айтар сўзини,  
Уста курган зинадан,  
Нарвон яқин турибди.

Бола-чақа, молу жон,  
Ҳаракатда ҳар инсон.  
Холис ният, яхши кун,  
(Ҳақиқат осмонида,)   
Даврон яқин турибди.

Балоларга берма йўл,  
Одам берсин қўлга-қўл.  
Одамийлик либоси,  
Қалқон яқин турибди.

Айтганларим балки жўн,  
Ҳалолликдан кийиб тўн.  
Мардлар учун мардона,  
Майдон яқин турибди.

Синовлар Эгамники,  
Дардлари танамники.  
Яратганнинг туҳфаси,  
Куръон яқин турибди.

Огоҳ жонда озодлик,  
Озодликда ободлик.  
Пойлаб хатоларингни,  
Шайтон яқин турибди.

Дўстим бу ҳаётда уринма ҳарчанд,  
Сакраб бўлмас экан, жуссадан баланд.  
Ўзни йўқотмадим, сабр сўрадим,  
Хатар эшигимни тақиллатганда.

Агар сўрасалар қўйиб бердим май,  
Ютуқ деб зиёфат бермадим атай.  
Шукрона келтирдим, ёлғиз Эгамга,  
Зафар эшигимни тақиллатганда.

Андиша, ор дедим, ўзлигимга хос,  
Бир зум ташвишларни унутганим рост.  
Очмоққа куч топдим кучоғимни кенг,  
Дўстлар эшигимни тақиллатганда.

Койиб ҳайдамадим, мастга тенг бўлиб,  
Аччиқ сўз демадим ҳақорат қилиб,  
Елкасидан тутиб, секин кузатдим,  
Мастлар эшигимни тақиллатганда.

Бардошдан ўзимга иморат қурдим,  
Баъзан юзсизларга эланиб турдим,  
Сеники ҳақ дедим, гоҳ бўйин эгдим,  
Пастлар эшигимни тақиллатганда.

Эҳсон тиламадим арзи ҳол этиб,  
Йўқлик ниқобини баҳона тутиб.  
Меҳнат қилавердим ризқимни кутиб,  
Дардлар эшигимни тақиллатганда.

Виждонга суяниб чиқардим қарор,  
Оғриқлар ботинда, кўрса-да озор.  
Шунда ҳам энг оғир юкни кўтардим,  
Гардлар эшигимни тақиллатганда.

Паст-баланд умрнинг сабоғи битмас,  
Мардлар ҳамиша ҳам қўлингдан тутмас.  
Қандай яшамоқнинг сирийн ўргандим,  
Мардлар эшигимни тақиллатганда.

Ҳар эшик зарбидан битта хулоса,  
Яхши одамлардан олиб андоза.  
Кўнгилдан ашъорга очдим дарвоза,  
Зарблар юрагимни тақиллатганда.

\* \* \*

Юрак ёниб турибди,  
Қалам толиб турибди.  
Айтмоқ учун дардларим,  
Қудратим етармикин.

Андухларга чидадим,  
Ёнолмадим, тутадим.  
Ҳақ сўз учун курашга,  
Журъатим етармикин.

Дуч келдим мунофиққа,  
Кетяпмиз бир қайиқда.  
Соқов бўлиб яшашга,  
Тоқатим етармикин.

Термоқ учун хасларни,  
Енгмоқ учун пастларни.  
Ҳаёт деган саҳнада,  
Санъатим етармикин.



## ШЕЪР ЁЗИШ БАХТМИ ЁКИ...

- Бахтлимисиз? - деб сўрадилар,

Мийиғида жилмайди шоир:

- Бахтли бўлсам шеър ёзармидим?! - деб ёзган экан ёш шоира Лайло Шарипова. Хуш аслида шеър нима учун ва қай вақтда ёзилади? Ёхуд шеър ёзадиганлар шунчалар бахтсизми? Ана шундай саволлар билан ёш ижодкорларга, журналистика факультети III-курс талабаларига мурожаат этдик.

Тоҳир Шомуродов: Шеър юракни бўшатмоқ учун, кўнгилдаги мулоҳазалар, ҳиссиёт ва туйғулар вулқондек портлаб чиққанда ёзилади. Шеър ёзмайдиган киши қалб дардини ютиб яшайверади. Боринги, кимгадир айтиши мумкин. Бироқ қоғозга туширишдек истеъдод унга насиб этмаган. Шоир эса бундай пайтда жим туролмайди. Қўлига қалам олиб, дард ёки қувончларидан бунёд бўлган гўзал бир мўъжиза яратади. Бу мўъжиза шеърят деб аталади. Демак бу илоҳий бахтдир.

Шухрат Азизов: Бахт ва бахтсизлик нисбий тушунча. Ҳам қувонч, ҳам қайғу шеър ёзилишига туртки бўла олади. Шахсан мен, адоқсиз ўйлар гирдобиди қолганимда ўзимни қўярга жой тополмайман, қийналиб кетавераман. Қачонки, уларни қоғозга туширсам, кўнглим таскин топади. Баркамол кишилар на бахтли, на бахтсиз бўладилар. Энг баркамол шеър ҳам энг баркамол инсонга ўхшайди. Чунончи, иккаласиниям мавжудот деб қарайман.

Демоқчиманки, "бахт"нинг ҳам, "бахтсиз"ликнинг ҳам тагида кучли ҳаяжон бор. Баркамолликда эса ақлий ҳаяжондан бўлак нарсаси йўқ.

Дилноз Кўчкинова: Инсон бор, тоғдай дардини муштдек кўксига қамаб, яшириб юради. Инсонлар бор дардини кимгадир айтишга зор. Сўзлай деса уни ҳеч ким тушунмайди. Ана уларни ҳақиқий бахтсиз деса бўлади.

Шоир сув билан ўтнинг орасида туриб, дарддан шеър яратувчидир. Тўғри қалб пайконлари билан лиммо-лим, дард бисёр. Бироқ, бу бахтсизлик эмас. Чинакам бахтсизлик шоирлар қалбига сиғмайди.

Шоди Отамуродов: Бахтга интилишнинг ортиб

кетиши шеър ёзилишига сабаб бўлади. Шеърнинг манзили бахтсизлик ва бахт орсидадир.

Бахтсизлик сабоғини олиш - бахтга тайёргарлик. Шу боис шеърятни ҳақиқий бахт дея оламан. Бу бахтни роҳат-фароғат маъносида тушунмаслик керак. Чунки, фароғат шеърятнинг кушандасидир. Шеър ёзаётган киши бахтли ҳам, бахтсиз ҳам бўлиши, бахт нималигини билмаслиги мумкин. Чунки, кучли ҳаяжон бахтга эмас, фақат шеърга қаратилган бўлади.

Қалам соҳибларининг бахт ва бахтсизлик ҳақидаги фикрларидан бироз чекиниб, Алишер Ибрагимов сўзларига эътибор берайлик: "Менимча шоирлар уч тоифага бўлинса керак. Биринчи тоифадагилар, юксак даражадаги истеъдоди, ижоди етарли бўлганлар. Ҳаттоки, иқтисодий томонданда оғринмайдиган шоирлар деб қарайман.

Иккинчи тоифадагилар эса, кимдир таниб, кимдир танимаган ўртача шоирлар гуруҳига киради деб ўйлайман. Бу тоифага шеър ёзадиган, ўзини шоирман деб билган кўпчиликни тааалуқли дея оламан. Уларда кўпинча, яхши шеър ёзиб, унинг ортидан нимагадир эришиш йўқ ёки бўш сатрлар билан ҳеч нимага эришолмаслик бор. Ўша биргина етишмовчилик ўрни келса, улар биринчи тоифага чиқиб олади.

Учинчи тоифа вакиллари яхшими-ёмонми, мухлис тушунадими, тушунмайдими шеърят бўлса бас. Қолган бари эса иккинчи даражали. ҳар ҳолда уларни ҳам қадрлаш керак" деб тугаллаган жавобдан на бахтсиз, на бахтли аташга фақат уларнинг ўзи жавоб бериши мумкин деган маънони уқдим. Уч тоифага ажратишни эса бахт ёки бахтсизлик истеъдод ва меҳнатга ҳам боғлиқ деб англадим.

Мана талабалар шоир, шеърят - бахту бахтсизлик ҳақида ёш ижодкорлар сифатида ўз тушунча ва мулоҳазаларини айтишди.

Лайло Шарипованинг ушбу учлиги, шеърят билан анчадан бери ошно бўлганларга қандай таъсир этади. Талабалар шеър ёзиш бахт деб аташяпти. Балки, ёшига нисбатан улуғ ижодкорлар, шоирларни бошқа туйғу учун қалам тибратишар, деган фикрдадир.

*"Туркистон" газетаси, 1998 йил 25 ноябрь*

## МУНДАРИЖА

"Ширингина бир изҳор" ёки юракка кайтиш ( <i>Д.Ражаб</i> ) .....	3
Қайда қолди... ..	5
Миллат кайфияти .....	6
Ўзбекда .....	7
Сукун солиб .....	8
Болалик осмонлари .....	9
Рамазонда ёзилган шеър .....	10
Устозларга .....	11
Жунжукса .....	11
Йул билан .....	11
Ҳаёт .....	12
Кейинги гал... ..	13
Қадрдонларга... ..	14
Сен кўзлаган... ..	14
Тиламайди... ..	15
Тўкилади... ..	15
Зебо, севар эдим... ..	16
Сафо сенинг... ..	16
Улгурайлик раҳмат демокқа... ..	17
Неча кунки... ..	17
Бахт .....	18
Бу ҳаёт... ..	19
Менинг нафсим... ..	19
Қизим моҳинабонута .....	21
Тушуниш .....	21
Ёшлик .....	22
Ҳаёт дарслари .....	22
Интернетдан... ..	23
Орамиздан... ..	24
Азизим д.га .....	24
Хулоса .....	25
Ёшлик навоси .....	26
Оқшом... ..	26
Биринчи севги .....	27
Савол .....	27

Курашларга...	28
Соҳилнинг...	29
Ҳаёл...	30
Ҳаёт...	31
Бизни севган...	31
Хонадон тинчлиги	32
Синфдошгинам	33
Муҳаббат гунчаси	34
Манзара	34
Мен сизни севаман	35
Гулзорда...	35
Мен ўзимни...	36
Гулгинам	36
Мактубимни ёқар бўлсанг...	37
Кўнгил	37
Юрагимни...	38
Чўққига интилаётган қизга	38
Қизлар давраси	39
Тўй таърифи	39
Юлдузликни...	40
Бир мусофир...	40
Дуога қўлинг оч, Ўзбекистоним!	41
Кел, баҳорим!	42
Инжуларга...	42
Элим	43
Бухоронинг тўйлари	44
Кўрк...	44
Оқ тонглар куйчиси...	45
Ҳазрат моҳитобон	46
Вафо	47
Ўйларим	47
Ота	48
Жаннат соҳибалари	49
Баҳор ёмғирлари...	49
Соғинч	50
Севги...	50
Бу оқшомда...	51
Бошингни қўй она бағрига	52
Она қадри	53

Инсон...	53
Мувашшаҳ .....	54
Лочин...	54
Хаёлларга .....	55
Шивирлар...	55
Ўғлим Шаҳбозбекка .....	56
Хаёт бўлса...	56
Болалигим .....	57
Дедингиз .....	57
Хаёт қўшиғингни...	58
Ўзингиз...	58
Бас қил...	59
Мен узоқ...	60
Ёлғиз...	61
Аввало...	62
Заррача...	63
Бегойимни...	65
Қўшиқ .....	66
Шуда бахт...	67
О ёлғизлик...	68
Қўлим...	69
Мен элнинг...	70
Дўстим бу...	71
Юрак ёниб...	72
Шеър ёзиш бахтми ёки...	73

*Адабий-бадгий нашр*

**АМРУЛЛО КАРИМ**

*Улурайлик  
рахмат демокқа...*

*Муҳаррир:*

**Мирзо Аҳад**

*Техник муҳаррир:*

**Файзулло Азизов**

*Мусахҳиҳа:*

**Мадина Абдуллаева**

«Муҳаррир» нашриёти

Лицензия: АИ № 099. 2008 йил 24 март

Босмахонага 2011 йил 20 декабрда топширилди.

Босишга 2012 йил 12 январда рухсат этилди.

Бичими: 60x84  $\frac{1}{16}$ . «Virtec Times» гарнитурасида  
офсет босма усулида газет қоғозида босилди.

9,75 шарт. б.т. 7,8 ҳисоб нашр. таб.

Адади 1000 нусха. 2-сон буюртма.

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.

100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй

E-mail: Muharrir@list.ru

AMRULLO KARIM

*Ulguraylik  
rahmat demoqqa..*



Toshkent  
“Muharrir” nashriyoti  
2012 yil

УДК: 821  
ББК 84(5Ў)6  
К25

**Каримов, Амрулло**

Улгуруйлик раҳмат демоққа... [Text] : шеърлар /  
А.Каримов. - Т.: "Muharrir" nashriyoti, 2011. - 156 б.

**ББК 84(5Ў)6**

*Ushbu kitobga inson va zamon, orzu va armon, odam va olam, muhabbat va hijron, hayot va tabiat kabi mavzulardagi teran falsafiy she'rlar jamlandi. Muallif hamisha yorug'lik, nekbinlik qutbida turib so'z aytadi. Soxta zo'riqish, quruq haygiriq, yasama jimjimadorlik unga yot. Ko'nglida borini samimiy izhor qiladi. Dilidagi yorqin - alanganing taftidan o'quvchini ham isitgisi, bahramand etgisi keladi.*

*O'qing, fikr qiling, zavqlaning, aziz kitobhon.*

*Taqrizchi va so'zboshi muallifi:*

**Dilshod Rajab,**

filologiya fanlari nomzodi

ISBN 978-9943-25-029-1

© «Muharrir nashriyoti»,  
Toshkent, 2012

## "SHIRINGINA BIR IZHOR" YOKI YURAKKA QAYTISH

Bundan o'n besh yilcha burun Amrulloning ilk kitobi - "Tole chirog'i" qo'lyozmasini o'qigandim. O'shanda she'rlari orasida "yilt..." etgan satrlarni, "yarq..." etgan badiiy topilmalarni ko'rib, uning kelajagiga umid bog'lagandim. Bugun shu umidlar ro'yobini, bir paytlar nozikkina shu'la sochgan tetapoya she'riyatning anchayin yorqin, porloq jamoli va kamolini ko'rib suyundim. Ha, o'tgan yillar yosh ijodkor uchun chinakam o'qish-izlanish, o'sish-o'zgarish davri bo'libdi. Shoirning yuragi orqali o'sib, qog'ozga tushgan, o'qiganing hamono yana yuragingga o'r'nashib oladigan dilbar she'rlar, quyma satrlar buning yaqqol isbotidir:

*Ochilganda bog'da gul lolang,  
Kulib tursa qarshingda bolang,  
Tirik bo'lsa duogo'y onang,  
Shu emasmi baxtning borligi...  
...Atrof to'la do'stu yor bo'lsa,  
Uyda kimdir intizor bo'lsa,  
Shiringina bir izhor bo'lsa,  
Shu emasmi baxtning borligi..*

Shoir baxtni to'kin turmushu, behisob mol-davlat, mansabu shon-shuhratlardan izlamaydi. Oddiy hayot tarzidan, yaqinlarning nafasidan, mehr to'la dillaru ko'zlardan, samimiy so'zlardan qidiradi va shunda ko'radi baxtni.

Umuman Amrullo hayotdagi oddiy voqea-munosabatlarni jiddiy va haqqoniy yoritadi. Ular zamiridagi bir qarashda ahamiyatsiz lekin mohiyatan juda muhim, sermazmun bo'lgan jihatlarga e'tibor qaratadi:

*Quvvat olar odamdan odam,  
Muhabbatga tashna bu olam.  
Yaxshilikka fursat juda kam,  
Ulguraylik rahmat demoqqa.*

Shu to'rtgina satrda inson hayotining teran mazmun-mohiyati ixcham ifoda topgan.

Amrullo hamisha yorug'lik, nekbinlik qutbida turib so'z aytadi. Soxta zo'riqish, quruq hayqiriq, yasama jimjimadorlik unga yot. Ko'ngilda borini samimiy izhor qiladi. Dilidagi yolqin - alanganing taftidan o'quvchini ham isitgisi, bahramand etgisi keladi. "Odamning

odamga mehr tomchisi, Shundan boshlanadi boqiy muhabbat"  
deb bilgan shoir bir olam mehr bilan murojaat qiladi:

*Bir-birin ardoqlab, davron surganlar  
Shukrona aytmoqda, qutlug' tonglarga.  
Sen meni qadrla, men esa seni...  
Jonim fido bo'lsin, qadrdonlarga.*

Bu fidolik, fidoyilikda hech qanday yolg'on, soxtalik yo'q.  
Yurakdan chiqqan bu navolar hech bir to'siqsiz o'quvchi qalbiga  
ham kirib borib, aks-sado beradi.

Kitobdagi she'rlarning yanga bir jihati shundaki, ularda sodda va  
ayni paytda ravon, quyma satrlar xuddi serohang kuydek oqib keladi:

*Hayot buncha go'zal ekan,  
Bitsang she'ru g'azal ekan.  
Har onida muhabbat bor,  
Har oningni bezar ekan.*

*Yoki:*

*Uxlayapti men sevgan sanam,  
Kutayapti mehribon onam...*

*Yana:*

*Ko'chada qor yog'ar maydalab,  
Yor meni izlaydi "qayda"lab,  
Sen esa bir qo'shiq aytasan,  
Baribir yurakka qaytasan.*

Xullas, bu taxlit she'rlar sizni ham bir qadar yurakka qaytarib,  
o'z ko'nglingizga quloq solishga undaydi. Xususan, bolalik xotiralari  
bilan bog'liq qator she'rlar qalbingizni tub-tubidagi beg'ubor  
tuyg'ularni yaxshi ma'noda bir silkitib, titratib qo'yadiki, yuragingiz  
qayerda joylashganini nogoh "sezasiz". Yosh shoir hayotda biz  
kichik, mayda deb bilgan oddiy holat-hodisotlardagi katta insoniy  
qadr va qadriyatlarni badiiy kashf eta biladi va ularni anglashga  
da'vat qiladi.

...Amrulloning o'z iborasi bilan aytganda bu to'plam "Shiringina  
bir izhor" bo'libdi. Biz unga jon qulog'ini tutib, yana yangi dil  
sodolarini kutib qolamiz.

**Dilshod Rajab,**

*filologiya fanlari nomzodi, O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi  
a'zosi, VI Oltin qalam Milliy mukofoti sovrindori*



**Шоирнинг ота-онаси Ашур Халил ўғли  
ва Ойша Музаффар кизи.**



**Оила даврасида. Турмуш ўртоғи Дилафрўз,  
фарзандлари Мохинабону, Шахбозбек  
ва Диёрахон билан**



**Устозлар даврасида (Ўнгдан чапга Ирисмат Абдухоликов,  
Хуршид Дўстмухамедов, Файзулла Мўминов)**



**Филология фанлари номзоди, шоир Дилшод Ражаб билан**



**Шоир Бобур Бобомурод ва хонанда Ширина билан**



**Филология фанлари номзоди, устоз Сайди Умиров билан**



**Шоира ва тележурналист Муҳаббат Ҳамроева билан**



**Шоир шогирдлар даврасида**



**АҚШ.  
Нью-Йорк  
шаҳрида  
(2003 йил)**



**Малайзия. МАРА технология университетида (2004 йил)**



**Малайзиялик ҳамкасблар билан (2004 йил)**

Qayda qoldi ma'naviy qudrat?  
Oh urardi Qodiriy, Fitrat.  
Haqni haq deb talashmoq uchun,  
Yo'qolgandi mardona fikrat.

Omborlarga aylantirdilar,  
Temuriylar qurgan saroyini.  
Almashtirib Madonnalarga  
To'marisdan o'tgan chiroyini.

Goh ergashdik, istab-istamay  
Xo'jayin deb, boshni qildik xam.  
Qadamjolar oldida beun,  
Duo qildik, asra deb Egam.

Binolarda G'arbning soyasi,  
Unutdilar andozalarni.  
Shlyapaga aylandi do'ppi,  
Bekor qilib janozalarni.

Qo'l ishdayu ko'ngil Egamda,  
Gard yuqmadu joynamoziga.  
Yashirinib bordi xaloyiq,  
Bahouddin qadamjosiga.

Buxoriyning hadislarini,  
Ibrat derdi Islom olami.  
Faxrlanib aytolmadik so'z,  
O'zbek o'zi bardosh odami.

Dalalarda belni ko'tarmay,  
Paxta terdi ayol necha kun.  
Birozgina boshliqdan cho'chib,  
Paxta ko'mdi ko'rpasi uchun.

Bir zamonlar o'tdiya e voh,  
Hammasiga guvoh charxi dun.  
Quyosh bo'lib porladi boshda,  
Alangaga aylandi uchqun.

Bu alanga tafti-nuridan,  
Barq uradi yashnab gul hayot.  
Bugun millat taraqqiyotda,  
Ulg'aymoqda barkamol avlod.

### MILLAT KAYFIYATI

Ezgu so'z, ezgu ish, ezgu amallar...  
Xalqimning chehrasi shu bilan yorug'.  
Ezgulik yo'g'rilgan savobdan bo'lak,  
Millat kayfiyati nelarga bog'liq?

Qursa istagancha, ko'rkam imorat,  
Ko'rkam binolardan olib andoza.  
Har kelgan mehmonning ortsa havasi,  
Ana, o'zbekona ulkan darvoza.

Osh bersa, to'y qilsa mardona, mag'rur  
Jonni ayamasa dasturxonidan.  
Mahallada ming xil duv-duv gap bilan,  
O'tolsa xalqining imtihonidan.

Jannatning go'zallik otlig' bog'iday  
Yer bersang zaminni aylasa obod.  
Har ungan niholga mehrini qo'shib,  
Parvarish etolsa, nihoyatda shod.

Yetim boshin silash, yoshni avaylash,  
Keksalar oldida saqlamoq odob.  
Qadimdan ardog'da suv keltirganlar,  
Yo'l qurmoq dunyoda eng katta savob.

Andisha, or-nomus, o'zbekona lutf  
Xalqim ko'ksidagi buyuk qadriyat.  
Lafzi halolligu bag'ri butunlik,  
Millatga ulashar yuksak kayfiyat.

\* \* \*

O'zbekda tumorsiz beshik bo'lmasdi,  
Nahot unutildi odatlarimiz?  
Mehmon kutmaydigan eshik bo'lmasdi,  
Nahot kesilmoqda qanotlarimiz?

Tunni hadya qilib kapalaklarga,  
Sharpalar tonggacha tushsalar raqs.  
Dilni zardoblarga yetaklagan kuch,  
Hayot tomchisimi, yo ochko'z nafs.

Uzun soch hayoning libosi edi,  
Barini birma-bir yulib otdilar.  
Qo'ldan qo'lga o'tib, ezg'ilandi "gul",  
Parvonaning beun bolin totdilar.

Dasturxon boshida kattadan oldin,  
Taomga qo'l cho'zmoq, bizda yo'q edi.  
Buvim insof so'rab duolarida,  
Bolamga haq yo'lni ko'rsatgin dedi.

O'zi nima desam zamonaviylik,  
E voh mini yubka, kalta shim ekan.  
Ko'chaga chiqqanda shayton libosi,  
Bolam, sening otang asli kim ekan.

Sen Sharqning mevasi, o'zbek qanoti,  
G'urur va nomusdan yaralgan hayot.  
Bugun taqlid qilib hoyu havasga,  
Millat nomusini toptama, hayhot!

Bolang qayda desa: - Diskotekada,  
U tinglar qo'shiqdan ko'nglim to'lmaydi.  
Allani unutgan yuraksizlarga  
Millat ertasini berib bo'lmaydi...

\* \* \*

Suqin solib har joyga,  
Beka chiqib saroyga.  
Kutilmagan hodisot,  
Dahshatlisi tikonning,  
Gul o'rnida qolgani.

Shod kunda ensa qotsa,  
Tashvishda oyoq tortsa.  
Bu qanday munofiqlik...  
Eng yomoni ko'ngilning,  
Cho'l o'rnida qolgani.

Boringda qo'ling ushlab,  
Oshnam deya yo'l boshlab.  
Yo'g'ingdachi alamli,  
Bunday "noyob" do'stlikning,  
Qil o'rnida qolgani.

Yomg'ir yerga jon berdi,  
Xirmon to'la don berdi.  
Meni o'yga toldirdi,  
Mayin yoqqan yomg'irning,  
Sel o'rnida qolgani.

O'yimiz mol-davlatda,  
Kayf-safo, maishatda.  
Razolatku, do'stginam,  
Hech erimas muzlarning,  
Dil o'rnida qolgani.

Shayton bilan farishta,  
Hamroh erur har ishda.  
(Botiningga quloq tut)  
Shuncha yaxshi azizim,  
Har ne istak amalning  
O'z o'rnida bo'lgani.

## BOLALIK OSMONLARI

Shamol menga sirini aytdi,  
Bolalikdan bir sado qaytdi.  
Qum ko'chada o'ynab to'ymadim,  
Davronlarni sog'indim, Ona.

Bolaligim - quvonch bir quchoq,  
Qurib berdi Otam arg'imchoq.  
Ustunlarga mahkam boylangan  
Arqonlarni sog'indim, Ona.

Singlim, umr nima degani,  
Yur chiqamiz, qoqi yegani.  
Qadamlarni tomga boshlovchi,  
Narvonlarni sog'indim, Ona.

Katta-kichik kitoblarni deb,  
Javon qurdim, berib picha zeb.  
Bugun o'sha eski, bejirim  
Javonlarni sog'indim, Ona.

Sigir-buzoq, qo'y-qo'zi bari  
Uzoqlashib ketdiku nari.  
Qop orqalab, o't tergan dala  
Yobonlarni sog'indim, Ona.

O'tar ekan umr karvonday,  
To's-to'polon, gohi to'fonday.  
Oyoq yalang chopdik changitib,  
To'zonlarni sog'indim, Ona.

Ana bog'da anor va uzum,  
Anjiridan yashnaydi ko'zim.  
Har ne'matda mingta xosiyat,  
Oshyonlarni sog'indim, Ona.

Navro'z keldi.  
Undir deb bug'doy,

Sumalakka tayyorlandi joy.  
Niyatlarni vatan aylagan,  
Ayyomlarni sog'indim, Ona

Obodlikni solgan ko'ngliga,  
Tuxum barak "qozon to'ldi"ga.  
Odatlari durday tizilgan,  
Marjonlarni sog'indim, Ona.

Oh, yoshligim, beg'uborligim,  
Quyosh balqqan baxtiyorligim.  
Lochinligim mening, sorligim,  
Osmonlarni sog'indim, Ona,

Qo'y qichqirma, o'ynama demam,  
Bolalarim shodumon biram.  
Har gal ular to'polonida,  
Yoshlik meni tergaydi, ONAM.

#### RAMAZONDA YOZILGAN SHE'R

Ramazonda pok niyat-la,  
Har narsadan savob qidir.  
Haq yo'lida nima qilding,  
O'zing uchun javob qidir.

Bir kosada qaymoq tutgin,  
Ota-onang rahmat deydi.  
Bir yalaydi qaymog'ingdan,  
Qolganini bolang yeydi.

## USTOZLARGA

Ochsak donishlarning kitoblarini,  
Bizni qarshi olar necha o'n matal.  
Hayotda nelarga erishgan bo'lsak,  
Ta'zim etmoq kerak ustozga avval.

Bizning ko'chadagi bayramlar bari,  
Eng avval ularning chekkan zahmati.  
Alifbo sabog'i, har bir soat dars  
Ustozning chinakam og'ir mehnati.

Niholga o'xshaydi har bitta inson,  
Qancha fursat kerak bo'lguncha daraxt.  
Yillar quvib o'tar yillarni asta,  
Yillar suronida ming bir mashaqqat.

Har bekat nelarni, in'om etar jim,  
Qo'llar ustozlarning o'git, duosi.  
Qo'llar ko'ksimizda, etaylik ta'zim,  
Ustoz sabog'ining yo'qdir bahosi.

\* \* \*

Junjiksa junjiksin sovuqdan etim,  
Vijdon azobidan junjikmasin dil.  
Davlat kelganida hovliqma do'stim,  
Hammadan qoladi bu dunyo savil.

\* \* \*

Yo'l bilan sirlashsang,  
Dil bilan sirlash.  
Agar u yo'l kabi,  
Bir joyda tursa,  
Bir so'zda tursa.

## HAYOT

Hayot buncha go'zal ekan,  
Bitsang she'ru g'azal ekan.  
Har onida muhabbat bor,  
Har oningni bezar ekan.

Tashvishlarga qo'l siltasang,  
Ne'matini yozar ekan.  
Ko'z uchirib, qosh qoqqanga,  
Ishq rasmini chizar ekan.

Ko'p o'ylasang, qayg'ulari  
To'rt yoningdan ezar ekan.  
Kim imorat tiklaydiyu,  
Yana kimlar buzar ekan.

Qalb degani xatolarni,  
Goh sezmay, goh sezar ekan.  
Kim uloqda chopag'onu,  
Kim hayotdan o'zar ekan.

Aytganlarim bu hayotga,  
Ko'ngil degan,  
Tor hujradan nazar ekan.  
Haddan oshib ketganlarni,  
Hayot o'zi,  
Qulog'idan cho'zar ekan.

## KEYINGI GAL...

Liboslarning zo`rini olib,  
Kiydiradi doim ayolga.  
"Tilla bilan ko'mib tashlayman",  
Beriladi shunday xayolga.

Onasiga zirak olmoqqa,  
Nimagadir yetmaydi qurbi.  
Keyingi gal navbat sizga deb,  
Endi va'da berib ham qo'ydi.

Keyingi gal ayol der asta:  
- Yirtilibdi o'g'lim tuflisi.  
Nima qilsin, qay biri muhim,  
O'chib ketar erkak uyqusi.

Yana kun sanaydi noiloj,  
O'zi uchun tayyor javobi.  
Keyingi gal esa to'satdan,  
Qochib qolar qizining tobi.

- Ona, bo'ling kiyining tezroq,  
Ko'rsataman shaharni sizga.  
Deganida, telefon bilan  
Chaqirarlar yana majlisga.

Ona deydi: - Boraqol o'g'lim,  
Ishingni qil, qochmaydi shahar.  
Aylanamiz birga polvonim,  
Vaqt topganda qilarsan xabar.

Tushunguvchi yolg'iz onalar,  
Umidvorlar keyingi galdan.  
Bir onaning ko'nglin olishchun,  
Topilmaydi imkon azaldan.

Yumushlarga chalg'ima do'stim,  
Ufurmoqda hayot nafasi.  
Ona uchun keyingi galga,  
Vaqt qoldirma, keldi xonasi.

## QADRDONLARGA...

Qadring bilganlarga osmoningni ber,  
Hadyaga har ikki jahoningni ber.  
Kuyinma unga deb ketgan oningdan,  
U uchun hattoki kechgin joningdan.

Qadring bilganlarni qadrla sen ham,  
Har lahza uningchun, kamarbasta bo'1.  
Qadrdon qalblarning marhamatiga,  
Rahna sololmasin, na bo'ron, na sel.

Qadrlash azaliy qadriyatlarining,  
Boshida turguvchi eng oliy ne'mat.  
Odamning odamga mehr tomchisi,  
Shundan boshlanadi boqiy muhabbat.

Bir-birin ardoqlab, davron surganlar  
Shukrona aytmoqda, qutlug' tonglarga.  
Sen meni qadrla, men esa seni...  
Jonim fido bo'lsin, qadrdonlarga.

\* \* \*

Sen ko'zlagan qizlarni,  
Taqdir yulib ketarkan.  
Xudo bergan boylik ham,  
Bir kelib, bir ketarkan.

In'om bilma davlatni,  
U sinov bandasiga.  
Go'zallik ham mehmondir,  
Chehramiz sahnasiga.

Mushaklarda to'lishgan,  
Kuch-quvvat ham omonat,  
Ertaning o'z ishi bor,  
Bugun bizga g'animat.

\* \* \*

Tilamaydi mansab va ta'ma,  
Bor yo'g'ingni qilmaydi sha'ma.  
Ayb qidirmas kamu ko'st uchun.  
Jonlar halak yaxshi do'st uchun.

Dasturxonga borin qo'yadi,  
Mehmonini jondan to'yadi.  
Kulib chiqqan ochiq yuz uchun,  
Jonlar halak yaxshi do'st uchun.

Qo'riqlaydi millat orini,  
Tashlab ketmas dilbar yorini,  
Jon tikadi o'g'il-qiz uchun,  
Jonlar halak yaxshi do'st uchun.

Bizni kutar nurli istiqbol,  
Bolam deydi, o'tkazar nihol.  
Siz qoldirgan nurli iz uchun,  
Jonlar halak yaxshi do'st uchun.

Yiqqanlari faqat bo'ldi bol,  
Har yutgani luqmai halol.  
Shukur deydi rizqu-ro'z uchun,  
Jonlar halak yaxshi do'st uchun.

\* \* \*

To'kiladi barglarning bari,  
Kuz kelmay turib.  
O'radilar naridan beri,  
Sevgidan bir og'iz...  
Sas kelmay turib...  
Javobi yo'q men aytgan baytning,  
Har qatrasini yolg'on bu qaydning...  
Zamonaning zayli shu,  
Bari imkon seniki.  
Ikki qo'lim osmonda...  
Jannatlarga yo'l ochgan,  
Jahon esa meniki.

\* \* \*

Zebo, sevar edim ko'zlaringizni,  
Shirin va betakror so'zlaringizni,  
Yig'lab izlagum yo'q izlaringizni,  
Befursat keldingiz, demayman, ammo,  
Befursat ketyapsiz, mendan ayrilib.

Azal bitib qo'ygan ertaklarimni,  
Tilib parcha qilmam yuraklarimni,  
Bugun ko'kka aytdim tilaklarimni,  
Befursat keldingiz, demayman, ammo,  
Befursat ketyapsiz, mendan ayrilib.

Sevgi qazo bo'lib, jon ham o'ldimi,  
Yo sizning qalbingiz g'amga to'ldimi,  
Dildagi ilinjni taqdir yuldimi,  
Befursat keldingiz, demayman, ammo,  
Befursat ketyapsiz, mendan ayrilib.

Jilmayib kulmadi hatto shu olam,  
Alloh yaratdi chin, siz-la meni ham,  
Panohim ilinji ayladi karam,  
Befursat keldingiz, demayman, ammo,  
Befursat ketyapsiz, mendan ayrilib.

\* \* \*

Safo sening qo'lingdan tutib,  
Ketmoqdaman yana qayoqqa?  
Men mahbusning qo'lini bo'la,  
Va tanamni tutgin tayoqqa.  
Ko'cham azob,  
Ko'zlarim so'qir.  
Yurgan yo'lim, kichkina so'qmoq.  
(Tobutda ham ketmoqdaman tik)  
Har qadamda boshimda to'qmoq.  
Meni zamin ko'targaniga,  
Shubham ortib borsa-da ajab.  
Gunoh bilan kurashga chiqdim,  
Men labingga bosmoq uchun lab.

## ULGURAYLIK RAHMAT DEMOQQA...

Ortga yurmas soat millari,  
Pastu baland hayot yo'llari.  
O'tib borar umr yillari,  
Ulguraylik rahmat demoqqa.

Taranglashsa asablar bugun,  
Dil ranjitib yashamoq nechun?  
Vaqt topaylik shirin so'z uchun,  
Ulguraylik rahmat demoqqa.

Quvvat olar odamdan odam,  
Muhabbatga tashna bu olam.  
Yaxshilikka fursat juda kam,  
Ulguraylik rahmat demoqqa.

Odamiylik azaldan meros,  
Tashvishlarga ko'mildik biroz.  
Bu ham bitta bahona xolos,  
Ulguraylik rahmat demoqqa.

\* \* \*

Necha kunki bezovtaman,  
Dil istagan halovat yo'q.  
Men hayotga tashna bo'ldim,  
Vujudimda begona o'q.

Vulqon bo'lib otilgum bor,  
Og'riqlardan olib quvvat.  
Tanam sezgan bemorlikni,  
Dil sezmasa, ne sinoat.

Xom sut emgan bandamizda,  
Holimasmiz xatolardan.  
Xato qilib Egam deymiz,  
Charchamaymiz duolardan.

## BAXT

### *Qizim Diyoraxonga*

Ochilganda bog‘da gul lolang,  
Kulib tursa qarshingda bolang,  
Tirik bo‘lsa duogo‘y onang,  
Shu emasmi baxtning borligi...

Derazadan mo‘ralasa kun,  
Tongni ko‘rding, nasibang butun,  
Shukr etgin yangi tong uchun,  
Shu emasmi baxtning borligi...

Tandir to‘lib yopilsa noning,  
Omon bo‘lsa ozurda joning,  
Butun bo‘lsa qalbdagi imoning,  
Shu emasmi baxtning borligi...

Qalbga boshlar darvozang ochiq,  
Yengsa yengsin ishq degan og‘riq,  
Sevmoq asli Xudoga bog‘liq...  
Shu emasmi baxtning borligi...

Ayvoningda qaldirg‘och ini,  
Xotirjamlik deydilar buni,  
Kim istamas bunday tuyg‘uni,  
Shu emasmi baxtning borligi...

Atrof to‘la do‘stu yor bo‘lsa,  
Uyda kimdir intizor bo‘lsa,  
Shiringina bir izhor bo‘lsa,  
Shu emasmi baxtning borligi..

Boshing uzra musaffo osmon,  
Tomiringda jo‘shib tursa qon.  
Shukronang ayt HAZRATI INSON  
Shu emasmi baxtning borligi.

*Ulguraylik rahmat demoqqa...*

Amrullo Karim

\* \* \*

Bu hayot - dilbar biram,  
Qaydanam ko'rdim sani.  
Muhabbat osmonida,  
Quchganim hijron mani.

Oh dedim, bir to'kildim,  
Jon degan jonim qani?  
Sog'inchlar soyasida,  
Erkalar armon mani.

Qo'l uzatdim, sen tomon,  
Kim yaxshiyu, kim yomon.  
Shu gumonlar bir kuni,  
O'ldirar oson mani.

Dard titkilar tanamni,  
Kim jo'natdi sanamni  
Ul sanamning bag'rida,  
Qolganim yolg'on mani.

G'aflat bosib ko'zimni,  
Baxsh etibman o'zimni.  
Sen sanagan xatolar,  
Asrarmi omon mani.

Qanot bog'lab uchaymi,  
Yo baridan kechaymi.  
Ko'kni quchar manzildan,  
Tashlagay osmon mani.

Men ham ojiz bir banda,  
Sevgim chin Yaratganga.  
Xiyonat sharpasidan,  
Asragay imon mani.

Bu hyot - dilbar biram,  
 Qaydanam ko'rdim sani.  
 Muhabbat osmonida,  
 Quchganim hijron mani.  
 Oh dedim, bir tikildim,  
 Jon dedim, jonim sani.  
 Qo'lingda Gulim deya,  
 O'lmog'im ayon mani.

\* \* \*

Mening nafsim ishq deydi,  
 Aqlim esa ibodat.  
 Nafsnı tiya bilishdan,  
 Bormi ulkan saodat.

Bitta shirin so'z a'lo,  
 Bir lahzalik lazzatdan.  
 Shayton raqsın kuzatdim,  
 Yoqa ushlab hayratdan.

Boylik - dushman, boylik - do'st,  
 Boshga tushar ming savdo.  
 Davlatni ham joyida,  
 Ishlatmoqda ko'p ma'no.

Tortib ketar davlatni,  
 Zino o'tli rutubat.  
 Topganlaring sovrilib,  
 Qarshi olar uqubat.

Mehnat qilib bol yig'sang,  
 O'tirsang ibodatga.  
 Egam o'zi yo'llaydi,  
 Haq yo'lga, hidoyatga.

## QIZIM MOHINABONUGA

Kimdir kimni yurakdan sevsam,  
O'xshar emish farzandi unga.  
Mening esa jaji malikam,  
Xo'p o'xshaydi munavvar kunga.

Boshlariga bog'laydi ro'mol,  
Kulibgina ayajon deydi.  
Onam esa yuzidan o'pib,  
Ko'nglim to'la hayajon deydi.

Ona, sizni yaxshi ko'raman,  
Oppoq kunga o'xshar ko'zingiz.  
Yaratganga shukrona aytib,  
Tongni qarshilaysiz o'zingiz.

Subhidamda qizim yuziga,  
Mehrla bosaman yuzimni.  
U onamga o'xshaydi deya,  
Tabriklayman Dilafro'zimni.

## TUSHUNISH

Chorladim...  
Yurak gupurmaydi.  
Angladim.  
Har keskin aytilgan javobdan.  
(telefon)  
Raqamlar...  
Ularni termayman.  
Qiynaldim.  
Dil garchi umidvor sarobdan...

## YOSHLIK

Yoshlik bizga omonat jo'ra,  
G'animat bil, har bir damini.  
Har lahzaning qadri bo'lakcha,  
Mehnat bilan to'ldir kamini.

Kim to'p tepdi, kim esa yana  
Qadahlarda mayni to'ldirdi.  
Yoshlik bizga omonat deya,  
Sanamlardan safo qidirdi.

Kim ilmda cho'qqi izladi,  
Oqshomlarni o'tkazdi bedor.  
Kim betinim yaxshilik qildi,  
O'z joniga yetsa-da ozor.

Ayo do'stlar har ne g'animat,  
Kim Haq deydi, kim mansab so'rar.  
Kim nafsiga qul bo'lib bunda,  
Gul yoshlikni gunohga ko'mar.

## HAYOT DARSLARI

Hayot katta maktab o'zing,  
Uqqan uqdi darslaringni.  
Har qo'ng'iroq jarangida,  
Eslatarsan dardlaringni.

Kim bozorda tolib bo'lib,  
Davlat to'plar tarozidan.  
Halol deydi, qo'ng'iroqning,  
Cho'chimaydi ovozidan.

Qo'lni qo'l tanir emish,  
Bu ham bitta dars ekan.  
Aqling qishni yoz desa,  
U chindan ham yoz ekan.

Kecha kiygan kovush ba'zan,  
Tor kelarkan oyog'ingga.  
Dallol kelib, shu kovushni  
Pullab ketar o'rtoq'ingga.

Kim a'loni orzu qildi,  
Kim qoniqdi bahosidan.  
O'zlashtirib bo'larmikin,  
So'rab ko'ring dahosidan.

Bu dahri dun maktab aro  
Shahodat ber, kim g'olibing?  
Uqmoq uchun darslaringni,  
Intilmoqda shu tolibing.

\* \* \*

Internetdan do'st topdim deya,  
Maqtanadi oshnam chunonam.  
Xat yozishib "Agent" orqali,  
Ishonaman deydi xotirjam.

O'tirarmish mavzu talashib,  
Internetning "choyxona"sida.  
Undan-bundan eshitganlarni,  
Yozisharmish rosmanasiga.

"...Klassnik"da ko'pmish tanishlar,  
Agentda ham necha o'n o'rtoq.  
Menga esa shu tanishimning,  
Maqtangani yoqmaydi biroq.

Ko'z-ko'zga tushmagach oradan,  
Ko'tarilar xayo pardasi.  
E'tirozim eshitib biroz,  
Qaynab ketdi oshnam zardasi.

Nima deysiz, gaplarimga do'st  
Bu suhbatlar bari bekorga.  
Do'st topmoqlik og'ir hayotda,  
Hech qaysisi yetmas diydorga.



\* \* \*

Oramizdan gap o'tdi jinday,  
Osiladi bo'yninga qizim,  
Xafa bo'lmang aslo, dadajon,  
Men siz bilan uxlayman o'zim.

O'g'lim qatnar yostiqlik ko'tarib,  
Onasiga ko'zi qiymaydi,  
Yotay desa onasi bilan,  
Ota qadri birday qiynaydi.

Bilsang bu ham kichik falsafa,  
Yaqinlarning muhabbatidir.  
Farzandlarning zarra mehri ham,  
Ota-ona saodatidir.

#### AZIZIM D.GA

Qiyningiz qiynaldik yomon,  
Balolardan boshimiz omon,  
Ishqning yuki emaskan oson,  
Qalbingizga bekman, to'raman,  
Men baribir sizni yaxshi ko'raman.

Uzoq ekan osmoningiz yor,  
Ishq azobi qiynaydi takror,  
Qalbingiz ko'p ko'rsa-da ozor,  
Qalbingizga bekman, to'raman,  
Men baribir sizni yaxshi ko'raman.

Qizg'anaman guldand, sabodan,  
Tun shu'lasini mohiliqodan,  
Nomingiz hech tushmas duodan,  
Sizga umr tilab xudodan  
Qalbingizga bekman, to'raman,  
Men baribir sizni yaxshi ko'raman.

## XULOSA

Oyim meni xafa qildi,  
Jovdiraydi ko'zchalari.  
Koptogimni olib qo'ydi,  
Namiqibdi yuzchalari.

Koptok emas, endi bolam,  
Qo'lga kitob olish kerak.  
Oyijonning aytganlarin,  
Bilsang, so'zsiz qilish kerak.

Yillar o'tdi, koptok qoldi,  
Kitob bo'ldi menga hamroh.  
Ilm izlab uzoq ketdim,  
Onam qoldi chekib oh-voh.

Mana bugun telefonda,  
Hol so'radim omonmisiz.  
Onam esa yaxshiman der,  
Ammo meni...  
Qamrab oldi qandaydir his.

Kim oyimni xafa qildi.  
Ovozlari buncha xomush.  
O'ylab-o'ylab uxlab qoldim,  
Nahorda ham dil faromush.

Kitob o'qib uzoqlarda,  
To'plaganim aql ekan.  
Borida hol so'rolmasam,  
To'p tepganim ma'qul ekan.

## YOSHLIK NAVOSI

Ko'chada qor yog'ar maydalab,  
Yor meni izlaydi "qayda"lab,  
Sen esa bir qo'shiq aytasan,  
Baribir yurakka qaytasan.

Dardimga jo'rovoz navosi,  
Eh, biram yoqimli havosi.  
Tushimda qo'limdan tutasan,  
Baribir yurakka qaytasan

\* \* \*

Oqshom tumanga to'ldi.  
Dil chunon sahroyidir.  
Gul fasli xazon o'ldi,  
Derlar u savdoyidir...

Sir aytib kapalakka,  
Termulib kamalakka,  
Anduhlarga suyangan,  
Gullari anvoyidir.

So'qir mashshoq navosi,  
Dahri dun dilrabosi.  
Cho'qishib, g'oz yurishlar,  
Barchasi havoyidir.

Ko'ngil ranjdan behuzur,  
So'rolmaymiz goh uzr.  
Bugun jumla jahonda,  
Yaxshilik xudoyidir.

Vulqondek otilmoqqa,  
Chora yo'q yorilmoqqa.  
Men istagan ayshlarga,  
Ko'ngil dard saroyidir.

## BIRINCHI SEVGI

O'sha qizni sevdim chindanam,  
O'sha qizni sevdim yurakdan.  
Hatto, usiz yashashim og'ir  
Nomi tushmay qoldi tilakdan.

Uzun tunlar hijron azobi,  
Band qilardi yuraklarimni.  
Men o'zimni asrab qolardim,  
Oyga aytib ertaklarimni.

Dunyo qiziq, ko'rdim ko'z bilan,  
Bilaman, u boshqaga tegdi.  
Lek negadir dilni tark etmas,  
Unutilmas birinchi sevgi.

## SAVOL

Ishq berdingmi...  
Rashk berding...  
Koshonamga g'isht berding...  
Quray desam, o'ng qo'l yo'q...  
Qo'l o'rniga  
Va yana,  
Otg'in deya tosh berding...  
Kalla deymi yo qovoq...  
Miya desam,  
Hurpaygan...  
Sochga qo'shib  
Bosh berding...  
Bosh beribsan.  
Boshni ham.  
Boshidan uyla andak,  
Ishlamagan bosh bilan,  
Yo'lni toparmi tentak...

\* \* \*

Kurashlarga bel bog'ladim,  
Raqiblardan o'zmoq uchun.  
Chog'lanmadim bir hamlada,  
Chumolidek ezmoq uchun.

Kekkaymadim qo'li uzun  
Akalardan panoh istab.  
Bosh urmadim munofiqqa,  
Ozor bilan quruq "siz"lab.

Gar maqtansam, umid ila,  
Topganimni she'rga soldim.  
Do'stlar safi ortganini,  
Har qadamda tilga oldim.

Kimlar tundan uyqu kutdi,  
Kimlar kitob titkiladi.  
Yon-verimdan kimlar o'tdi,  
Yana kimlar tepkiladi.

Og'riqlari sezilsa-da,  
Cho'qqilarni ko'zlayverdim.  
Sirtimdan hech parvo qilmay,  
Ich-ichimdan muzlayverdim.

Qo'y, to'kilsin gunohlarim,  
Qalqon bo'lma qamchisiga.  
Kulib chiqdim ikkilanmay,  
Munofiqlar qarshisiga.

Mening hamlam o'z-o'zimni,  
Anglamoqqa vaqtim yetdi.  
Menga hamla qilganlarning,  
Arobasi quruq ketdi.

\* \* \*

Sohilning u yonida,  
Ayriliq ayvonida,  
Voy-voylagan sen bo'lding,  
Hay-haylagan men bo'ldim.

Aziz bildim nozingni,  
Ko'rmoq uchun yuzingni,  
Yo'l qidirgan men bo'ldim,  
Paysallagan sen bo'lding.

Ishqqa vatan olamni  
Ko'ksimdagi nolamni.  
Yulib otgan sen bo'lding,  
Avaylagan men bo'ldim.

Ko'z kimni qidiradi,  
Atrofga yuguradi.  
Qorovuling men bo'ldim,  
Hayallagan sen bo'lding.

Olishib tikan bilan,  
Gohida tuban bilan.  
Toza vijdon sen bo'lding,  
Muttaham jon men bo'ldim.

Qarang maymun qadamlar,  
Qarsak chalar odamlar.  
Masxaraboz men bo'ldim,  
Tomoshabin sen bo'lding.

Kecha hay-hay deganlar,  
Voy-voylarga chidanglar.  
Men-sen dedik, talashdik,  
Asablari taranglar.  
(Hayot degan kemada)  
G'olib borar "garang"lar...

## XAYOL...

U bilmadi. Qayerda u?  
 Dengizdami qirg'oqdami□  
 "Kishan"larning jarangidan  
 Rohatdami, qiynoqdami□

Taloto'pda qamchinning,  
 Zarbi unga malhamday.  
 Uchinchi ko'z muhabbat,  
 Undan juda uzoqdami.

Turtkilaydi haqiqat,  
 Yon-veridan aylanib  
 Ot suradi. Yurgandayin...  
 Poygadami, uloqdami.

Tuyg'ularga tamshanib,  
 Sha'ma qilar sharobga.  
 Shu sharobning sharbatidan,  
 Tuyg'ulari ardog'dami.

U o'zini yo'qotib,  
 Ulgurdimi topishga.  
 Olomonga yaqindirov,  
 O'zidan ko'p yiroqdami.

U bilmadi. Qayerda u?  
 Yo yaqin yo yiroqdami.  
 Javob izlar uyqusizlik.  
 Ruhi savol so'roqdami□

\* \* \*

Hayot ikki eshik orasi,  
Bitmas ekan yurak porasi.  
Shubhalardan xalos bo'lishning,  
Topilarmi biror chorasi.

Bolalarim umrim ziynati,  
Rashk aslida qalb muhabbati.  
Qidirmasman, baxtim yonimda,  
Chanqaganda bolu sharbati.

Sevgi bilsang noyob marvarid,  
Birov sotib qilolmas xarid.  
Bolalarim - eng shirin meva,  
Ayb kidirmoq biroz bemavrid.

\* \* \*

Bizni sevgan jonona hayron bo'laman debdi,  
Qaramasa o'zgaga jonon bo'laman debdi.

Ko'z tutmasa yo'limga, gul tutmasa qo'limga,  
Sir aytmasa o'zimga, yomon bo'laman debdi.

Chidab hijron dog'iga, muhabbat so'rog'iga,  
O'zga ko'ngil bog'iga bog'bon bo'laman debdi.

Sevgiga to'liq makon, orasida ikki jon,  
Orzulari bir jahon osmon bo'laman debdi.

Yoshlik bo'lib yuragi, shodlik bo'lib tilagi,  
Sevgi bo'lib ertagi, biyron bo'laman debdi.

Buxoroning yo'liga, yomg'iru qor seliga,  
Bitta ra'noguliga, qurbon bo'laman debdi.

Amrulloni qiynagan, sevaman deb qo'ymagan,  
Xumoridan to'ymagan, armon bo'laman debdi.

## XONADON TINCHLIGI

Qadamlaring bosmaydi oldin,  
Topganlaring bo'lmaydi oltin.  
Sevgan yoring kulib turmasa,  
Xonadonda tinchlik bo'lmasa.

Qo'ling sira bormaydi ishga,  
Tobing sira bo'lmaydi oshga,  
Og'riq kirar doimo boshga,  
Xonadonda tinchlik bo'lmasa.

Asablaring charxlanar mudom,  
Ololmaysan tonggacha orom,  
Yaratgandan kutasan in'om,  
Xonadonda tinchlik bo'lmasa.

Ko'rinmaydi dunyo tashvishi,  
Kasbu koring, qilar yumushing,  
Ortda qolar boshlagan ishing,  
Xonadonda tinchlik bo'lmasa.

Xumoringni maydan olasan,  
Aro yo'lda tentak qolasan,  
Tamakiga darding solasan,  
Xonadonda tinchlik bo'lmasa.

Topganingga baraka qayda,  
To'y-tantana, tomosha qayda,  
Mehnatingdan topmaysan foyda,  
Xonadonda tinchlik bo'lmasa.

Niyatim shul, ey birodarim,  
Qadamlaring bossin oldinga,  
Va aylansin boring oltinga.  
Go'zal yorlar kulib tursin,  
Har xonadon nurga to'lsin.

## SINFDOSHGINAM

Shodlikka berilib o'tgan onlarni,  
Ustozu murabbiy mehribonlarni,  
Eslab har lahzani qo'msayman shu dam,  
Men seni sog'indim, sinfdoshginam!

Sevinchdan porlagan chaqnoq ko'zlarni,  
Ishqdan so'z ochilgan o'shal kezlarni,  
Unutib bo'lmaydi hattoki bir dam,  
Men seni sog'indim, sinfdoshginam!

Jonajon maktabim, ilk partadoshim,  
Ko'zimda shashqator qotdi ko'z yoshim,  
Oh, yana qo'msadim, yoshlikni shu dam,  
Men seni sog'indim, sinfdoshginam!

Oxirgi qo'ng'iroq kuzatar bizni,  
Katta hayot sari buramiz yuzni.  
Jonajon maktabim, qalbidam har dam,  
Men seni sog'inaman, sinfdoshginam!!!



## MUHABBAT G'UNCHASI

Muhabbat g'unchasi mening qo'limda  
Yuragim bosh egib, qilar tilovat.  
Barq urgan yurakda cho'g'langan sevgi,  
O'llohdan kutadi o'zga marhamat.

Muhabbat g'unchasi mening qo'limda  
Ko'ngilga bog'labon ko'kka uchaman.  
Sevgiga bosh egib, ishqqa suyanib,  
Muhabbatning dilxush mayin ichaman.

Muhabbat g'unchasi mening qo'limda  
So'z ochar shivirlab, dilda hayajon.  
Qalbimga qo'l solgan o'zingsan faqat,  
Qalbim karvoniga yagona sarbon.

Muhabbat g'unchasi mening qo'limda  
Qalblar xislatining folin ochadi.  
Muhabbat g'unchasin olsam qo'limga  
Maftunkor xayollar olib qochadi.

## MANZARA

Ana ular kim bo'ldi yana,  
Qiz qo'lida lolaqizg'aldoq.  
Atrofida yigit parvona,  
So'zlariga solmoqda quloq.

Ana ular kim bo'ldi yana,  
Shivirlashib lolazor aro.  
Hech kim bilmas go'yo pinhona,  
Chin muhabbat bermoqda oro.

Ana ular kim bo'ldi yana,  
Pastga qarab dumalaydi tosh.  
Ko'zlarimni etdim begona  
Gul bargiga tutashdi quyosh

## MEN SIZNI SEVAMAN

G'ofilning ko'zini ko'r qilgan hijron,  
Qalblarni tirnaydi bitmagan armon,  
Qalblarda o'chmaydi muhabbat hamon,  
Men sizni sevaman. O'n sakkizdaman.

O'n to'rt yoshda sevish bola sevgisi,  
Bolalikning muhtoj, chala sevgisi,  
Qalblarga kirmagan dala sevgisi,  
Men sizni sevaman. O'n sakkizdaman.

Qaro tun misoli, yoshliksiz olam,  
Sevgi yuraklarga mangudir malham,  
Sevgisiz yasholmas dunyoda odam,  
Men sizni sevaman. O'n sakkizdaman.

Sevgining mezoni, visoli bahor,  
Sevgan yuraklarning iqboli qaror,  
Sevasizmi degan savoli ham bor,  
Men sizni sevaman. O'n sakkizdaman.

O'n to'rt yoshda sevish, yagona havas  
Asli dunyo unga kelolmaydi bas,  
O'rtanib-o'rtanib ingraydi u mast,  
Men sizni sevaman. O'n sakkizdaman.

\* \* \*

Gulzorda bir gul tanho,  
Chamanda bulbul tanho.  
Sen gulsenu men bulbul  
Bizning sevgimiz tanho.  
    Barchinoy ko'ngil bergan,  
    Tanho erur Alpomish.  
    Otabek deb jon bergan  
    Yagonadir hur Kumush.  
Gulni sevmishdir bulbul,  
Ayni yoshlik chog'ida.  
Birga-birga yashaylik,  
Muhabbatning bog'ida.

\* \* \*

Men o'zimni quling desam-u,  
Seni shohi gulim desam-u,  
Sensiz menga o'lim desam-u,  
Sen o'zgani yorim debsan-ku,  
Yurakdagi borim debsan-ku.

Seni sevib bahor deb bilsam,  
Toshqingina anhor deb bilsam,  
Qalbingda bir qaror deb bilsam,  
Sen o'zgani yorim debsan-ku,  
Yurakdagi borim debsan-ku.

Sochlari majnuntolim desam,  
Kutgan kunim, visolim desam,  
Mening baxtim, iqbolim desam,  
Sen o'zgani yorim debsan-ku,  
Yurakdagi borim debsan-ku.

### GULGINAM

O'z bog'ini topmagan gulim,  
Shabnamlarni o'pmagan gulim,  
Bulbuliga chopmagan gulim,  
Kim aldadi, kimlar xor etdi?

Shoxginangni sindirdi kimlar,  
Hijronlarga qoldirdi kimlar,  
Tiriklayin o'ldirdi kimlar,  
Kim aldadi, kimlar zor etdi?

Uzoqdagi jononang kutar,  
Intizoring, parvonang kutar,  
Yo'llaringda devonang kutar,  
Kim aldadi, kimlar yor etdi?

O'z bog'ingni topgin, gulginam,  
Bulbulingga chopgin, gulginam,  
Bo'sa olib, o'pgin gulginam,  
Chamanzoring, o'z bog'ing kutar,  
Nastarin gul, bahoring kutar.

## MAKTUBIMNI YOQAR BO'LSANG...

Maktubimni yoqar bo'lsang, jon,  
Mana, oldin so'nggi xatim yoq.  
Avval o'qi, suratimga boq,  
So'ngra esa suratimni yoq.

Maktubimni yoqar bo'lsang, jon,  
Mana, oldin yuragimni yoq.  
Sen-la, baxtli bo'larman degan  
Nurday toza tilagimni yoq.

Maktubimni yoqar bo'lsang, jon,  
Mana oldin vujudimni yoq.  
Yig'lat meni, titrat meni, jon,  
Endi esa maktubimni yoq.

## KO'NGIL

Muhabbatning chirog'i ko'ngil  
Hayotingni nurga belaydi.  
Yonib turar ertayu kech ul  
Ko'zlaringga uyqu kelmaydi.

Muhabbatning yaprog'i ko'ngil,  
Yaxshilikning pok qo'riqchisi.  
Bo'imagaysan olamda g'ofil,  
Ezgu ishlar "buzgaydir" tinching.

Muhabbatning bayrog'i ko'ngil,  
Boshing uzra ko'targin uni,  
Nurli, baxtli kelajak uchun  
Kurashlarda kechsin har kuning.

\* \* \*

Yuragimni yara qilsin tosh,  
Ko'zlarimni ojiz qilsin yosh,  
Azoblarga berolmasam dosh,  
Men sizning qalbingiz tilgan bo'laman,  
Men sizga xiyonat qilgan bo'laman.

Qalbingizga berolmasam baxt,  
O'z ahdimda turolmasam naqd,  
Aybim deyman, biling o'sha payt,  
Men sizning qalbingiz tilgan bo'laman,  
Men sizga xiyonat qilgan bo'laman.

Nozlaringiz vujudni tilsa,  
Agar sizdan o'zgarlar kulsa,  
Bir tola soch, yerga to'kilsa,  
Men sizning qalbingiz tilgan bo'laman,  
Men sizga xiyonat qilgan bo'laman.

Dard bo'lsa-yu, bo'lmasa davo,  
Soz bo'lsayu, bo'lmasa sabo,  
Yor bo'lsamu, qilmasam vafo,  
Men sizning qalbingiz tilgan bo'laman,  
Men sizga xiyonat qilgan bo'laman.

### CHO'QQIGA INTILAYOTGAN QIZGA

Oyog'ing toshlardan tilinsin, singlim,  
Cho'qqiga intilgin, mayli qizaloq.  
Osmonga intilib borganing sari,  
Hayot sinovlarin anglaysan tezroq.

Cho'qqidan bir oshsang tabassum bilan,  
Yana bir cho'qqiga ilinjing ham bor.  
Anglaysan o'zingcha bir dovon misol,  
Hayot dovonlari yo'lingda bisyor.

## QIZLAR DAVRASI

Bu davraga jam bo'lmish,  
Ne bir sarvi ravonlar,  
Eram bog'i kam bo'lmish,  
Bu gulbog'dan, yoronlar.

Nozik-nihol qadlari,  
Gilos kabi lablari,  
Shirin - sharbat gaplari,  
O'zi gulu xandonlar.

Yanoqlari anor, hay,  
Yuzlari naqsh olmaday,  
Bellari-chi tolmaday,  
Qaboqlari bodomlar.

Bu shundayin ajib bog',  
Ko'rib ko'ngil bo'lar chog',  
Qo'nmasin hech qarg'a-zog',  
Ko'rmasin hech xazonlar!

## TO'Y TA'RIFI

To'y degani avvali,  
Kelin-kuyov baxtidir.  
Istiqboli yog'duli  
Yoshlarning chin ahdidir.

Ikki payvasta jonning,  
Ikki vobasta jonning,  
Ikki baxtiyor xonning,  
Saodatli taxtidir.

To'y to'ladir tilakka,  
Ziyo to'lar yurakka,  
Oyu quyosh falakka,  
Birga chiqqan vaqtidir.

\* \* \*

Yulduzlikni ko'zlamog yaxshi...  
Unga yetmog mashaqqat, og'ir.  
Har insonning peshonasiga,  
Yozilmishdir turlicha taqdir.

Kimdir oldin, kim esa ortda,  
Kim piyoda, yana kim otida,  
Harakatning mevasi bari,  
O'rin topmog qiyin hayotda.

Nima eksang, shuni o'rasan  
Ko'zguda ham shuni ko'rasan.  
O'z topganing o'zingniki do'st,  
Boshqasini nima qilasan.

Oyoq chaqqon, qo'l uzun bo'lsin,  
Har davrada o'z so'zing bo'lsin,  
Diyonatni do'st bil o'zingga,  
Haqni ko'rar chin ko'zing bo'lsin.

Akang, ukang yoru do'sting ham,  
G'animatdir, bilsang, ey oshnam.  
G'aflat bosma, harakatda bo'l  
Bo'lmay desang birovlardan kam.

Yulduzlikni ko'zlamog yaxshi,  
Unga yetmog mashaqqat, og'ir.  
Shu matohning hoshiyasiga,  
Yozib qo'ydim: - Qo'limda taqdir!

\* \* \*

Bir musofir ko'zlarimga boqdidida bir zum,  
So'rdi mendan chehrang ochiq namuncha do'stim,  
Unga boqib, sekin qildim tabassum  
Dedim unga... ko'p so'zlatmang tolganman.  
Men bahorda sevib qolganman.

## DUOGA QO'LING OCH, O'ZBEKISTONIM!

Haqni ko'zlab, haq deb yongan xalq o'zi,  
Shirmoy nondek yuzi qizil xalq o'zi,  
Ezgulikka irmoqdir qalb dengizi,  
Katta yo'lga chiqqan ona karvonim,  
Duoga qo'ling och, O'zbekistonim!

Boshing toshdan bo'lsin, ona tilagi,  
Farzandlar baxtiyor, osmon yuragi,  
Yakuni yaxshilik topar ertagi,  
Baxtga beshik bo'lgan jonu jahonim,  
Duoga qo'ling och, O'zbekistonim!

Ota-bobolardan saxiylik meros,  
Qo'li ochiq zotlar, balodan xalos,  
Har qarich tuprog'in, etaylik e'zoz,  
Men ta'zim etaman, ota makonim,  
Duoga qo'ling och, O'zbekistonim!

O'zbekim baxti bor, duosi bilan,  
Faxr etar Navoiy bobosi bilan,  
Jahonni lol etar ziyosi bilan,  
Har davrada yangroq, subhi zabonim,  
Duoga qo'ling och, O'zbekistonim!

Bir yonda Sirdaryo, Amudaryosi,  
Bir yonda Samarqand, ham Buxorosi,  
Tortib turar doim ohangrabosi,  
Vatan deb sevaman ey, Onajonim,  
Duoga qo'ling och, O'zbekistonim!

## KEL, BAHORIM!

Seni kutib abadiyat nuri bo'ldim,  
Ko'z ochmagan g'unchalarga cho'ri bo'ldim,  
Uynoqlagan shabadaning she'ri bo'ldim.  
Seni qo'msab yongan kunim, gulbahorim!

Maysalarga sajda etib o'pganimda,  
Najot izlab, sendan darak topganimda,  
Oppoq zamin visol gashtin totganimda,  
Seni qo'msab yongan kunim, gulbahorim!

Jilg'a bo'lib, anhorlarga oqib ketdim,  
G'uncha bo'lib, gul chamanga yoqib ketdim,  
Sog'inchlardan yona-yona qalqib ketdim,  
Seni qo'msab yongan kunim, gulbahorim!

Nigohlarim qadab o'tdim, lolazorga,  
Yuraklarda o'rin qolmas, bir g'uborga,  
Men esladim, tezroq qaytgin bu diyorga,  
Seni qo'msab yongan kunim, gulbahorim!  
Sog'intirma, kel bahorim, kel bahorim!

\* \* \*

Injularga egmagin bo'yin,  
Shafaqlarga bo'ysunma dilbar.  
Va'dalarga to'lsa ham qo'ying,  
Tillo berib sochsa ham -ki zar.

Muhabbatni berolmas birov,  
Berolmaydi hatto baxtingni,  
Ishonching ham umidingga g'ov,  
Avaylagin, do'stim, qalbingni.

## ELIM

Suruv-suruv qo‘ylari bor,  
Himmati zo‘r cho‘ponlari.  
Kiysang agar gashti bisyor,  
Beqasam to‘n choponlari.

Bazmu jamshid to‘ylariga,  
Sarviqomat bo‘ylariga,  
Tan beradi uylariga,  
Hindu xitoy, yaponlari.

Baland-baland minorlari,  
Ming asrlik chinorlari,  
O‘lan, yalla, yor-yorlari,  
Dunyo kezar dostonlari.

Oq oltini dehqon yuzi,  
Bol sharbati bog‘bon so‘zi,  
Kumush, tilla baxt yulduzi,  
Mardi bisyor maydonlari.

O‘zbekona lutfi bilan,  
Xonatlasi ko‘rki bilan,  
Zardo‘zi to‘n, do‘ppi bilan,  
Yondiradi jononlari.

Alpomishday bilaklari,  
Qorday oppoq tilaklari,  
Botir, qo‘rqmas yuraklari,  
Yurtga sodiq o‘g‘lonlari.

Niyatim shu yurtim uchun,  
O‘z g‘ururim ko‘rkim uchun.  
Ushalsin -e bari butun,  
Ushalmagan armonlari.

## BUXORONING TO'YLARI

O'tni yoq-ey, jon ukam,  
Childirmani chal do'stim.  
Buxoroning chinakam,  
O'lanidan ol do'stim.  
Erib ketsin bu dillar,  
Navolarning taftidan.  
Yayrasin dilu jonlar  
Yor-yorlarning zavqidan.  
Niyat qiling bir dunyo,  
Bo'y qo'shilsin bo'yiga.  
Yetmaydi hech qaysisi,  
Buxoroning to'yiga.  
Otash berar yurakka,  
Alyorlaru yallasi.  
Yarashadi bunchalar,  
Kuyovga oq sallasi.  
Kelin boshin egibdi,  
Salomidan o'rgilay.  
Yaxshi niyat tilagan,  
Nekbinlarga jo'r bo'lay.  
Niyat qiling bir dunyo,  
Bo'y qo'shilsin bo'yiga.  
Yetmaydi hech qaysisi,  
Buxoroning to'yiga.

\* \* \*

Ko'rk ochibdi dilda muhabbat,  
Yaralibdi isyonkor, dilxun.  
Hatto gul ham bulbuli bilan,  
Juft bo'lgusi ayondir bir kun.

Yolg'iz emas hattoki zog' ham,  
Sevgi asli mangu olovdur.  
Ertayu kech mehnatda tolgan  
Chumoli ham jufti bilandir.

## OQ TONGLAR KUYCHISI...

*O'zbekiston xalq shoirasi Zulfiyaning porloq xotirasiga va Zulfiya nomidagi Davlat mukofotiga sazovor bo'lgan oqila qizlarga bag'ishlanadi.*

Tag'in bog'laringda ochildi gullar,  
Kamida ellik yil, yashardi bahor.  
Hayot bo'lib balki, bo'lib muhabbat,  
Ustun chiqdi vafo, sadoqat takror.

Tag'in nigohingda porlaydi sevgi,  
Hayotni kuylaydi chaqnoq ko'zlaring.  
Tag'in lablaringga qo'nibdi hilol,  
Sadoqat timsoli, shirin so'zlaring.

Balki matonatdan yaralgan qalbing,  
Metindek mustahkam, balki bardoshing.  
Go'zallik yashashdir, muhabbat mangu,  
O'chmas sadoqatga bog'liqdir boshing.

Hamon kechagiday, vujuding isyon,  
Sevingga sanamlar etarlar havas.  
Qanday baxt azizim, mingta gul bo'lib  
Bu dunyo bag'rida olmoqlik nafas.

Oppoq tong kuychisi, oppoq orzular,  
Naqadar yoqimli yoshlik navosi.  
Tuyg'ular rangini his etarmikan,  
Shoir yuragidan boshqa "daho"si.

Bulbullar sayriga to'lmishdir bahor,  
Muhabbat kuychisi, baxtdan entikar.  
Bir quchoq anvoyi atirgul misol  
Oq tonglar kuychisi yurtga ko'z tikar.



## HAZRAT MOHITOBON

(Ziyoratgohda yozilgan she'r)

Falakning gardishi soyasi bilan,  
Tog'larning ko'rki ham qoyasi bilan,  
Bizni ham Oллоhim baxtga yo'llasin,  
Hazrat Mohitobon ruhi qo'llasin,

Bugun xush keldingiz, pok niyat bajo,  
Hazratning ruhiga etmakka duo,  
Dildan niyat eting: Vatan gullasin,  
Hazrat Mohitobon ruhi qo'llasin,

Duoga qo'l oching, mo'min musulmon,  
Tabarruk zotlarga ko'ngil armug'on,  
Har ko'ngil bir ulug' niyat tilasin,  
Hazrat Mohitobon ruhi qo'llasin,

Ruhlarin shod aylang, aylang ziyorat,  
Uning ruhi sizga yordir toabad,  
Pirlar yurtidir bu aytsak sirasin,  
Hazrat Mohitobon ruhi qo'llasin,

Naqshband hazrat ham ulug' xaloskor,  
Oллоhim yorlaqa, bo'lgin madadkor,  
Duolar nur bo'lib ko'kka o'rlasin,  
Hazrat Mohitobon ruhi qo'llasin.

*Ulguraydik rahmat demoqqa...*

Amrullo Karim

## VAFO

Vafo - inson qalbidagi nur,  
Muhabbatni quyosh deb bilsak.  
Chin sevgidan olgaymiz shuur,  
Biz yurakka itoat qilsak.

Vafo misli g'unchai mohdir,  
Gul anglasak, chin muhabbatni.  
Havas qilsa, arziydi axir  
Sadoqat - la ulg'aygan baxtni.

Vafo so'zda jaranglagan sas,  
Yuraklarning qo'shig'i visol.  
Biz u bilan olamiz nafas,  
Chin vafoli muhabbat halol.

## O'YLARIM

O'ylarimdan cheksiz nima bor...  
Nima cheksiz, xayoldan boshqa.  
Yer yumalab, osmon qulaydi,  
Bulut yog'ar, yorilgan kecha

O'ylarimdan cheksiz nima bor...  
Hatto yer ham chekli-ku axir.  
Necha asr qildilar xayol,  
Bo'lar ekan zamona oxir.

O'ylarimdan cheksiz nima bor...  
Yoqqan yomg'ir hayot ko'z yoshi.  
Yeru osmon yaralgan chindan,  
U tolening, baxtning quyoshi.

## OTA

Poklikda tengi yoʻq behisob,  
Hayot yoʻli oʻzi bir kitob,  
Izlaringiz poylaydi oftob,  
Ota, sizni yaxshi koʻraman.

Bagʻri Jilvon choʻli kabi keng,  
Har aytgani ming tilloga teng,  
Kitobimni bir ochib oʻqing,  
Ota, sizni yaxshi koʻraman.

Dard koʻrdingiz, toʻy ham koʻrdingiz,  
Niyat qilib, uylar qurdingiz,  
Har lahzada yurt deb turdingiz,  
Ota, sizni yaxshi koʻraman.

Kimdir ulov olsa nogahon,  
Duo qilib alqaysiz shodon,  
Yurt boyisa, boyiydi jahon,  
Ota, sizni yaxshi koʻraman.

Bizga ibrat hayot yoʻlingiz,  
Boʻshamaydi ishdan qoʻlingiz,  
Hasadlardan yiroq dilingiz,  
Ota, sizni yaxshi koʻraman.

Har davrada orim bor deysiz,  
Mol yetmasa, jonim bor deysiz,  
Har luqmani halollob yeysiz,  
Ota, sizni yaxshi koʻraman.

Ochilganda umr daftari,  
Bizga maktab har bir gaplari,  
Yurak ezgu ishlar minbari,  
Ota, sizni yaxshi koʻraman.

## JANNAT SOHIBALARI

Agar onam bo'lsang, shafaqqa tutash  
Sen ulkan tog'dursan, qulamas g'oya.  
Sen tanho mehribon, yagona dilkash,  
Jannat malikasi, baxtinga doya.

Agar momom bo'lsang, ertaklar aytib,  
Oltin buloqlardan madad so'ragin.  
Asotirlar aytib, dostonlar aytib  
Qalbimni muattar baxtga o'ragin.

Agar yorim bo'lsang, guldek muattar  
Ko'kda mohim bo'lsa, zamin oyi bo'l.  
Daryodek toshqinu, kundek munavvar  
Yurakka oqib kir, ko'ngil soyi bo'l.

Agar qizi bo'lsang, dilbar zamonning  
Ta'riflay cho'qqidan ko'ringan baxt bo'l.  
Sevib ko'ngil qo'ygan barno yigitning,  
Qalbida tug'ilgan muqaddas ahd bo'l.

Agar ayol bo'lsang, ona erursan  
Ayollar jannatning sohibalari.  
Allaga surursan, quyoshdan nursan,  
Bu munis hayotning mahbubalari.

## BAHOR YOMG'IRLARI...

Yuzlarimni yuvib o'tdilar,  
Dardlarimni quvib o'tdilar,  
Bahor yomg'irlari...

Sochlarimni ho'llab ketdilar,  
Ko'ngillarni sellab ketdilar,  
Bahor yomg'irlari...

Yer-zaminga inju soldilar,  
Yuraklarda nurday qoldilar,  
Bahor yomg'irlari...



## SOG'INCH

Yana sizni sog'indim ona,  
Sog'inch ila qalam ushladim.  
Dardlarimni qog'ozga to'kib,  
Yurak urib qo'shiq boshladim.

Yana o'sha qum ko'chalarning,  
Changlariga ko'chdi taqdirim.  
Shoyi kiygan u qizchalarga,  
Aytmoq uchun ko'p edi sirim.

Savol berib, o'zimga o'zim,  
Yozib yana hijronli xatlar.  
Bo'shamaydi qo'llarim uzra,  
Uchib tushar kundalik daftar.

Sevinch, shodlik, qayg'u, alamni,  
Xotirlashga jasorat topib.  
Albomdagi suratga boqib,  
Bolalikka qaytaman shoshib.

Aytay desam so'zlar bir jahon.  
Uyim tomon yetaklayotgan...  
Bo'yi osmon terakzor bilan,  
Sog'inaman sizni, onajon !

\* \* \*

Sevgi yolg'on emas, aslida bilsang  
Menga do'st tutinma, sevgidan kulsang.  
Bilsang yashamoqqa bir taskin kerak,  
Yaxshida kimnidir, sevib yashasak

\* \* \*

Bu oqshomda juda kech qaytdim,  
Do'stlar bilan ichib so'z aytdim.  
Uxlayapti men sevgan sanam,  
Kutayotgan mehribon onam.

"G'ala - g'ovur, alanga, tutun..."  
Tush ta'biri izlanar shu tun.  
Senga nima bo'ldi jon bolam,  
Tushida ham meni ko'radi onam.

Kinodagi "syurpriz" kabi,  
Dabdurustdan borish istagi,  
Doim bo'lar bilmam negadir,  
Ammo, onam...  
Meni doim intiq kutadir.

Sir aytarmi, balki ularga  
Ular yotgan, eski xonalar.  
Kim yetkazar ularga buni,  
Qanday bilar buni onalar?!

Ona ko'ngli bolada emish,  
Bolaniki dalada emish.  
Bir kosada sut berib menga,  
Non yopay deb chiqar o'tinga.

O'ttiz yoshli bolangman, ona  
Uxlang desam, tilim kuyadi.  
O'ngingda ham, tushda ham hatto  
Bolang seni sarson qiladi.

Bu oqshomda juda kech qaytdim,  
Do'stlar bilan ichib so'z aytdim.  
Uxlayapti men sevgan sanam,  
Kutayapti mehribon onam...

## BOSHINGNI QO'Y ONA BAG'RIGA

Zulmatlarga aylansa olam,  
Yo'l poylasa qayg'u va alam.  
O'tolmaysan undan nariga,  
Boshingni qo'y ona bag'riga.

Yuragingni ming bora ezib,  
Tashvishlardan ketganda bezib,  
Chiday desang agar bariga,  
Boshingni qo'y ona bag'riga.

Orzularim tog' oshsin desang,  
Va borini shukr deb yesang,  
Boqib takror dunyo charxiga,  
Boshingni qo'y ona bag'riga.

Bolalikni sog'insang agar,  
Shu on qo'msab, yonsang besamar,  
Chek qo'yginu turmush zahriga,  
Boshingni qo'y ona bag'riga.

Farzand bo'lsa, quvvat belingga,  
Yorim desang, nurli yo'lingda,  
Onang qayda! To'ygin mehriga,  
Boshingni qo'y ona bag'riga.

Bemor bo'lsang ko'rguvchi onang,  
Holing so'rab turguvchi onang,  
Shirin so'zi malham dardingga,  
Boshingni qo'y ona bag'riga.

Achchiq so'zlar so'zlamoqdan qoch,  
Quvonch ingan yuragingni och,  
Duosin ol, yetgin qadriga,  
Boshingni qo'y ona bag'riga.

## ONA QADRI

Yuraklari toshga aylansin  
Orzulari yoshga aylansin,  
Butun umri tushga aylansin,  
Kim yetmasa ona qadriga.

Do'zax ichra qolib ketarmish,  
Kunlar ko'rmay o'lib ketarmish,  
Yoki badbaxt bo'lib ketarmish,  
Kim yetmasa ona qadriga,

Yo'qotganda farzand izini,  
Ikki qilsa ona so'zini,  
Qiyomatda ko'rar o'zini,  
Kim yetmasa ona qadriga.

Anduhu-g'am chekkanday bo'lar,  
Boshi toshga tekkanday bo'lar,  
Bir umrga cho'kkanday bo'lar,  
Kim yetmasa ona qadriga.

Uzoq yillar davron sursa ham,  
Vaqt o'tganda boshin ursa ham,  
Boy emasdir, boylik ko'rsa ham,  
Kim yetmasa ona qadriga.

Jannat aksin olsin qalbiga,  
Hamma yetsin ona qadriga,  
Alloh bersin davo dardiga,  
Kim yetmasa ona qadriga.

\* \* \*

Inson baxt deb yashaydi hamon,  
Baxt bo'lmasa inson ham tamom,  
Yurak urib turishi kerak,  
Inson baxtli bo'lishi kerak.

## MUVASHSHAH

Mehrim quyosh boʻlib bogʻlandi senga,  
Orzuyim chinordek boʻy choʻzdi koʻkka.  
Hali sen chamanda bir gul boʻlasan,  
Ilhomim kuychisi boʻlasan yakka.  
Nomingni eshitib poyingda togʻlar  
Adirlar salomga keladi bir-bir,  
Baxting koʻchasida onang ikkimiz,  
Oppoq orzulardan quramiz qasr.  
Nafosat mulkida tanholik tilay,  
Umring uzoq boʻlsin, baxtingni koʻray!

\* \* \*

Lochin boʻlish sirin aslida,  
Lochinlardan oʻrganish kerak.  
Yetmoq uchun sevgi qadriga,  
Ming bor kuyib oʻrtanish kerak.

Sogʻinch bilan hijron farqini,  
Anglay bilmas sevmagan yurak.  
Uzoq muddat dars olib bunda,  
Uning sirin oʻrganish kerak.

Oʻrtanganlar, yonganlar qancha,  
Sharobidan qonmoq ham kerak.  
Yoʻligamas, joning chiqqudek  
Har kun oʻlib, oʻrtanish kerak.

Qora xat kelsa-da yorini,  
Yoʻlin poylab kutgani boʻlak.  
Ulugʻvor sevgining qadrini,  
Shu ayoldan oʻrganish kerak.

Lochin boʻlish sirin aslida,  
Lochinlardan oʻrganish kerak.  
Yetmoq uchun sevgi qadriga,  
Ming bor kuyib oʻrtanish kerak.

## XAYOLLARGA

*Seni osmonimga olib ketaman.*

**M. Yusuf**

Biz tomon yelmishdir ajib shamollar,  
Shamollar ortidan uchqur xayollar,  
Mayli qurbon bo'lay jayroningizga,  
Meni olib keting osmoningizga.

Qalblarda bir olam orzu yashaydi,  
Armonga aylangan tuyg'u yashaydi,  
Mayli armon bo'lay armoningizga,  
Meni olib keting osmoningizga.

Sizga yuragimni aylab baxshida,  
Bitsam arzir edi ajib qasida,  
Mayli sherik etmang davroningizga,  
Meni olib keting osmoningizga.

Dunyo tugamaydi, menda esa o'y  
Karvon ketaverar, menga hamroh kuy.  
Soqchi bo'lay o'zim karvoningizga,  
Meni olib keting osmoningizga.

Men tomon yelyapti, ajib shamollar  
Shamollar ortidan uchqur xayollar.  
Oshiqman men sizning jahoninigizga,  
Meni olib keting osmoningizga.

\* \* \*

Shivirlab so'raydi mendan dunyoni,  
Achchiqmi bu hayot yo boldek shirin.  
Ko'zinga surtaman subhi ziyoni,  
Nahot shu muhabbat mengadir tekni.

Kamondek qoshingga ko'ngil mahliyo,  
Avaylab silayman, oydek yuzingni.  
Nigohing turibdi, qalbim to'rida  
Sog'inib qolaman tag'in o'zingni.

## O'G'LIM SHAHBOZBEKKA

Orzular orzuga ulanar yana,  
Ular qayta kurtak otaveradi.  
Ko'klamning ham, jaji yurakkinangda,  
Atirguli g'uncha ochaveradi.

Kuzda tug'ilganman, bahor bahor-da  
Safosi sharobday totimli menga.  
Baribir ko'klamning qo'shig'i dilbar,  
Berib qo'yolmayman, yurakni tunga.

Har tongda chehrangda ko'ray tabassum,  
O'ynoqla, o'ynoqla olg'a bos, bolam.  
Ko'klam gullariday kulib tur, o'g'lon,  
Derlar: - Bola kulsa, kularmish olam

Senda orzularning ro'yobin ko'rib,  
Shubhasiz sen kulsang, kuladi onang.  
Har tong baxtiyorlik qo'shig'in kuylab,  
Sening kulgung bilan ko'ksi tog' otang

\* \* \*

Hayot bo'lsa qancha murakkab,  
Shiringina sharbati ham bor.  
Uch kunlik izg'irin ortidan yana,  
Eshik qoqib kelar qirlarga bahor.

O bahor, men senga yetishmoq uchun,  
Qor tushgan qirlarning bag'ridan o'tdim  
Tutishganda asalli choyni,  
Kulib turib men zahar yutdim.

Tutganlari og'u emasdi,  
Mening asli taqdirim edi.  
Qalovini topolmadim hech,  
O'z taqdirim o'zimni yedi.

## BOLALIGIM

Ayoz kelib, qirga qor tushdi,  
Dilga nurli bir qaror tushdi,  
O'yin-kulgu torlarda qoldi,  
Bolaligim bog'larda qoldi.

Tomchilar ham dengiz bo'ldilar,  
Qizaloqlar hur qiz bo'ldilar,  
O'yinchoqlar yo'llarda qoldi,  
Bolaligim yillarda qoldi.

Bahor kelib, gulladi chaman,  
Netay: men bahorni sevaman.  
Xayolotim gullarda qoldi,  
Bolaligim dillarda qoldi.

Bog'larimga kuz keldi, ajab  
Yuragimdan ertaklar so'rab,  
Ertaklarim so'zlarda qoldi,  
Bolaligim ko'zlarda qoldi.

Ko'zimga boqingiz, u so'zlar,  
Bolalikdan ne qoldi izlar.  
Sho'xliklarim qirlarda qoldi,  
Bolaligim she'rlarda qoldi.

\* \* \*

Dedingiz, suymagan jonimga,  
Suyib meni ado qilasiz.  
Aylanib bir mehribonimga,  
Ishq o'tida gado qilasiz.

Dedingiz, ol yono'q farishtam,  
Ko'zingiz kutmaydi bahorni.  
Chalmaydi, chalishni bilmaydi,  
Qo'lingiz tutolmas bu torni.

\* \* \*

Hayot, qo'shig'ingni to'xtatma bir pas,  
Kuyla baland pardada yonib.  
Men suv ichay daryolaringdan,  
Tashnalikdan diydorga qonib.

Tilaganim mehr va jur'at,  
Yana ne deb so'rama faqat.  
Qarshingdagi bir uyum nafrat,  
Ketarmisan undan ham tonib.

Qo'limdagi may to'la kosa,  
U mehrdan olgan andoza,  
Hijronlarga tutqazib bo'sa,  
Noma yozdim tunda to'lg'onib.

Uxlolmagan tunlaring haqqi,  
Mensiz otgan tonglaring haqqi,  
Menga aslo qolmadi farqi,  
Yasharmidim seni qizg'onib.

\* \* \*

O'zingiz vafoga qilib xiyonat,  
Yana muhabbatdan bong ham urasiz.  
O'zingiz vafoni tushunmay turib,  
Menga muhabbatdan saboq berasiz.

Ba'zida o'ylamay so'ylaysiz, do'stim,  
Vafo tuyg'usini qilib chilparchin.  
Vafo neligini bilmagan inson,  
Sevgi tilsimini qanday yecholsin.



\* \* \*

Bas qil endi nozikkinam,  
Yonginamdan yiroqlama.  
Azoblarga qidirma yo'l,  
Dilginamni firoqlama.

Bas qil endi, erka mohim  
Yur ketaylik qo'lingni ber.  
Cho'qqilarga, osmonlarga  
Yur men bilan, shamoldek yel.

Bas qil endi oppoq bekam,  
Ohori yo'q so'zlaringni.  
Derazadan mo'ralagan,  
Sirini ayt ko'zlaringni.

Bas qil endi, malakkinam  
Xo'p izladim izlaringdan.  
Men qo'rqaman faqat seni,  
Yo'qotishdek hislarimdan.

Bas qil endi, buxorolik  
Qoshi kamon, yoy, malikam.  
Hijron o'ti jondan o'tdi,  
Men qaytaman, yuragingga  
Buxorolik oy malikam,  
Bormi o'zi, biz uchun ham  
Yuragingda joy malikam!



\* \* \*

Men uzoq izladim samimiyatni,  
Samimiy nomalar keltirdim atay.  
Tabiat qonuni shumikan bilmam,  
Inson ko'p ba'zilar shaytonga malay.

Insofni soqqaday otarlar gohi,  
Libos kiyadilar almashlab po'stni.  
Sherlarning haybati ertakda qolgan,  
Almashlab ketarlar ba'zida do'stni

Ko'z-ko'zga to'qnashar dil ko'zi beun,  
Metrodan g'imirlab chiqar odamlar.  
Odami qaysiyu olomon qaysi,  
Kimda ixlos, kimda iflos qadamlar.

Samimiyat nima? Tushunarmi dil.  
Vijdon, insof degan tushunchalarni.  
Xudbin tuyg'ularga eggancha boshni,  
Derman...  
Yechib bo'lmas barcha tugunchalarni.  
Yolg'on to'ldirolmas aslo kam ko'stni,  
Bizda almashlash yo'q yo'llarda do'stni..



\* \* \*

Yolg'iz dema, yolg'iz bo'lmaylik,  
Yolg'izlikda yolg'iz qolmaylik.  
Har nafas kimgadir kerak bo'laylik,  
Istasang bir dardli yurak bo'laylik.  
G'oyib bo'lish nima degani,  
G'oyib bo'lay qalbing tubiga.  
Qara bugun yangi hayoting,  
O'rayapti oppoq "sut"iga.  
G'uborlarni yuvadi bu qor,  
Unda ham bir surur bor.  
Afsuslanma o'tgan damingdan,  
Aylanayin tortgan g'amingdan.  
G'amlarni qo'y, damlar g'animat,  
Kelgin yana, gaplashaylik jim.  
Odam olar odam taftini,  
Ko'p narsalar demoqchi ko'nglim.  
Kuning bo'lib qolishdan qo'rqdim,  
Umrin beray yetsa toqating.  
Keraksan bil bitta odamga,  
Gar berolsang ishq-muhabbating.



\* \* \*

Avvalo nur bo'lib, tashlading qadam...  
Men ham tashna bo'ldim, diydorga uzoq.  
Endi hijrondaman, yurakda alam,  
Qo'limda,  
Dilimda,  
Tilimda titroq.  
Unda nega kelding, farishta bo'lib,  
Kuydirib, kuydirib o'ldirmoqqami?  
Darding eshitishga muftalo bo'ldim,  
Qalbimni og'riqqa to'ldirmoqqami?  
Men tugab boryapman...  
Xayol betayin.  
Chorlasam chorlovga, sado yo'q zarra.  
Endi kech baridan kechib ketishga,  
Meni bemor qilding, shukr tangriga.  
Olamingga olib ketishga...  
Meni bir kunlikka aylantirding jim.  
O'zing xat jo'natib,  
Qiynoqqa solib,  
Harflardan so'z yasab,  
So'zlardan jumla...  
Jumlalardan yurakka kirib,  
Menga tinch xonada chiqarib hukm.  
Yana olamingga aylading mahkum.  
Bu qanday dard bo'ldi,  
Bilmam javobsiz.  
Allakiming bo'lishni istadim juda.  
Shunchalik yurakni ezmoqlik uchun,  
Maktub yozganmiding, topib vaqt, jur'at.  
Birinchi qadamni bosgan kim edi?  
Zavq bilan boshlangan olam "jabr"mi?  
O'zing maftun qilding,  
Sovg'aga esa,  
O'zing hadya qilding Ulkan sabrni?!

\* \* \*

Zarracha afsus yo'q,  
Hamsuhbat bo'lganim uchun.  
So'zingga intizor,  
Yoningda bir necha soatlar,  
Turganim uchun.  
Kim eding, kimim bo'lishga,  
Ulgurib qolganing uchun.  
Nazm girdobiga  
Opkelib...  
Chanqatib...  
So'ldirib... va yana kamiga  
Mendan ket deya...  
Tuyg'ulardan samimiy...  
Beozor kulganing uchun.  
Menda ham yurak bor...  
Uning tubidan...  
Tashakkur aytaman...  
Qimtinib...  
Joy olganing uchun...  
Menga yuborilgan...  
Sovuq qurol-la...  
Ko'ksimni ming lahta bo'lakka  
Bo'lganing uchun.  
Bilmadim nima u...  
Sovuq dekabrning uchinchi kuni...  
Butun a'zoyi badanim titrab,  
Chiqib ketayozdi dardu tutuni.  
Davrni qaytib ol...  
Qo'lingda kelsa...  
Istasang ortqilab yelkangga...  
Olamingga boshla...  
Birga yuraylik...  
Xayolotda dardlar izmida...  
Jannatlarda saroy quraylik.  
Saroyning quli ham,  
Podshosi ham...  
Shoiri ham, gadosi ham,  
Ko'ngli yarim adosi ham,  
Boshga tushar savdosi ham

Bizga tushsin, yoshlar oqsin,  
Tomchi yoshlar yuzga tushsin...  
Ezilganча ezilaylik,  
Qayg'ulardan bezillaylik...  
Tugamasin kunlarimiz,  
Goh qovrulib, goh sovrulib,  
Yarim-yorti...  
Otgan bo'lsin tonglarimiz.  
Ko'ngli yarim,  
Yaqiningni uzoq qilma.  
Iltimosim bir kechalik...  
Hushdor kabi o'rtoq qilma.  
Men shunday yaraldim,  
Shunday o'laman.  
Sen bugun azobga ko'mib tashlasang...  
Sen bilan...  
Bir kunda...  
Bir tunda...  
Bir onda...  
Bir tanda...  
U qanday Vatanki,  
Men tongda so'zlagan...  
Unsiz Va tanda...  
Sahroda sarg'aygan...  
Gulday so'laman...  
Sen rahmat dermisan...  
Sen bilan gullarday so'lganim uchun...!  
Javob ber, 10 kunlik sevgini...  
Tiriklay qabrga qo'yganing uchun...  
Kelding...  
Ketayapsan...  
Parokandalik...  
Boshlandi-ku yurakda sekin...  
Men qayga boraman...  
Bunday savdolarning ko'tarib yukin...  
Hech qanday sado yo'q...  
Halovat ham yo'qoldi dildan.  
Bularning barchasi...  
Dilning dardlari.  
Omon qolganlari...  
10 kunlik dovuldan...

Begoyimni qayda desalar...  
 Denglar...  
 Izlamanglar uni zamindan.  
 Allakimi olib ketibdi,  
 Tentiratib hijron dog'ida...  
 Qizil Atirgulning..  
 tikaniga solib ketibdi.  
 U kutibdi kutaveribdi,  
 Har kelgan mavjudot...  
 Bir hidlab, so'ng tashlab  
 Ketaveribdi...  
 Undan kechgan yurakning...  
 Farqi nima?..  
 Farqi juda kattadir...  
 Yurak endi devona...  
 Ko'z yosh to'kib umri o'taveribdi.  
 Sahrodagi Shunchaki endi...  
 Izg'irinning changu to'zon...  
 Qumlarini yutaveribdi.  
 Topilmas matoh bo'lib,  
 Sandig'ida xazonrang,  
 Orzulari armon tilab  
 Qat-qat bo'lib yotaveribdi...  
 Bolani alday bilgan ,  
 Ertak qanday yaralgan...  
 Qachonlardir desinlar...  
 Shoh Sultonning ertagin,  
 Ko'plar takror aytaveribdi.  
 O'shal o'tgan kunlarning  
 Azoblari so'nggi yo'l sari,  
 Qizil tusli tobut bo'lib...  
 Yonib,  
 kuyib,  
 so'lib,  
 Bo'ronda,  
 Suronda,  
 Xazonda,  
 Yuraksiz badbaxtlar qo'lida,  
 "ARZONDAN-ARZONGA" ketaveribdi...

## QO'SHIQ

*Ozodbek Nazarbekovga*

Yurak to'xtat nolalaringni,  
To'kma ko'z yosh jolalaringni,  
Ishqqa to'la allalaringni,  
Beshigimga tumorlar qadab,  
Kuyla yana men uchun atab.

Agar shundan topsalar rohat,  
Istagancha qilsinlar g'iybat,  
Sabrim meni eng katta qudrat,  
Mehr bilan umrimni bezab,  
Qo'shiq kuyla men uchun atab.

Suyanmoqqa tirgak izladim,  
Goh g'animni do'st deb sizladim,  
Goh do'stlarni chindan sezmadim,  
Ketmoqdaman qarshingda nurab,  
Qo'shiq kuyla men uchun atab.

K'yhna dunyo sadolarini,  
Odamizod ig'volarini,  
Hatto aqli rasolarini,  
Ulgurmadim qilmishin sanab,  
Qo'shiq kuyla men uchun atab.

Surishtirsam dunyo ishini,  
Deb qoldilar: - Yig'sin hushini,  
Suvga aytsin ko'rgan tushini,  
Kun ko'rarlar, oyoqni yalab,  
Qo'shiq kuyla sen unga atab.

Sig'inganning sarpolari but,  
Bezovtasan, saqlaysan sukut,  
Bu gaplarni mutlaqo unut,  
Biz ketyapmiz qayoqqa qarab,  
Qo'shiq kuyla sen bizga atab.

*Ulguradlik rahmat demoqqa...*

Amrullo Karim



U yonmasa, yongim kelyapti,  
Diydoridan qongim kelyapti,  
Mening dilbar TONGIM kelyapti,  
Mushtoq chiqdim, muhabbat so‘rab,  
Qo‘shiq ko‘yla, qalbi ummon,  
ko‘ksi qalqon,  
o‘ti jahon...  
INSONga atab!

### SHUDA BAXT...

Osmonning kaftida saodat rasmi,  
Yuragim na'rasi ezgulik nazmi,  
Nomalar sen uchun yozilsa qat-qat,  
Baxt shu-da...  
Izingdan termulib qolsa Muhabbat...

Mavoda mavjlansa, mohimdek to‘lsa,  
Seni tinglaguvchi olaming bo‘lsa.  
Hech qo‘ysa boshini saraklatsa jim,  
Baxt shu-da...  
So‘zingdan ergashib yursa muhabbat.

Sen borgan azobga mahr bo‘lolsa,  
Har ne achchiq so‘zga sabr tilolsa,  
Yelkadagi yukni birga ololsa,  
Baxt shu-da...  
Izingdan ergashib yursa muhabbat.

Mayli soyang bo‘lsin, har kun, har kecha,  
Mayli qoyang bo‘lsin, istaganicha,  
Mayli poyang bo‘lsin, ko‘ngil maylicha,  
Shuda baxt...  
Rozingdan ergashib yursa muhabbat.

Insonga shu baxtdan, bormi kattasi  
Boshda omon bo‘lsa bola-chaqasi.  
Ketsang arzimasmu yor sadag‘asi,  
Shuda baxt...  
Izingdan ergashib yursa muhabbat.

\* \* \*

O yolg'izlik,  
Kel men bilan yasha bir kun,  
Sana tanam og'riqlarini.  
Taroziga solaylik bir-bir,  
Gunohlarning qoldiqlarini.

Bo'shamasin idishdagi may,  
Chigirtkalar chalishmasin nay.  
Kel, bir bora bo'yingdan quchay,  
Ezib hijron yostiqlarini.

Men tanangga kirvolib butkul,  
Ichkarida boshlayin dovul.  
Tomoshada bo'lib kosagul,  
Eslat taqdir tortiqlarini.

Goh nasibam uzilib eldan,  
Qutulolmay beshafqat seldan.  
Unutdikmi, yolg'izlik, biroz  
Yaratganning soliqlarini.

Martaba deb kerildik gohi,  
Sezilmadi yo'qchilik ohi.  
Kayf-safoga berildik chog'i,  
Buzdik, Haqning yoziqlarini.

Gohi katta tishladik nonni,  
Omonat deb bilmadik jonni.  
Endi yamab bo'larmi qalbning,  
U darz ketgan yoriqlarini.

Menga birov qilmasin havas,  
Depsinganim asli tosh emas.  
Egam,  
Sinovlari bisyor dunyoning,  
Ko'ksimga ur qoziqlarini.

Amallarni bajarmadik goh,  
Xotirjamlik ko'ngilda mutloq.  
Hadyasi deb, Haqning chinakam,  
Qabul qildik yorliqlarini.

O yolg'izlik,  
Kel men bilan yasha bir kun,  
Sana tanam og'riqlarini.  
Ulash bilan ovora ruhim,  
Umrim uzuq-yuluqlarini.

\* \* \*

Qo'lim yetmay qoyalarga,  
Salom berdim soyalarga.  
Orzu-havas uxlab yotar,  
Dalalarda jo'yalarda.

Yaramaydi yukka aslo,  
Safarga ham chiqma ayo.  
Sabr bergandir xudoyim,  
Bir o'rkachli tuyalarga.

Aylantirib "diski"ni,  
Qidirarmish rizqini.  
O'zni etib namoyon,  
Xudo berdi kuyalarga.

Yevropaning shamoli bu,  
Seriallar xayoli bu.  
Kalta yubka, mini shim  
Yuz qoldimi uyalarga.

Davlat kelsa, urib lof,  
Do'stga to'lar yon-atrof.  
Ketgan chog'ida hay-hay,  
Do'st qoldimi suyanarga.

\* \* \*

Men elning bolasiman,  
Ham dardi nolasiman.  
Oyoq yerda. Yurakka  
Osmon yaqin turibdi.

Mashshoq chalar sozini,  
Voiz aytar so'zini,  
Usta qurgan zinadan,  
Narvon yaqin turibdi.

Bola-chaqa, molu jon,  
Harakatda har inson.  
Xolis niyat, yaxshi kun,  
(Haqiqat osmonida,)  
Davron yaqin turibdi.

Balolarga berma yo'l,  
Odam bersin qo'lga-qo'l.  
Odamiylik libosi,  
Qalqon yaqin turibdi.

Aytganlarim balki jo'n,  
Halollikdan kiyib to'n.  
Mardlar uchun mardona,  
Maydon yaqin turibdi.

Sinovlar Egamniki,  
Dardlari tanamniki.  
Yaratganning tuhfasi,  
Qur'on yaqin turibdi.

Ogoh jonda ozodlik,  
Ozodlikda obodlik.  
Poylab xatolaringni,  
Shayton yaqin turibdi.

Do'stim bu hayotda urinma harchand,  
Sakrab bo'lmas ekan, jussadan baland.  
O'zni yo'qotmadim, sabr so'radim,  
Xatar eshigimni taqillatganda.

Agar so'rasalar qo'yib berdim may,  
Yutuq deb ziyofat bermadim atay.  
Shukrona keltirdim, yolg'iz Egamga,  
Zafar eshigimni taqillatganda.

Andisha, or dedim, o'zligimga xos,  
Bir zum tashvishlarni unutganim rost.  
Ochmoqqa kuch topdim quchog'imni keng,  
Do'stlar eshigimni taqillatganda.

Koyib haydamadim, mastga teng bo'lib,  
Achchiq so'z demadim haqorat qilib,  
Yelkasidan tutib, sekin kuzatdim,  
Mastlar eshigimni taqillatganda.

Bardoshdan o'zimga imorat qurdim,  
Ba'zan yuzsizlarga elanib turdim,  
Seniki haq dedim, goh bo'yin egdim,  
Pastlar eshigimni taqillatganda.

Ehson tilamadim arzi hol etib,  
Yo'qlik niqobini bahona tutib.  
Mehnat qilaverdim rizqimni kutib,  
Dardlar eshigimni taqillatganda.

Vijdonga suyanib chiqardim qaror,  
Og'riqlar botinda, ko'rsa-da ozor.  
Shunda ham eng og'ir yukni ko'tardim,  
Gardlar eshigimni taqillatganda.

Past-baland umrning sabog'i bitmas,  
 Mardlar hamisha ham qo'lingdan tutmas.  
 Qanday yashamoqning sirin o'rgandim,  
 Mardlar eshigimni taqillatganda.

Har eshik zarbidan bitta xulosa,  
 Yaxshi odamlardan olib andoza.  
 Ko'ngildan ash'orga ochdim darvoza,  
 Zarblar yuragimni taqillatganda.

\* \* \*

Yurak yonib turibdi,  
 Qalam tolib turibdi.  
 Aytmoq uchun dardlarim,  
 Quدراتim yetarmikin.

Anduhlarga chidadim,  
 Yonolmadim, tutadim.  
 Haq so'z uchun kurashga,  
 Jur'atim yetarmikin.

Duch keldim munofiqqa,  
 Ketyapmiz bir qayiqda.  
 Soqov bo'lib yashashga,  
 Toqatim yetarmikin.

Termoq uchun xaslarni,  
 Yengmoq uchun pastlarni.  
 Hayot degan sahnada,  
 San'atim yetarmikin.

## SHE'R YOZISH BAXTMI YOKI...

- *Baxtlimisiz? - deb so'radilar,*

*Miyig'ida jilmaydi shoir:*

- *Baxtli bo'lsam she'r yozarmidim?!* - deb yozgan ekan yosh shoira Laylo Sharipova. Xo'sh aslidashe'r nima uchun va qay vaqtda yoziladi? Yohud she'r yozadiganlar shunchalar baxtsizmi? Ana shunday savollar bilan yosh ijodkorlarga, jurnalistika fakulteti III-kurs talabalariga murojaat etdik.

Tohir Shomurodov: She'r yurakni bo'shatmoq uchun, ko'ngildagi mulohazalar, hissiyot va tuyg'ular vulqondek portlab chiqqanda yoziladi. She'r yozmaydigan kishi qalb dardini yutib yashayveradi. Boringki, kimgadir aytishi mumkin. Biroq qog'ozga tushirishdek iste'dod unga nasib etmagan. Shoir esa bunday paytda jim turolmaydi. Qo'liga qalam olib, dard yoki quvonchlaridan bunyod bo'lgan go'zal bir mo'jiza yaratadi. Bu mo'jiza she'riyat deb ataladi. Demak bu ilohiy baxtdir.

Shuhrat Azizov: Baxt va baxtsizlik nisbiy tushuncha. Ham quvonch, ham qayg'u she'r yozilishiga turtki bo'la oladi. Shaxsan men, adoqsiz o'ylar girdobida qolganimda o'zimni qo'yarga joy topolmayman, Qiynalib ketaveraman. Qachonki, ularni qog'ozga tushirsam, ko'nglim taskin topadi. Barkamol kishilar na baxtli, na baxtsiz bo'ladilar. Eng barkamol she'r ham eng barkamol insonga o'xshaydi. Chunonchi, ikkalasiniyam mavjudot deb qarayman. Demoqchimanki, "baxt"ning ham, "baxtsiz"likning ham tagida kuchli hayajon bor. Barkamollikda esa aqliy hayajondan bo'lak narsa yo'q.

Dilnoz Ko'chkinova: Inson bor, tog'day dardini mushtdek ko'ksiga qamab, yashirib yuradi. Insonlar bor dardini kimgadir aytishga zor. So'zlay desa uni hech kim tushunmaydi. Ana ularni haqiqiy baxtsiz desa bo'ladi. Shoir suv bilan o'tning orasida turib, darddan she'r yaratuvchidir. To'g'ri qalb paykonlari bilan limmo-lim, dard bisyor. Biroq, bu baxtsizlik emas. Chinakam baxtsizlik shoirlar qalbiga sig'maydi.

Shodi Otamurodov: Baxtga intilishning ortib ketishi she'r yozilishiga sabab bo'ladi. She'rning manzili baxtsizlik va baxt orasidadir. Baxtsizlik sabog'ini olish - baxtga tayyorgarlik. Shu bois she'riyatni haqiqiy baxt deya olaman. Bu baxtni rohat-farog'at ma'nosida tushunmaslik kerak. Chunki, farog'at

she'riyatning kushandasidir. She'r yozayotgan kishi baxtli ham, baxtsiz ham bo'lishi, baxt nimaligini bilmasligi mumkin. Chunki, kuchli hayajon baxtga emas, faqat she'rga qaratilgan bo'ladi.

Qalam sohiblarining baxt va baxtsizlik haqidagi fikrlaridan biroz chekinib, Alisher Ibragimov so'zlariga e'tibor beraylik: "Menimcha shoirlar uch toifaga bo'linsa kerak. Birinchi toifadagilar, yuksak darajadagi iste'dodi, ijodi yetarli bo'lganlar. Hattoki, iqtisodiy tomondanda og'rinmaydigan shoirlar deb qarayman.

Ikkinchi toifadagilar esa, kimdir tanib, kimdir tanimagan o'rtacha shoirlar guruhiga kiradi deb o'ylayman. Bu toifaga she'r yozadigan, o'zini shoirman deb bilgan ko'pchilikni taalluqli deya olaman. Ularda ko'pincha, yaxshi she'r yozib, uning ortidan nimagadir erishish yo'q yoki bo'sh satrlar bilan hech nimaga erisholmaslik bor. O'sha birgina yetishmovchilik o'rni to'lsa, ular birinchi toifaga chiqib oladi.

Uchinchi toifa vakillariga yaxshimi-yomonmi, muxlis tushunadimi, tushunmaydimi she'riyat bo'lsa bas. Qolgan bari esa ikkinchi darajali. Har holda ularni ham qadrlash kerak" deb tugallagan javobdan na baxtsiz, na baxtli atashga faqat ularning o'zi javob berishi mumkin degan ma'noni uqdim. Uch toifaga ajratishni esa baxt yoki baxtsizlik iste'dod va mehnatga ham bog'liq deb angladim.

Mana talabalar shoir, she'riyat - baxtu baxtsizlik haqida yosh ijodkorlar sifatida o'z tushuncha va mulohazalarini aytishdi.

Laylo Shari povaning ushbu uchligi, she'riyat bilan anchadan beri oshno bo'lganlarga qanday ta'sir etadi. Talabalar she'r yozish baxt deb atashyapti. Balki, yoshiga nisbatan ulug' ijodkorlar, shoirlarni boshqa tuyg'u uchun qalam tebratishar, degan fikrdadir.

*"Turkiston" gazetasi, 1998 yil 25 noyabr*

## MUNDARIJA

"Shiringina bir izhor" yoki yurakka qaytish ( <i>D.Rajab</i> ) .....	81
Qayda qoldi... ..	83
Millat kayfiyati .....	84
O'zbekda... ..	85
Suqun solib... ..	86
Bolalik osmonlari .....	87
Ramazonda yozilgan she'r .....	88
Ustozlarga .....	89
Junjuksa... ..	89
Hayot .....	90
Keyingi gal... ..	91
Qadrdonlarga... ..	92
Sen ko'zlagan... ..	92
Tilamaydi... ..	93
To'kiladi... ..	93
Zebo, sevardim... ..	94
Safo sening... ..	94
Ulguraylik rahmat demoqqa... ..	95
Necha kunki... ..	95
Baxt .....	96
Bu hayot... ..	97
Mening nafsım... ..	98
Qizim Mohinabonuga .....	99
Tushunish .....	99
Yoshlik .....	100
Hayot darslari .....	100
Internetdan... ..	101
Oramizdan... ..	102
Azizim d.ga .....	102
Xulosa .....	103
Yoshlik navosi .....	104
Oqshom... ..	104
Birinchi sevgi .....	105
Savol .....	105
Kurashlarga... ..	106
Sohilning... ..	107
Xayol... ..	108

Hayot...	109
Bizni sevgan...	109
Xonadon tinchligi	110
Sinfdoshginam	111
Muhabbat g'unchasi	112
Manzara	112
Men sizni sevaman	113
Gulzorda...	113
Men o'zimni...	114
Gulginam	114
Maktubimni yoqar bo'lsang...	115
Ko'ngil	115
Yuragimni...	116
Cho'qqiga intilayotgan qizga	116
Qizlar davrasi	117
To'y ta'rifi	117
Yulduzlikni...	118
Bir musofir...	118
Duoga qo'ling och, O'zbekistonim!	119
Kel, bahorim!	120
Injularga...	120
Elim	121
Buxoroning to'ylari	122
Ko'rk...	122
Oq tonglar kuychisi...	123
Hazrat mohitobon	124
Vafo	125
O'ylarim	125
Ota	126
Jannat sohibalari	127
Bahor yomg'irlari...	127
Sog'inch	128
Sevgi...	128
Bu oqshomda...	129
Boshingni qo'y ona bag'riga	130
Ona qadri	131
Inson...	131
Muvashshah	132
Lochin...	132

Xayollarga .....	133
Shivirlar... ..	133
O'g'lim Shahbozbekka .....	134
Hayot bo'lsa... ..	134
Bolaligim .....	135
Dedingiz... ..	135
Hayot qo'shig'ingni... ..	136
O'zingiz... ..	136
Bas qil... ..	137
Men uzoq... ..	138
Yolg'iz... ..	139
Avvalo... ..	140
Zarracha... ..	141
Begoyimni... ..	143
Qo'shiq .....	144
Shuda baxt... ..	145
O yolg'izlik... ..	146
Qo'lim... ..	147
Men elning... ..	148
Do'stim bu... ..	149
Yurak yonib... ..	150
She'r yozish baxtmi yoki... ..	151

*Adabiy-badiiy nashr*

**AMRULLO KARIM**

*Ulguraylik  
rahmat demoqqa..*

*Muharrir:*

**Mirzo Ahad**

*Texnik muharrir:*

**Fayzullo Azizov**

*Musahhiha:*

**Madina Abdullayeva**

«Муҳаррир» нашриёти

Лицензия: АІ № 099. 2008 йил 24 март

Terishga 2011 yil 20 dekabrda topshirildi.

Bosishga 2012 yil 12 yanvarda ruxsat etildi.

Bichimi: 84x108  $\frac{1}{32}$ . «Virtec Times» garniturasida  
ofset bosma usulida gazet qog'oziga bosildi.

9,75 shart. b.t. 7,8 hisob nashr. tab.

Adadi 1000 nusxa. 2-son buyurtma.

«Muharrir» nashriyoti matbaa bo`limida chop etildi.

100060, Toshkent sh., Elbek ko`chasi, 8-uy.

E-mail: Muharrir@list.ru